

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ШАРҚ КЛАССИК ФИЛОЛОГИЯСИ

ИЛК ТЎПЛАМ

Тошкент – 2009

Ушбу тўпламга Шарқ классик филологиясининг турли қирраларига бағишланган илмий мақолалар жамланди. Китоб филологлар ва шу соҳа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши нашрга тавсия этган.

М а с ъ у л м у х а р р и р:
филология фанлари доктори, профессор **Қ. Содиқов**

Т а қ р и з ч и л а р:
филология фанлари доктори, профессор **О. Шоматов**,
филология фанлари номзоди, доцент **Ж. Шабанов**

© Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2009 йил.

СЎЗ БОШИ

Жаҳон адабиёти кенгликларида қараладиган бўлса, *классика, классик адабиёт,, классик ижодкор, классик асар* тушунчалари нисбийдир. Шунинг учун шарқ классикасини ғарбдаги уйғониш даври ёки ренессанс адабиётининг хусусиятлари, ғарб классик адабиёти билан тенглаштириш, унинг ўлчовларига менгзамаслик керак. Шарқ классик меросининг бошқа адабиётларда учрамайдиган ўлчов ва қолиплари, ўзига яраша кирралари бор. Чунки шарқ адабиёти кишилиқ ҳаётида маънавий инқирозлар юз бериб, ўз илдизларини қайта қидириш, уйғониш йўлидан бормади. Балки, ўз ота-боболари яратган маънавий асосларга таянган ҳолда уни юксалтириш, маънавий қадриятларни бойита бориш йўлини тутди. Шарқ адабиётларида турли даврларда юз берган кўтарилишу юксалишлар ана шу анъаналар, қўшни маданиятларнинг ўзаро эткиси-ю, адабий алоқалар эпкинисида юзага келди. Баъзида ғарб адабиёти ўзига эп кўрган маънавий-эстетик қарашлар, бадий талабларга эргашиб иш тутиладиган бўлса, қуюшқонга сиғмай қолажаги ҳам кундек аён. Ана шуларни кўзда тутган ҳолда, шарқ халқлари адабиёти тарихининг илк кўтарилишини “уйғониш даври”, олтин даврларини эса “классик давр” деб аташ ҳам ўзини оқламас. Шарқ классикасини турли даврларда бадий адабиёт, маънавий-эстетик қарашлар тарихидаги юксалишлар босқичи, кишилиқ ўтмишида бадий тафаккурнинг тантана қилган даврлари дея англамоқ керак. Шарқ классик адабиётининг тадқиқотчиси буларни тан олмаслиги ва бу тарихий ҳақиқат билан келишолмаслигининг иложи йўқ.

Шарқ адабиётининг ўзига хослиги туркий ёзма адабиётнинг энг эски намуналаридаёқ кўзга ёрқин ташланади. Буни адиб ва тарихчи Йўллуғ тигин қаламига

тегишли икки битиг – Кул тигин ва Билга хоқон битиглари мисолида қараб чиқсак. Уларнинг бири 732, кейингиси эса 735 йили яратилган. Битиглар улуғ йўлбошчилар хотирасига битилган ёдномалар бўлиб, уларда халқ қаҳрамонларининг кўзи тириклигида олиб борган эзгу ишлари, юрт эрки ва тинчлиги йўлида кўрсатган жасорати ёд этилади. Тарихий воқеалар миллий қаҳрамонлар образини, уларнинг идеал ишларини улуғлаш учун фон бўлиб хизмат қилади. Матн баёни бадиий тилда. Матнларнинг ғоявий ва услубий ўзгачаликлари уларни бадиий асар даражасига кўтарган. Шу маънода, битиглар тарихий асарларгина эмас, қадимги турк адабиётининг ажойиб намуналари ҳамдир.

Битигларда кўк турк хоқонликлари замонида яшаб ўтган Бумин, Истами, Элтариш, Билга хоқон ва Кул тигин сингари тарихий шахслар адабий қаҳрамон сифатида гавдаланади. Мазкур турк хоқон ва саркардалари, улуғ йўлбошчилар, туркий улуснинг миллий қаҳрамонлари даражасига кўтарилиб, макталади. Асарларда ёзилишига кўра, халоскорлар эл эрки, унинг тинчлиги йўлида кечакундуз тиним билмайди: “Турк халқи учун тун ухламадим, кундуз ўтирмадим” (Türük bodun üçün tün udımadım, күntüz olurmadım) дея таърифланади битигда.

Халаскорларнинг қўл остида юртда тинчлик қарор топди, халқ кўпайди. Бу вазият Билга хоқон тилидан шундай тасвирланади: Yalañ bodunuğ tonluğ qıltım, çığañ bodunuğ bay qıltım, az bodunuğ öküş qıltım (Яланг халқни кийимли қилдим, қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим). Хоқонлар халққа қилган яхшилиги, эл фаровонлиги йўлида олиб борган ишларининг таърифида, уларнинг қўл остида халқ тинч-осойишта, тўқ ва бой яшагани, халқ кўпайганини билдириб қўйиш учун ана шундай жумлалардан фойдаланган. Ёки Билга хоқон отаси Элтариш тахтда эканлиги чоғида мамлакатда юз берган

ўзгаришлар, халқнинг эркин-эмин яшаганлигини эслаб “Ўша чоғда қулнинг ҳам қули бўлар эди (Ol ödkä qul qulluğ bolmīs), деб ёзган эди.

Битигларда таърифланувича, тангрининг қўллагани учун хоқонлар улуғ ютуқларга эришди: Tāŋri küč bertük üčün qaŋīm qağan süsi böri-täg ermis, yağīsī qoñ-täg ermis (Тангри куч бергани учун отам хоқоннинг лашкари бўридек экан, душмани қўйдек экан). Бунда tāŋri yarlıqaduq üčün (тангри ёрлиқагани учун), tāŋri küč bertük üčün (тангри куч бергани учун) сингари иборалардан фойдаланилади. Ушбу жамлада тангри куч бергани учун хоқон қўшинининг куч-қудрати орта боргани, унинг жасур ва енгилмаслиги бўрига, ёвнинг ожизлиги, бўйсинувчанлиги эса қўйга менгзалган.

Битигларда жумлалар ўта ёқимли ва таъсирчан. Мана мисоли: Tāŋri yarlıqaduq üčün elligig elsirätmis, qağanliğig qağansirätmīs, yağig baz qilmīs, tizligig sökürmis, başliğig yüküntür(mis) (Тангри ёрлиқагани учун эли борни элидан айирган, хоқони борни хоқонидан айирган, ёвни эл қилган, тиззаси борни чўктирган, боши борни юкунтирган).

Бошқа бир мисол: Qanij subča yügürti, söñükün tağça yatdı, beglig urı oğluñ qul boltı, silig qız oğluñ küñ boltı (Қонинг сувдай оқди, суягинг тоғдай (уюлиб) ётди, бек бўладиган ўғил боланг қул бўлди, сулув қиз боланг чўри бўлди). Ушбу жумлада Биринчи кўк турк хоқонлиғи қулаб, халқ ёв қўлида қолган чоғлар таърифланган. Унда турк халқининг босқинчилар сиқуви остида уқубатда қолгани, унинг қирилиб бораётгани таърифланиб, кишилар қонининг тўкилиши сойга, суякларнинг уюми эса тоққа киёс этилади. Ҳаракатнинг белгиси (гап бўлагига кўра ҳол) subča, tağça равишлари ёрдамида берилган. Кейинги жумладаги иғи оғул – “ўғил бола”, qız oğul – “қиз бола”; эркакларга нисбатан – qul, хотин-қизларга нисбатан эса küñ сўзи қўлланилган – у “жория”ни билдиради. Ушбу

жумлада ўша кезлар туркнинг бегликка лойиқ йигитлари кул, сулув қизлари эса жорияга айлангани таъкидланмоқда.

Урхун битигларини текширган олимлар матнларнинг тузилиши тўғрисида икки хил қарашда: айримлар мазкур ёдномаларни шеърий асар деса, бошқа бирлари уларни насрий асар санайди. Битигларни насрда ёзилган деб қаровчиларнинг фикрича, жумлаларнинг шеър сингари бир оҳангда ўқилишига сабаб, уларда саждан кенг фойдаланганлигидир.

Таъкидлаш керак, урхун битиглари, хусусан, Кул тигин ва Билга хоқон ёдномаларининг тузилиши ўта мураккаб. Унинг тузилиши ва услуби қадимги турк монументал матн тузиш анъанаси юксак даража такомил топганидан белги бериб туради. Матннинг баён шаклига келсак, у, асосан, насрда. Бироқ, ора-орада шеърий бўлақлар ҳам жой олган. Муҳим тарихий ҳодисаларнинг кульминацион нуқталари, миллий қаҳрамонларнинг фаолияти, қилиқларига оид чизгилар шеърда (буни ўзбек халқ дostonларига қиёслаш мумкин). Ёдномаларнинг бу тарзда тузилганлиги уларнинг таъсирчанлигини янада оширган. Кул тигин битигининг сўнгидаги Билга хоқон тилидан айтилган марсияга эътибор беринг: *Kül tigin yoq ersär, qor öltäçi ertigiz. İnim Kül tigin kargäk bolti, özüm saqintim: körür közüm körmäz-täg, bilir biligim bilmäz-täg bolti, özüm saqintim. Öd täñri yasar, kisi oğli qor ölügli tirimis.* – Кул тигин бўлмаганда бутунлай ўлар эдингиз. Иним Кул тигин вафот этди, ўзим алам чекдим: кўрар кўзим кўрмасдек, билар билимим билмасдек бўлди [яъни кўзимнинг нури кетди, эс-ҳушим оғди], ўзим алам чекдим. Тиригликни тангри белгилайди, киши ўғли ўлгучидир.

Боболаримиздан қолган битигларда улуғ ва теран бир фалсафа бор. Қадимги туркий халқларда “осмон”, “ер-сув”, “эл” – қутлуғ тушунчалардир. Битигларда буларга нисбатан “тангри” сифати берилгани, улар ана шу юксак

сифат билан улуғланувини кўп кузатамиз: битигларда таъриф этилаётган халқ қаҳрамонлари ўз элини, юртини *tāñri elim, tāñti yer, tāñri yer-sub* дея тилга олади. Эр кишининг жамият, эл-улус олдидаги бурчи, ватан, она-юртни сақлаш – йигит учун қутлуғ бурч саналган. Бадий адабиётда эл эрки, она-юрт, ватанни сақлаш ғояларидан-да юксакрак ғоя борми экан? Бундайин улуғ ва тенги топилмас ғояларнинг бадий адабиётда акс этуви классиканинг юксак кўриниши эмасми? Демак, ушбу битиглар ҳам ёзма адабиётнинг классик намуналари сифатида баҳоланмоғи керак. Ўрта асрларда, биз ҳозир классик босқич, деб атаётган адабиёт ўша ўздан бурунги юксалишларнинг эткисида яралмадими ахир?

Классик матнни ўрганиш уни хатосиз ўқишдан тортиб, матн маъносини тўғри талқин қилишгача бўлган мураккаб ишни ўз ичига олади. Озгина чалғиш ҳам матн маносига путур етказиб қўйиши мумкин. Бир-икки мисол келтирамиз. Алишер Навоийнинг машҳур ўғитини ҳамма билади. Уни қуйидагича ёзадилар:

Олам аҳли, билингиз-ким, иш эмас душманлиғ,

Ёр ўлунг бир-бирингизга-ки, эрур ёрлиғ иш.

Шу туришида мазмунга эътибор берилса, байтнинг биринчи сатрида “душманлиғ иш эмас” дейилмоқда. Бундан ташқари, бир байтда *иш* сўзи икки бор ишлатилган, бу эса, услубга терс. Хатонинг илдизи матннинг ўқилишига бориб тақалади. Араб ёзувида иккалови бир хил ёзилгани учун ҳам ўқилганда улар бир сўз деб тушунилган чоғи. Аслида биринчи сатрдагисини *иш* эмас, *эш* деб ўқилгани маъкул. Шунда маъно ойдинлашади: “кишига душманлиғ эш бўлмайди” деган маъно келиб чиқади. Кейинги сатрда *эрур ёрлиғ иш* дейилгани тўғри. Ёрлиғ деганда “тангрининг ёрлиғи, буйруғи” кўзда тутилмоқда. Ушбу сатрда “бир-бирингизга дўст бўлинг, бу тангрининг ёрлиғи, яъни буйруғидир” деган маъно

англашилади. Шуларга кўра, Навоийнинг ушбу ўғитини қуйидагича берилса тўғри бўлади:

*Олам аҳли, билингиз-ким, эш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизга-ки, эрур ёрлиг иш.*

“Муҳокамату-л-луғатайн”да Навоий туркий сўзларнинг қўпмаънолилиги тўғрисида сўз юритар экан, орада кўк сўзининг маъноларини ҳам яхши ёритган. Асарнинг тошкент нашрида Навоийнинг ёзганлари қуйидагича берилади: “**Кўк** лафзин ҳам неча маъни била истеъмол қилурлар. Бири **кўк** – осмонни дерлар. Яна **кўк** оҳангдур. Яна **кўк** теграда кўкламакдур. Яна **кўк** қадоғни ҳам дерлар. Яна **кўк** сабза ва ўлангни дағи дерлар” (*Алишер Навоий*. Асарлар. Ўн тўртинчи том. Тошкент, 1967. 113-б.). Эътибор берилса, изоҳларнинг учинчиси (*теграда кўкламак*) билан бешинчиси (*сабза ва ўланг*) бир хил англамда. Навоийда эмас, матннинг ўқилишида хато бор: кўк сўзининг учинчи маъноси “теграда кўкламак” эмас, “тикарда кўкламак”дир. Хато ўқилганлигининг сабаби *теграда* билан *тикарда* сўзларининг ёзилиши бир хил. Хотинлар буни яхши билади, *тикарда кўкламак* бирикмаси “кўклаб тикиш” деган маънони беради.

“Муҳокамату-л-луғатайн”дан яна бир ўрнак. Навоий туркий луғатнинг услубий устунлигини кўрсатиш мақсадида форсийда тенгдоши йўқ юзта феълни келтирган. Уларнинг юзта (юз лафз) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам таъкидлайди. Қизиғи шундаки, тошкент нашрида ушбу феъллар тўксон тўққизта (ўша китоб, 108- б.). Шунинг учун бўлса керак, олимлар орасида “Навоий Оллоҳнинг сифатларини назарда тутган ҳолда юзта дегани билан, тўксон тўққиз феълни келтирган” деган қарашлар ҳам чиқиб қолди. Бизнингча бундай эмас. Бунинг боиси, асарнинг бизга етиб келган кўлёзма нусхаларида уларнинг сони турлича: тўпқопи ва париж нусхаларида тўксон тўққиз, фотиҳ ва будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу

икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *čimdilamaq* феъли бўлиб, сирада *qičiğlamaq* сўзидан кейин келади. Танқидий матн тайёрлаш жараёнида анқара нашрида матнга ана шу феъл ҳам киритилган.

Таъкидласа бўладигани яна шундаки, айтарли ҳамма нашрларда бу феълларни ва боғловчиси билан келтирадилар. Бизнингча, ўқилишда кетма-кет келган феълларни *u*, жуфтликларни эса ўзаро ва боғловчиси билан берилгани маъкул: *quwarmaq-u quruqšamaq va üšärmäk-u jüyjaumaq va öñdäymäk-u čigräymäk va dumsaymaq-u utunmaq va osanmaq-u igirmäk va egärmäk-u oxranmaq va tariqmaq-u aldamaq va arğadamaq-u išänmäk va iglänmäk-u aylanmaq va erikmäk-u igränmäk va awunmaq-u qistamaq va qüynamaq-u qozğalmaq va sawrulmaq-u čayqalmaq va devdäšimäk-u qimšanmaq va qizğanmaq-u nikämäk...* ва б. Классик филологиянинг бунинг сингари сиру синоатлари анча. Мутахассис етиштиришда, ёзаётган илмий ишларимизда уларга айрича эътибор қаратмоғимиз керак.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институти шарқшуносликнинг кўзга кўринган, ўз ютуқлари билан дунёга танила бораётган йирик марказларидан биридир. Бу ерда арабшунослик, туркшунослик, эроншунослик, хиндшунослик, хитойшунослик, японшунослик, курияшунослик соҳаларида мутахассис кадрлар етиштириш билан бир қаторда илмий тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Илмий ишларнинг муайян йўналиши классик шарқ меросини ўрганишга бағишланган. Сўнгги кезларда бу йўналишда кўзга кўринарли ишлар яратилди. Қилинган ишларни бир ерга йиғиш, уни мутахассислар эътиборига етказмаклик истагида қўлингиздаги ана шу илк тўплам юзага келди.

Тўпламга тилшунослик, адабиётшунослик, адабий манбашунослик ва матншунослик масалаларига бағишланган мақолалар киритилди.

Илмий тўпламни тузиб, чоп эттиришга чора
излаётганимда менга яқиндан кўмаклашган олижаноб ва
очиқ кўнгил йигит, Шарқ филологияси ва тарих
факультети декани, филология фанлари номзоди, доцент
Жасур Зиёмуҳамедовга чинг кўнгилдан миннатдорчилик
билдираман.

Қосимжон Содиқов.

БИРИНЧИ БЎЛИМ. ТИЛШУНОСЛИК

КЛАССИК ФОРС ТИЛИ ҲАМДА ҲОЗИРГИ ФОРС, ДАРИЙ ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИ ФОНЕМАЛАР ТИЗИМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

АҲМАДЖОН ҚУРОНБЕКОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Классик форс тилидаги унли ва ундош фонемалар.

Ҳозирги замон форс тилининг фонемалар тизими.

Ҳозирги турк тилининг фонемалар тизими.

Ҳозирги замон дарий ва тожик тилларининг фонемалар тизими.

Ҳозирги форс тили ва турк тилининг муштарак фонемалари.

Классик форс тили, ёки форсий-дарий тили IX асрда Араб халифалигидан ажралиб чиққан ва Мовароуннаҳр ва Хуросон ва унинг атрофида ҳукмронлик қилган Тоҳирийлар сулоласи (821–873), Сийистон, Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг баъзи минтақаларини ўз ичига олган Саффорийлар сулоласи (873–903) ва айниқса Мовароуннаҳрда IX асрнинг охирларида ташкил топган, маркази Бухорода жойлашган Сомонийлар давлатида (875–999) порсий-дарий ёки дарий тили расмий ёзишмалар ва ўша пайтда гуркираб ривожланган адабиёт тилига айланди.

Бу даврда ижод қилган Рудакий Самарқандий, Фирдавсийи Тусий, Абу Шукр Балхий ва кўплаб шоир ва ёзувчилар порсийи дарий тилида ёзишарди. Бу тилни дарий тили деб аталишига сабаб, унинг мустақил Сомонийлар давлатида “дарбор” яъни “сарой тили” га айланишида деб шарҳлашади. Лекин бу сўзнинг этимологиясига бошқача қарашлар ҳам мавжуд.

Классик порсий-дарий тилининг фонетик тизими ҳозирги замон форс тилининг фонетик тизимидан фаркли бўлган. Классик порс тилида 8 та унли 24 та ундош фонема мавжуд бўлган [1]. Улар қуйидагилар.

Унли фонемалар	
Қиска унлилар	Чўзиқ унлилар
a	ā
i	ī
u	ū
	ē
	ō

Ундош фонемалар

p γ h y
b č z x w (x v)
t ĵ ž
d f m,n
s s w
k š r
g x l

М. Муин “Farhang-e fārsi” луғатининг муқаддимасида порсийи дарий тили ўрта форс тилининг бевосита давомчиси бўлиб, бу даврдаги талаффуз усулига Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сидан мисол келтиради [2]:

چو بشنيد رستم سرش خيره گشت جهان پيش چشم اندرش تيره گشت
همی بی تن و تاب و بی توش گشت بيفتاڊ از پای و بی هوش گشت

بپر سيد از آن پس که آمد بهوش بذ و گفت با ناله و با خروش
بگو تا چه داری ز رستم نشان که گم باڊ نامش ز گرد نکشان

Бу келтирилган парчанинг лотинча транскрипциясини қуйидагича беради:

Ču bi-šnið Rustam sar-aš xira gašt
Jihān pēši čašm andar-aš tira gašt
Ham-ē bē tan u tāb u bē tōš gašt
Biy-uftað az pāy u bē hōš gašt

Baḍ ō guft bā nāla u bā xurōš
 Bi-gō tā či dārē zi Rustam nišān
 Ki gum bāḍ nām-aš zi garden-kašān

Келтирилган бу парчадаги унли фонемалар талаффузини ҳозирги замон форс тилидаги унли фонемалар талаффузи билан қиёсласак, уларнинг орасида кескин фарқ борлигига гувоҳ бўламиз.

Ўи лексемасидаги қисқа *u* фонемаси ҳозирги форс тилида *čō*, яъни *o* шаклида талаффуз қилинади. *bi-šniḍ* лексемасида *bi* префикси *be* шаклида *xira* лексемасидаги охирги *a*, *e* шаклида *jihān* сўзидаги *i*, *a* шаклида *jahān* деб, *pēsi* олд кўмакчиси *piš-e* шаклида, *ham-ē* сўзидаги охирги *ē* чўзиқ *i* шаклида, *bētōš* сўзидаги чўзиқ *ō* чўзиқ *u* шаклида талаффуз қилинади.

Бундай унли фонемалар талаффузидаги классик форс тили билан ҳозирги замон форс тилидаги унлилар орасида кескин фарқ қандай пайдо бўлди, деган савол туғилиши табиий.

Ҳозирги замон форс тилида олтита унли ва иккита дифтонг бор, булар қуйидагилар:

а	ā
е	ī
о	u

Дифтонглар: *ei*, *ow*

Агар буни классик давр форс тилининг унлилар тизими билан қиёсласак шундай ўзгаришлар рўй берганининг гувоҳи бўламиз:

К.ф.т.	Ҳ.ф.т.
қиска <i>i</i> →	е қиска
<i>u</i> →	о
<i>a</i> →	а (е)
К.ф.т.	Ҳ.ф.т.
чўзиқ <i>i</i> →	<i>i</i> чўзиқ
<i>ē</i>	

чўзик $\bar{u} \rightarrow$ $\bar{u}$ чўзик
 $\bar{o}$

чўзик $\bar{a} \rightarrow$ $\bar{a}$ чўзик

Классик форс тилидаги қисқа “i” фонемаси ҳозирги замон форс тилидаги қисқа “e” га қисқа “u” қисқа “o” га айланган. Қисқа “a” фонемаси эса сўз боши ва ўртасида “a” шаклида ва сўз охиридаги “a” фонемаси “e” фонемасига ўзгарган. Мисоллар:

К.ф.т	Ҳ.з.ф
kitāb	ketāb
Rūstam	Rōstam
xīra	xīre

Чўзик унлилар:

pēš-i	piš-e
pursiδ	pōsid
behōš	bihuš
nerū	nirū
jihān	jahān

Ундош фонемалардаги ўзгаришлар унча катта эмас, классик форс тилидаги δ [δ] инглиз тилидаги *dz* шаклида талаффуз қилинган. Масалан: *bi-sniδ*, *bi-uftaδ*, *bipursiδ*. Классик тилдаги γ фонемаси ҳозирги замон форс тилида γ , q шаклида ўзгарган: Масалан: *γorfe*, *noqte*.

Классик форс тилидаги xw , $x(v)$ ҳозирги замон форс тилида сақланиб қолмаган; Масалан:

К.ф.т.	Ҳ.з.ф
$xwāhar \rightarrow$	$xāhar$
$xwaš \rightarrow$	$xoš$
$xwad \rightarrow$	xod
$xwēš \rightarrow$	$xiš$

Ҳозирги замон дарий тилида 8 та унли фонема мавжуд [3].

Қисқа унлилар	Чўзик унлилар
a	$\bar{u}$
i	$\bar{a}$

u

ī
ō,
ē

Қисқа унлиларга мисоллар:

A: abr,ba, man,

I: imroz, dil, ispan

U: urdu, ustād, xud

Ā: āb, nān, mā

Ī: šīr, in, si

Ū: jūr, dū, tū

Ō: kōr, zōr, bōr

Ē: dēr, mēwa, sēr

Агар классик форс тилидаги унли фонемалар тизимини ҳозирги замон Афғонистондаги дарий тили ва Тожикистондаги тожик тили унли фонемалари билан қиёсласак, уларнинг орасида деярли фарқ йўқлигини гувоҳи бўламиз.

Шу ўринда савол туғилади, у ҳолда ҳозирги замон форс тилидаги унли фонемалар қачон ўзгара бошлаган ва бу ўзгаришларни юзага келишига нима сабаб бўлган? А.Н. Болдиревнинг фикрича, IX асрнинг охиридан XVI асрнинг бошларигача “форс адабий тили морфология, синтаксис ва луғат таркиби соҳасида ҳеч бир маҳаллий тусдаги дифференциациядан нишона кўрсатмайди”. Фақат мана шу даврдан бошлаб учта мустақил форс, дарий ва тожик адабий тилига бўлиниш бошланади [4].

XVI асрдан бошлаб бу тилларнинг фонологик тизимида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳодиса ҳали жиддий тадқиқотларни тақозо қилади, лекин назаримизда бунга Эрондаги озарбайжон туркларининг таъсири бўлса ажабмас.

Тарихдан маълумки, XVI асрдан бошлаб Эронда туркий тилли Сафавийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Шу сабабли форс тилига кўплаб туркий сўзлар кириб

тилида эса *a* қисқа унлиси *e* қисқа унлисига алмашган. Масалан:

Ҳозирги турк тилида	Ҳозирги форс тилида
galabe	yalabe
gamze	yamze
gaye	ya̋ye
hademe	xadame

Классик форс тили билан ҳозирги замон дарий ва тожик тилларида сўз охиридаги қисқа *a* бир хилда талаффуз қилинади, ҳозирги замон форс тилида эса қисқа *a*, қисқа *e* га алмашган, бунда сўзсиз турк тилининг таъсири бўлиши керак.

Классик форс тилидаги *be* инкор юкламаси дарий ва тожик тилида *be* шаклида ўзгармай қолган. Ҳозирги замон форс тилида эса *bi* шаклига ўзгарган. Қиёсланг:

К.ф.т.	Ҳ.з. турк тили	Дарий/ тожик тили	Ҳ.з.форс тили
behahra	bibehre	bebahra	bibahra
be gāna	bi gāne	begāna	bigāne
behöš	bihuš	behöš	bihuš
bekas	bikas	bekas	bikas

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, классик форс тили билан дарий-тожик тилларида инкор юкламаси *be* шаклида келган, ҳозирги замон форс тилида эса турк тилининг таъсирида *bi* шаклига ўзгарган.

Ҳозирги замон форс тилида классик форс тилидан фарқли ўлароқ, қисқа *i* фонемаси *e* га алмашган, дарий тилида ўзгармаган.

Классик форс тили	Ҳ.з. форс тили	Ҳ.з. дарий тили
rišvat	rešvat	rišvat
rizā	rezā	rizā
rikāb	rekāb	rikāb
dil	del	dil
zinda	zende	zinda
zindān	zendān	zindān

Классик форс тилидаги қисқа *u* товуши ҳозирги замон форс тилида қисқа *o* товушига ўзгарган, дарий-тожик тилида ўзгармай қолган.

Классик ф.т	Ҳ.з. форс тили	Дарий тили
dawlat	doulat	davlat
rawšan	roušan	ravšan
Zubayda	Zobeyde	Zubayda
zardušt	zardošt	zardušt
xurdān	xordan	xurdan
xudāvand	xodāvand	xudāvand
xujasta	xojaste	xujasta

Ҳозирги замон форс тилидаги бу қисқа *u* товуши қандай таъсир остида қисқа *o* фонемаси билан алмашгани маълум эмас, фақат шуниси эътиборлики, қадимги турк тилидаги [7] қисқа *o* товуши учрайдиган сўзлар ҳозирги замон форс тилида ҳам айнан шу ҳолатда қабул қилинган.

Қиёсланг:

Қадимги турк	Ҳ.з. форс т	Классик форс тили
čogan	čogān	čavgān
čomaq	čomāq	čumaq
moγul	moγul	möγul

Лекин бошқа ўринларда ҳозирги замон турк тилида *o* қисқа унлиси *e* шаклида учрайди. Масалан:

Dewlet, zerdušt, čevgan каби, классик форс тилидаги қисқа тил олди *ö* фонемаси ҳозирги замон форс тилида чўзиқ, тил орқа *ı* товушига айланган. Қиёсланг:

Классик форс тили	Ҳ.з. форс	Ҳ.з. дарий-тожик
möy	muu	möy
köy	kuy	köy
böy	buy	böy
jöy	juu	jöy
jöja	juje	jöja

Ҳозирги замон форс тилидаги чўзиқ *u* фонемаси ҳозирги замон турк тилидаги қалин *u* товушига яқин талаффуз қилинади, лекин қисқа *ö* ни чўзиқ *u* фонемасига

ўзгаришида турк тилининг таъсири бўлганлигига ҳеч бир далил исбот йўқ.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, классик форс тилида сўз ўртаси ва охиридаги қисқа тил олди, очик *a* фонемасини ҳозирги замон форс тилидаги *e* фонемасига айланишида ва чўзиқ, тил орқа *e* фонемасини чўзиқ, тил орқа *ī* фонемасига айланишида сўзсиз ўрта аср озарбайжон турк тилисининг таъсири бўлган, деб дадил айтишга бўлади.

Қолган ҳолатлардаги ҳозирги замон форс тилидаги эврилишлар яна кенроқ тадқиқотларни талаб қилади.

Олиб борган тадқиқотлардан шу нарса маълум бўладики, ҳозирги замон дарий ва тожик тиллари фонемалари тизими классик форс тили фонемалар тизимидан деярлик фарқ қилмайди. Ҳозирги замон форс тили фонемалар тизими эса XVI асрдан кейин кескин ўзгаришга учраган.

Адабиёт:

[1] *M. Abulqāsemi*. Dāstur-e tarixi-ye zabān-e fārsi. Tehrān, 1385. S. 19.

[2] *M. Muin*. Farhange fārsi. Čāp-e haštom. Tehrān, 1371.

[3] *M.N. Neghat Saidi*. Dastur-e zabāne mo'āser-e dari. Kābol, 1969. S. 10; *M. R. Ilhām*. Dastur-e zabān-e dari. Kābol, 1349. S. 53-56.

[4] *A.H. Болдырев*. Из истории развития персидского литературного языка. – ВЯ, 1955. № 5. С 78-92.

[5] *C. Sālehpur*. Turkçe-farsça genel sozlugu. Tehran, 1375.

[6] *T. Bangu Og'lu*. Turkçenin grameri. Ankara, 1998.

[7] Древнетюркский словарь. Л., 1969.

ҚАДИМГИ ЁЗМА МАНБАЛАРДА ИСЛОМДАН АВВАЛГИ ДАВР МУСИҚАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ АТАМАЛАР

ЗОКИРЖОН ОРИПОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

“Авесто”да қўлланган мусиқа атамалари.

“Шохнома” асарида келтирилган мусиқв атамалари.

“Девону луғатит турк”да берилган мусикашунослик билан боғлиқ атамалар.

“Қўшиқлар китоби” келган мусиқага тегишли атамалар.

Исломгача бўлган Шарқ мусиқасини ўрганишда Абу Наср Форобийнинг [كتاب الموسيقى الكبير] “Катта мусиқа китоби”, Абу Али ибн Синонинг [جوامع علم الموسيقى] “Мусиқа илми тўплами”, Абу Мансур ибн Зайланинг [كتاب الكافي في] [كتاب الكافي في] “Мусиқага оид тўлиқ китоб”и ва Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг [مفاتيح العلوم] “Илмлар калитлари” [في الموسيقى] “Мусиқа ҳақида” энциклопедик асарининг аталмиш боби билан бир қаторда турли ўзга асарларда қадимий халқ байрамларида қўлланилганлиги таъкиланган, “Авесто”, “Шохнома”, “Девону луғатит турк”, “Қўшиқлар китоби” да келтирилган ва қадимги археологик топилмаларда тасвирланган мусиқамиз атамалари тизими узоқ шаклланиш ва такомил йўлини босиб ўтганни кўрсатувчи манбаларга асосландик. Ҳозир биз “Авесто”, “Шохнома”, “Девону луғатит турк”, “Қўшиқлар китоби” да келтирилган исломдан олдинги мусиқа атамаларнинг баъзилари ва уларни Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Хоразмий асарларида талқини ҳақида баҳс юритамиз.

“Авесто”

Мовароуннаҳр ва Хуросондаги исломгача бўлган динлар қаторида Кушон (I–IV асрлар) ва Эфталитлар (V–VI аср ўрталари) давлатлари даврида четдан кириб келган

будда ва христиан динлари мусиқа билан бевосита боғлиқ бўлса-да, аммо ватани Хоразм бўлган, ўзи икки худоликка асосланган ҳолда, монотеистик ғоялар ривожига ҳисса қўшган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” нинг энг қадимий қисмларидан “Ясна” аталмишининг 17- боби “Готлар” – “Гимнлар” деб номланган. Улар турли маросимларда ижро этиладиган қўшиқларни ўз ичига олади [1]. Қўшиқларни ижро этиш, дуоларни ўқиш, ибодат давомида овозни идора этиш ва ижронинг таъсир кучини ошириш йўллари Зардушт мисолида кўрсатилади. Масалан, “Заратуштира (Зардушт) бола туғилган заҳоти, шеърӣ дуоларни тўрт марта тўхтаб – тўхтаб, ҳар гал овозини баландроқ кўтариб ўқиган” [2]. Шуниси диққатга сазоворки, “Авесто” нинг ўзи ҳам, унинг шарҳлари (Зенд) ҳам милоднинг VI асригача, тўлалигича оғзаки сақланиб келинган эди. Жумладан, “Авесто” нинг “Готлари” мусиқа жўрлигида ижро этилиб, дуолар ўз вақтида лозим мутаносиблик (гармония) билан ва муайян пардаларда (регистр), овозларнинг зарур оҳанглари ва пардаларни тўла сақлаган ҳолда қуйланиши талаб қилинган” [3]. Шу ҳолда авлоддан-авлодга оғзаки ўтиб келган. Уларнинг муайян овоз оҳангларига эга эканлиги, яъни “қўшиқоналиги” кўп асрлар жараёнида оғзаки сақланиб қолишига ўзига хос қафолат бўлиб хизмат қилди [4] ва бу оҳанглар асрлар оша яшаб келди. Баъзи олимлар Мақом “гоҳ”ларини “Авесто” “гот”лари билан алоқадор эканига ишора қилмоқдалар, “гот”ларни “гоҳ”лар деб ҳам атамоқдалар ва “гоҳ” атамасини “усул, қўшиқ” деб тушунтирадилар Бу гумон. Аммо шуниси аниқки, ислом дини Ўрта Осиё ва Эронни фатҳ этгач, зардуштийлик дини тамом тақиққа учрайди, ибодатхоналардаги “гот”ларнинг махсус тайёргарлик кўрган уста ижрочилари – муғлар (қоҳинлар) нинг аксарияти таъқибдан қочиб халқ орасида паноҳ топади ва дунёвий мусиқага “Авесто” оҳанглари

ва уларда ишлатилган атамаларни олиб кирган санъаткорларга айланади. Бу оҳанглар ва атамалар ўрта асрлар шеъриятида кўп зикр этилади. Масалан, Алишер Навоийнинг ушбу сатрлари диққатга сазовор:

Майни муғона агар бизга тутса муғбачалар,

Гар арғанун уни йўқ эрса, басдурур нокус [5].

(Агар май қуювчи бачалар бизга майни зардуштий кохинларидек узатиб турсалар, орган чолғуси овози бўлмаса, зардуштий қўнғироғи ҳам бўлаверади).

Шундай қилиб, Ўрта Осиё ва Эроннинг ислом фатҳидан кейинги мусиқасида ҳам ”Авесто” оҳанглари, мусиқа атамалари мавжуд. ”Авесто” да эслатилган баъзи мусиқий ижролар Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмий асарларида ҳам келтирилади. Масалан, зардуштийлар “бож грифтан” маросимида қўллайдиган قُضيب – “маросимий гул новда” билан рақсга тушиш, Форобий ва Ибн Зайла китобларида الإيقاع بالقُضيب – “таёкча билан усул бериб рақсга тушиш” ибораси билан берилади [6]. Таёк, таёкча, ўсимлик новдалари, темир таёкчалар билан рақсга тушиш ислом фатҳидан кейин ҳам давом этиб келмокда. Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида, Афғонистоннинг шимолида ёйилган “Дучова-икки таёкча” рақси усулнинг тезкор, жўшқинлиги билан ажралиб туради. Раққоснинг икки қўлида иккитадан тўртта таёкча бўлиб, улар воситасида раққос гоҳ жарангдор, гоҳ бўғиқ товуш чиқариб, усул бериб рақсга тушади ёки сафоил – усул берувчи, шикилдоқли, урма мусиқа асбоби ’ал-ийқ’а’ би ’ал-қад’иб (الإيقاع بالقُضيب) нинг ўзгинаси. Сапоя – икки қаричча келадиган икки каттиқ таёкча бўлиб, унга ҳар бирига ўн олтитадан майда темир ҳалқачалар осилган икки ҳалқа ўрнатилган урма мусиқа асбоби. Сапоячи раққос, икки ҳалқанинг пастроғидан сапояни ушлаган ўнг қўлининг тез-тез

ҳаракати ёки уни ўнг елкасига енгил-енгил уриши билан усул беради ва халқаларни шиқиллатиб мусиқани безайди.

“Шоҳнома”

Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сида “Авесто” даги яхшилик ва ёмонлик орасидаги кураш ривоятлари анъанаси юқори бадийлик поғонасида давом эттирилади. Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг миллий ифтихори бўлган “Шоҳнома”да исломдан олдинги давр мусиқа шакллари, кўринишлари баён этилади. Хусусан, сўзсиз ашула шаклларида “Зам-зама” аталмиш ва овқат олдидан ижро этиладиган “Бож грифтан” номли ашула кўриниши ҳақида маълумотлар бор [7]. Сосонийлар даври афсонавий мусикачиси Борбад Марвазийнинг (VI аср) шахси ҳақидаги бирламчи ва ишонарли гаплар ҳам “Шоҳнома” да мавжуд. Фирдавсийга кўра, Борбад йил кунларига 360 дoston, ой кунларига 30 лаҳн ва ҳафта кунларига етти хусравоний басталаган. “Шоҳнома” да Борбад ижросидаги “Пайкоргурд” деб аталмиш айтим мусикаси, “Сабздарсабз” номли чолғу мусикаси тилга олинади ва унинг ижрочилик маҳорати таърифланади.

Абулқосим Фирдавсийнинг (X аср) салобатли “Шоҳнома” достони Ўрта Осиё ва Эрон халқлари мусиқа санъатининг қадимий ажралмас унсурлари ҳақида ноёб маълумотлар берувчи қимматли манба бўлиб, унда эслатилган кўпгина мусиқий шакллар (“Зам-зама”, “Бож грифтан”) кейинчалик бошқа номлар билан қўлланилган ва қўлланилаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмий асарларида исломдан олдин қўлланилган мусиқий шаклларнинг аксарияти ҳақида гап келтирилади. Хусусан, таъзияда ижро этиладиган (нйоҳа) نياحة – йиғи кўшиғи, (марсия) مرثية – таъзия йиғиси, (садр) صدر – аёллар маросм кўшиғи ва бошқалар.

“Девону луғатит турк”

Ўрта Осиё халқларининг исломдан олдиги қадимий кўшиқларидан айрим намуналар, муסיқа атамалари ХI асрнинг буюк тилшунос олими Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида ҳам келтирилади. Уларда арабий сўзлар йўқ, мусулмон дини эътиқодининг аломатлари сезилмайди. Айни пайтда, кўшиқлар матнининг тили, услуби жуда қадимий бўлиб, улар ислом фатҳидан анча илгари яратилган. Девонда муסיқа атамаларига изоҳ берилиб, баъзан шу атама ишлатилган шеър-кўшиқлардан парча келтирилади. Масалан, “كوك – куг – куй, мақом, ашулада махсус қоидага мувофиқ овозни баланд-паст қилиш. اَر كُوكْلَنَدِي - эр кугланди – одам овозини баланд-паст қилиб, маълум мақомда ашула айтди.

كُوكْلَر قَمْعُ تَدْلَدِي اَقْرَق اِدِش تَزْلَدِي
سَنَسِر اَرُم اَزْلَدِي كَلَك اَمَل اَيْتَلَم

(Куйлар бир-бирига мослаштирилди,
Май идишлари қаторлаштирилди,
Кўнглим сенсиз сени истаб бекарордир,
Кел, кўнгилни тинчитиб шодланайлик)” [8].

“Девону луғатит турк” да туркий халқларда исломгача ҳам истеъмолда бўлган кўп қадимий муסיқа асбобларининг номлари ва ўзга муסיқа атамалари келтирилган: “اون - ун – ун, товуш; бу сўзни اون тарзида чўзиб талаффуз қилиш ҳам мумкин” (ДЛТ.1,74). “كُفْرُك - куфрук – ноғора” (ДЛТ.1,443). “سَبِزْغُو – сибизгу – сибизға, сибизға най” (ДЛТ.1, 450). “فَبْرَلَقْ كِشِي . – кўбузлуғ киши – кўбуз чолғучи” (ДЛТ.1,456). “فَبْرَلَدِي – кўбзалди – кўбуз чалди” (ДЛТ.2,273). “تُول – тўвил – довил, ноғора” (ДЛТ.3,179). “دومبق – думбақ - ноғора” (ДЛТ.3,179). “پِراغُو - йирағу – чолғучи, ашулачи” (ДЛТ.3,43). “توغ – туғ - хон хузурида чалинадиган ноғора ва довул” (ДЛТ.3,140). “پير – йир – ғазал, мақом, куй”, “بُوجِي – бўжи, بُجْر – бўжи кўбуз – қилли чолғулардан бири. Бу барбат – ғоз кўкрак номи билан аталувчи чолғуларнинг бир хилидир” (ДЛТ.3,

188) ва бошқалар. Маҳмуд Кошғарий санаб ўтган мазкур атамаларнинг ҳаммасига Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла ва Абу Абдуллоҳ Хоразмий асарларида араб тилидаги назиралари келтирилади ва кенг шарҳ берилади. Масалан, ان - ун – ун, товуш (ДЛТ.1,74) – صوت – товуш, овоз (أبو 220 منصور, 220 ا); سَبِزْغُو – сибизғу – сибизға, сибизға най” (ДЛТ.1, 450) – الناي – най, қамиш най (أبو منصور 236 б); كُفْرُكْ - куврук – ноғора” (ДЛТ.1, 443) – [طبول] طبل – ноғора (أبو 235 منصور б). ربط – барбат - ғоз кўкрак номи билан аталувчи чолғуларнинг бир хилидир” (ДЛТ.3,188) – عود – уд (أبو منصور 235 б) кабиларга. Удни Ибн Сино “ربط - барбат” деб ҳам атаган [9] ва ҳ. Демак, мазкур чолғулар исломдан олдин ҳам истеъмолда бўлган. Ровишин – чолғу мусиқаси ва Хуросония – чолғу мусиқасининг бир шаклининг номи, Достон – айтим мусиқа шкилларида бирининг номи.

“Қўшиқлар китоби”

Қадим Шарқ мусиқаси хусусида маълумот берувчи ва мусиқа атамаларини ўзида жамлаган яна бир манба Абу ал-Фараж ал-Исфahоний(897–967)нинг كتاب الاغاني “Қўшиқлар китоби” аталмиш кўп жилдли ноёб асаридир. Абу ал-Фараж ал-Исфahоний كتاب الأغاني “Қўшиқлар китоби” ни эллик йил давомида ёзди [10]. Унда V асрдан X аср бошларигача яратилган ва ижро этилган араб тилидаги қўшиқларнинг матнлари келтирилади, уларни яратган шоир ва бастакор ҳамда илк бор ижро этган қўшиқчилар ҳақида маълумотлар берилади. Бу салобатли асарнинг яратилишида Ўрта Осиё ва Эрон халқларида VI асрдан анча илгари пайдо бўлган қўшиқ тўпламларидан ва мусиқага оид бошқа ёзма манбалардан, қўлланган мусиқа атамаларидан ижодий фойдаланилган. Булар “Айни намак” (Тўплам китоб), “Хватай намак” (Шоҳлар китоби), “Траник намак” (Қўшиқлар китоби), “Хусравониёт”, “Хусрав Каватан у ритак” (Хусров Каватан ва унинг қули) каби

асарлар ҳамда хиндларнинг дидактик китоби “Калила ва Димна”, “Шоҳлар китоби”, “Шаҳзода ва Парвез”, “Маздак”, “Айнинома” ва бошқалар бўлиб, улар исломдан олдинги Эрон, Хуросон, Мовароуннаҳр муסיқасига, муסיқа атамаларига оид қимматли манбадаир.

Абу ал-Фараж ал-Исфажонийнинг *كتاب الأغاني الكبير* “Катта қўшиқлар китоби” деб ҳам аталувчи ушбу асари араб муסיқаси, қўшиқлари ва шеъриятига бағишланган бўлса-да, у Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон қадим муסיқасини ҳам ифода этувчи, атмалари билан таништирувчи берувчи қимматли манбадир.

Бундан ташқари, Афросиёб, Алпомиш, Гўрғўли, Рустами дoston, Сиёвуш ва бошқа қаҳрамонларга бағишланган оғзаки анъанадаги қўшиқлар, муסיқий ривоятларда ҳам исломгача бўлган муסיқа атамалари мвжуд.

Исломдан олдинги даврларда ҳам Шарқ муסיқаси олий даражада ижтимоий-сиёсий ва диний аҳамият касб этган. Исломдан олдин аждодларимиз бой чолғу муסיқага, шакли ва мазмуни билан турли айтим муסיқасига эга бўлганлар. Исломдан олдинги давр баъзи муסיқий оҳанглари, созлар, муסיқий атамалар ҳозиргача сақланиб қолган.

Адабиёт:

- [1] Т. Маҳмудов. “Авесто” ҳақида. Тошкент, 2000. 27- б.
- [2] Т. Маҳмудов. Ўша асар, 41- б.
- [3] М. Қодиров. Дин, “Авесто”, ижрочилик. // “Нафосат”. – 1993. № 3–4. 15- б.
- [4] А. Низомов. Суфизм в контексте музыкальной культуры народов Центральной Азии. Душанбе, 2000. С. 36.
- [5] Алишер Навоий. Ҳазоинул-маоний. IV. Фавойидулкибар. Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. Тошкент, 1960. 236- б.

1. [6] أبو منصور- أبو منصور الحسين بن زيلة. كتاب الكافي في الموسيقى. الكتاب المخطوط. المتحف البريطاني بلندن مجلد برقم 2361. OR. (2256)

[7] А. Низомов. Кўрсатилган асар, 9- б.

[8] Махмуд Кошгарий. Туркий сўзлар девони (ديوان لغات الترك) - Девону луғотит турк). Уч томлик. Таржимон ва нашрга таёрловчи филология фанлари кандидати С.М. Муталлибов. Тошкент, 1960-1963. (мисоллар олинганда ДЛТ деб берилди).

[9] Ҳ. Ҳикматуллаев. Ибн Синонинг “Юрак дорилари” рисоласи. Тошкент, 1966 . 138- б.

[10] هنري جورج فارمر، مصادر الموسيقى العربية، ترجمة دكتور حسين نصار، مكتبة مصر بمصر، بدون سنة. 66

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР АСАРЛАРИДАГИ АРАБЧА ЎЗЛАШМАЛАР

АНСОРИДДИН ИБРОҲИМОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Бобур асарларидаги арабча ўзлашмаларнинг аниқ сони.

Бобур асарларида қўлланган арабча ўзлашмаларнинг тутган ўрни ва стилистик хусусиятлари.

Бобур даврида ҳам арабча сўзларни қўллаш анъанаси кучли бўлган. У мана шу анъанани давом эттириб, асарларида арабча сўзларни кенг қўллаган. Биз Бобурнинг “Девон”, “Аруз” ва “Мубаййин” асарларидаги арабча ўзлашмаларни текширдик. Уларнинг салмоғи қуйидаги расмда акс эттирилган:



“Бобурнома”да арабча сўзлар 18,7 % ни ташкил этади [1]. Бобурнинг жами асарларида учрайдиган арабча сўзшакллар сони эса қуйидаги жадвалда келтирилган [2]:

Жами асарлар	“Девон”	“Мубаййин”	“Аруз”
6267 (42,2%)	2614 (33,5%)	2620 (42,1%)	2196 (47,5%)

Бобур асарларидаги жами арабча лексика 100% деб олинса, унинг алоҳида асарлар бўйича “Мубаййин”да – 35 %, “Аруз”да – 30 %, “Девон”да – 35 % ни ташкил қилади.

Келтирилган рақамлардан Бобур асарларидаги арабча сўзшакллар “Девон” ва “Мубаййин”да баробар (35%), “Аруз”да камроқ (30%) экани кўриниб турибди. Бироқ алоҳида асар бўйича олганда, ҳолат ўзгаради: арабча сўзлар “Аруз”да энг кўп миқдорда (47,4%), “Мубаййин”да ҳам арабча сўзлар кенг (42,3%), “Девон”да эса нисбатан кам (33,5%) қўлланган. Асарда маълум лексик гуруҳга мансуб сўзларнинг кам ёки кўп ишлатилиши асар жанрига боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур.

Бобур асарларида асосан ўзбекча кўплик шакли ишлатилган. Масалан: *адаблар, ададлар, азизлар, арузийлар, гулчеҳралар* ва ҳ.к. Шу билан бир қаторда арабча кўплик ҳам қўлланган. Бундай сўзшаклларнинг сони 330 та бўлиб, қайтарилганларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 668 марта учради. “Девон”да туркийча сўздан арабча усулда кўплик ясалган битта сўз учради: *савго (совга) → савгот*.

Бобур асарларида ишлатилган арабча кўплик шаклидаги юзта сўз қуйидаги жадвалда келтирилмоқда:

Кўплик шакли	Неча марта учраши ва бирлик	Кўплик шакли	Неча марта учраши ва бирлик шакли
-----------------	-----------------------------------	--------------	---

шакли

1. Абёт	2 (Байт)	51. Макрухот	1 (Макрух)
2. Ағёр	9 (Ғайр)	52. Марохил	2 (Мархала)
3. Азкор	1 (Зикр)	53. Ниам	1 (Неъмат)
4. Азмина	1 (Замон)	54. Одот	3 (Одат)
5. Айём	1 (Йавм)	55. Ойот	2 (Оят)
6. Ақвол	1 (Қавл)	56. Офок	3 (Уфк)
7. Ақойид	1 (Ақида)	57. Офот	1 (Офат)
8. Алқоб	1 (Лақаб)	58. Сифот	2 (Сифат)
9. Алтоф	1 (Лутф)	59. Сужуд	3 (Сажда)
10. Алфоз	1 (Лафз)	60. Сунан	1 (Суннат)
11. Амвол	1 (Мол)	61. Такбирот	4 (Такбир)
12. Амсила	5 (Мисол)	62. Ҳавро	1 (Хур)
13. Амсол	1 (Мисл)	63. Ҳаракот	1 (Ҳаракат)
14. Анбиё	1 (Наби)	64. Хукком	1 (Ҳоким)
15. Анжум	1 (Нажм)	65. Хунуд	1 (Ҳинд)
16. Анфос	1 (Нафас)	66. Хуруф	2 (Ҳарф)
17. Арбоб	2 (Рабб)	67. Уламо	3 (Олим)
18. Аркон	52 (Рукн)	68. Ушшоқ	2 (Ошиқ)
19. Асбоб	7 (Сабаб)	69. Фавойид	2 (Фойда)
20. Асомий	1 (Исм)	70. Фаройиз	1 (Фариза)
21. Асрор	7 (Сир)	71. Фуқаро	2 (Факир)
22. Астор	2 (Сатр)	72. Фуқаҳо	1 (Факих)
23. Асҳоб	1 (Соҳиб)	73. Фусаҳо	2 (Фасих)
24. Атвор	2 (Тавр)	74. Халойик	6 (Халқ)
25. Атрок	2 (Турк)	75. Хулофо	1 (Халифа)
26. Атфол	1 (Тифл)	76. Шамойил	2 (Шомил)
27. Аҳбоб	15 (Ҳабиб)	77. Шароит	1 (Шарт)
28. Аҳвол	2 (Ҳол)	78. Давойир	1 (Доира)
29. Аҳком	3 (Ҳукм)	79. Жихот	2 (Жихат)
30. Аҳодис	1 (Ҳадис)	80. Кайфиййот	1 (Кайфият)
31. Афкор	1 (Фикр)	81. Мавоқиъ	1 (Мавқеъ)
32. Афлок	1 (Фалак)	82. Мавоний	1 (Моней)
33. Афъол	1 (Феъл)	83. Маротиб	1 (Мартаба)
34. Ашқийо	1 (Шақий)	84. Махтурот	4 (Махтур)
35. Ашъор	2 (Шеър)	85. Маъоний	1 (Маъно)
36. Аъмол	2 (Амал)	86. Нағам	1 (Нағма)
37. Бухур	11 (Бахр)	87. Насойих	1 (Насихат)

38. Вужух	1 (Важх)	88. Савғот	1 (Совға)
39. Даражот	1 (Даража)	89. Савойим	2 (Савм)
40. Даъавот	1 (Даъво)	90. Ҳаводис	1 (Ҳодиса)
41. Жавозот	1 (Жавоз)	91. Ҳолот	1 (Ҳолат)
42. Жинон	1 (Жаннат)	92. Хужжож	2 (Ҳожи)
43. Завойид	1 (Зоид)	93. Умам	1 (Уммат)
44. Зиҳофот	1 (Зиҳоф)	94. Умур	1 (Амр)
45. Ибодот	1 (Ибодат)	95. Хавос	3 (Хосса)
46. Иборот	1 (Ибора)	96. Шаръиййот	1 (Шаръиййат)
47. Кавокиб	1 (Кавкаб)	97. Хусудо	1 (Ҳосид)
48. Калимот	1 (Калима)	98. Асоми	2 (Исм)
49. Камолот	2 (Камол)	99. Аъдод	1 (Адад)
50. Қудум	4 (Қадам)	100. Вожибот	2 (Вожиб)

Арабча иккилик шаклдаги тўртта сўз бир мартадан қўлланган: *қоба-қавсайн* (1), *милайн* (1), *тарафайн* (1), *хатанайн* (1).

Бобур асарларида қўлланган арабча сўзларнинг мутлак кўпчилигини «соф» арабча, яъни бошқа тил унсурлари аралашмаган сўзлар ташкил этади [3]. Масалан: *шажара*, *шиддат*, *шукр*, *шиор*, *шурб*, *эҳсон* ва ҳ.к. Шу билан бир каторда туркийча ва форсча суффикслар воситасида ясалган сўзлар ҳам учрайди. Арабча+туркийча қолипдаги сўзларнинг сони 68 та. Улар арабча сўзларга туркийча *-сиз*, *-лиқ* (*-лиғ*) суффиксларини қўшиш ёрдамида ҳосил қилинган. Айрим мисоллар келтирамиз: *вафо+сиз*, *ғам+сиз*, *қийс+сиз*, *маҳбуб+лиғ*, *мутаассир+лиғ*, *саодат+лиғ*, *шояир+лиқ* ва ҳ.к.

Арабча+форсча қолипдаги сўзларнинг сони 70 та бўлиб, жами 84 марта учрайди. Сўз яшашнинг бу хилдаги қолипида кўплаб форсча суффикслар, сўз-суффикслар *-ин* (*-гин*), *-дор*, *-ваш*, *-она*, *-гаҳ* (*-гоҳ*), *-хо*, *-рез*, *-кор* ва бошқалар иштирок этган. Мисоллар: *анбар+ин* (2), *ғам+гин* (3), *вафо+дор* (18), *Лайли+ваш* (1), *мусофир+она* (2), *зойиб+она* (2), *нукта+дон* (1), *талаб+гор* (2), *фариза+гузор* (1), *шакар+бор* (2), *сажда+гаҳ* (1),

шакар+хо (1), *шакар+рез* (6), *олам+оро* (1), *субҳ+и+дам* (2), *мадад+кор* (1) ва ҳ.к.

Уч тил унсури – арабча+форсча+туркийчадан ташкил топган тўртта сўз бир мартадан учради: *абир+ангез+лик*, *вафо+дор+лиғ*, *вафо+кеш+лиқ*, *мадад+кор+лиғ*. Арабча сўз такрор (*лаҳза-лаҳза*) ва жуфт сўз (*қад-қомат*) шаклида ҳам учради.

Бобур асарларида иккита омоним учради: *ҳо* (14 марта) – араб алифбосидаги ҳарф номи ва туркийча ундалма сўз ҳамда *йо* (123 марта) – араб алифбосидаги ҳарф номи ва туркийча боғловчи.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бобур асарлари лексикасини таҳлил қилиш унда арабча сўзлар кўп ишлатилганини кўрсатади. Бу факт иккита нарсадан далолат беради - биринчидан, Алишер Навоий асарларида ўз аксини топган арабча сўзларни кенг қўллаш анъанаси Бобур даврида ҳам давом этганини, иккинчидан, жанр хусусияти билан боғлиқлигини билдиради.

Адабиёт:

[1] Қаранг: З. Холмонова. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи. Докторлик диссертациясининг автореферати. Тошкент, 2009. 17-б.

[2] Жой номлари, исм ва ҳиндча сўзлар бу ҳисобга киритилмади. Бундай сўзлар барча асарларда 443 та (қайтариқлари билан 1022 та) – “Девон”да 165, “Мубаййин”да 137 ҳамда “Аруз” рисоласида 200 тани ташкил этади.

[3] Алишер Навоий асарларида қўлланган барча сўзлар (26035) дан 7973 таси “соф” арабчадир (қаранг: Б. Бафоев. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, 1983. 29- б.)

ЎРТА АСРЛАРНИНГ ОЛДИ-БЕРДИ ВА САВДО-СОТИҚ БИТИМЛАРИДА КЕЧГАН *MIŇ YİL TÜMÄN KÜN* ФОРМУЛЯРИ ТЎҒРИСИДА

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Формуляр расмий услуб бирлиги сифатида.

MIŇ YİL TÜMÄN KÜN бирикмасининг қўлланув чегаралари.

MIŇ YİL TÜMÄN KÜN ифода қолипнинг тарихий илдизлари.

Расмий услубнинг муҳим ўлчовлари унда қўлланувчи қолипга тушган лисоний бирликларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Бу қолип бирикмалар лингвистикада *стереотип бирикма, қолип (клише, трафарет)* ёки *формуляр* атамалари билан юритилади. Формуляр расмий услуб бирлигидир. Қолип бирикмалар юридик кучга эга бўлган расмий матннинг *а н и қ л и г и н и* таъминлайди. Шунинг учун ҳам расмий қоғозларда қолиплашаган лисоний шакллар кўп ишлатилади.

Туркий хужжатчилик тарихида стереотип бирликларнинг ишлатиши кенг расм бўлган. Расмий қоғозларнинг муайян турлари ва уларнинг бўлимлари алоҳида ўзигагина тегишли формулярларини юзага келтирган. Хужжат битувчилар (эскида уларни “алимға” дейилган) ана шу бирликлардан унумли фойдаланган.

Ушбу мақолада ана шундай қолип бирликлардан бири тўғрисида сўз юритамиз.

XII–XIV юзийилликлардан қолган олди-берди, савдо-сотиқ битимлари туркумига кирувчи ер, боғу роғ ва кулларнинг олди-соттиси билан боғлиқ расмий ёзмаларда ерни ёки хизматчи-қулни сотиб олган мулкдор унга умр бўйи эгалик қилиши таъкидланган. Ушбу умр бўйи давом

этадиган куллик даври битимда *miñ yıl tñmñn kñn* формуляри ёрдамида берилади.

Энди ана шундай ёзмалардан айримларини кўриб чиқсак. С.Е. Малов Шаркий Туркистонга уюштирган илмий экспедицияси чоғида топган кулнинг олди-соттиси билан боғлиқ хужжатларнинг бирида ушбу қолип бирикма куйидагича берилган: *Bu, mñn satmĩš kišigā miñ yıl tñmñn kñngā tāgi Bedrñn erklig bolsun* (Бу, мен сотган киши минг йил туман кунга қадар Бедруннинг эркида бўлсин).

Ёки В.В. Радлов чоп эттирган Қутлуғ отли хотиннинг кун (жория) сифатида сотилиши билан боғлиқ битимда ҳам юқоридаги сингари қолипни учратамиз: *Bu, Qutluğ atliğ qatun kišigā miñ yıl tñmñn kñngā tāgi Qutluğ Temür erklig bolsun* (Бу Қутлуғ отли хотин кишига минг йил туман кунга қадар Қутлуғ Темур эга бўлсин) [1].

Берлин фанлар академиясининг қўлёзмалар фондида кадимги туркий халқларга тегишли юзлаб расмий ёзмалар сақланади. Улардан U 5235 сони остида сақланаётган хужжат киши эътиборини ўзига тартади. Унда отанинг Алқиш деган кишига ўн уч ёшли ўғлини хизматкор-ғуломликка бергани тўғрисида гап боради. Расмий ёзмада ҳам сотиб олувчининг эғалик ҳуқуқи биз ўрганаётган стереотип бирикма ёрдамида берилган: *bu Yññđıqa miñ yıl tñmñn kñngā tāgi Alqĩš erklig bolsun* (Бу Юнғчиға минг йил туман кунга қадар Алқиш эга бўлсин).

Ушбу формуляр ёлғиз кулларнинг сотилишига тегишли хужжатлардагина эмас, ерни ёки боғу узумзорларни сотиш тўғрисидаги хужжатларда ҳам учрайди. Жумладан, Берлин фондида U5234 рақамли хужжат ернинг олди-соттиси билан боғлиқ. Унда биз текшираётган ифода бирлиги куйидагича келтирилган: *Bu tört siqĩliğ yirgā miñ yıl tñmñn kñngā tāgi Mĩsĩr erklig bolsun* (Бу тўрт сиғлик (ер ўлчови) ер минг йил туман кунга қадар Миср (фойдалансин) эркида бўлсин).

Хужжатларда биз таҳлил этаётган ифода шаклининг бир оз ўзгарган кўриниши ҳам учрайди. Масалан, “Қадимги уйғур ёзувидаги васикалар” китобида 7- сирада чоп этилган ернинг олди-берди битимида “минг туман йил” кўринишида келган: Bu küntä ĩnaru bu yer üzä miñ tũmān yılqa tägi Äniçük erklig bolsun (Бу кундан бошлаб бу ер минг туман йилга қадар Аничук (эгалик қилсин) эркида бўлсин) [2].

Юқорида келтирилган формулярларга эътибор қаратилса, уларнинг бари бир қолип асосига қурилгани кузатилади. Бошлаб, бу кўрсатиш олмоши ёрдамида қул оти ёки ернинг ўлчови кўрсатилган қайд (Bu Qutluğ atlıg qatun kişi, Bu tört siqiliğ yir), сўнг “умр бўйи, мангу” маъносига тенг келувчи “минг йил туман кун” ёки “минг туман йил” қолипи (miñ yıl tũmān kũngä tägi, miñ tũmān yılqa tägi) ва яқунда ер ёки хизматкор-ғуломга эгалик ҳуқуқини қўлга киритаётган шахснинг оти (Qutluğ Temür erklig bolsun, Alqış erklig bolsun) келади.

Масалала чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, расмий матнлардаги Bu Qutluğ atlıg qatun kişigä miñ yıl tũmān kũngä tägi Qutluğ Temür erklig bolsun, Bu tört siqiliğ yirgä miñ yıl tũmān kũngä tägi Mīsīr erklig bolsun каби формуляр туркий тилнинг ички қонунлари, расмий услуб талаблари асосида шаклланган қолип эканлиги аён бўлади. Фуқаролар ўртасидаги барча ер ва қулларнинг олди-сотти битимларидаги эгалик ҳуқуқи қайд этилган бўлим ана шу шаклда бўлган.

Демак, хужжатлардаги miñ yıl tũmān kũngä tägi (кишининг оти) erklig bolsun ҳуқуқий формуляри ёрдамида “хужжатда олди-сотти операциясини амалга ошириётган кишининг молу мулкка ёки хизматчи-қулга эгалик эркини тўлиқ қўлга киритаётгани” таъминланган.

Шу ўринда ушбу формулярнинг келиб чиқиши, тарихий илдизлари тўғрисида икки оғиз. Айрим

туркшунослар, чунончи, С.Е. Малов “Выражение “тысяча лет и десять тысяч дней” (т. е. вечно) заимствовано турками у китайцев встречается оно и в памятниках турко-рунической письменности”, - деб қарайди [3]. Бизнингча, ушбу қолип-ифоданинг хитойлардан ўтгани масаласини ўйлаб кўриш керак.

Боиси, айти формулярга тенг келувчи бирликни биз ўрганаётган ҳужжатлар битилган даврдан тўрт, беш аср бурун ёзилган кўк турк ёзувидаги матнларда ҳам учратамиз. VIII юзйилликда битилган қабр тошларида ҳам ушбу бирикма бекаму кўст учрайди. Чунончи, фин олими профессор Г.И. Рамстедт томонидан 1909 йили Мўғилистондан топилган уйғур ҳокони Мўюнчўр шарафига ўрнатилган битигда давлат тузукларининг жуда қадим илдизга эга экани тўғрисидаги мисол бор. Битигда ўша бирлик шундай берилади: Anta İduqbaş kedintä, Yabaş, Toquş beltirintä anta yayladım, örgin anta yaratıtdım, çit anta toqıtdım, bñ yälliq, tümän künlük bitigimin belgümin anta yası taşqa yaratıtdım. – Ўшанда ғарбда Идукбошда, Ябаш ва Тўкуш (дарёларининг) қуйилишида ёзни ўтказдим. Ўша ерда саройимни қурдирдим, мудофаа деворларини ўша ерда тиклатдим, минг йиллик, туман кунлик битигимни-тузугимни ўша ерда ясси тошга ёздирдим [4]. Мисолдаги “минг йиллик, туман кунлик битиг” (bñ yälliq, tümän künlük bitig-belgü) қолипидан боболаримизнинг давлатчилик илдизлари ва унинг низоми минг йиллик анъаналар асосига қурилгани англашилмоқда.

Демак, биз сўз юритаётган ҳужжатлардаги ифода қолипларининг тузилиши узоқ тарихий-лингвистик анъананинг таъсирида юзага келган. Бу сингари бирликлар анча бурунги кезлардан шу каби давлатнинг расмий ёзмаларда қолип шаклида юзага келтирилган ва айти ҳужжатлар битилган тил меъёрларига тўла мос равишда ишлаб чиқилган кўринади. Бизнингча, туркий

хужжатлардаги “минг йил туман кун” кўк турк хоқонлиғи давридаёқ давлат маҳкама ишларида олиб кирилган.

Шунингдек, ушбу ҳуқуқий бирлик кишилар ўртасидаги олди-берди, савдо-сотик битимлари туркумига кирувчи ер олди-бердиси ва қўллар савдоси билан боғлиқ расмий ёзмаларнинг эғалик ҳуқуқи кўрсатилган қисмнинг ўзига хос асосий формуляри сифатида юзага келган.

Нима бўлганда ҳам, туркий хужжатлардаги “минг йил туман кун” бирикмаси бошлаб оғзаки сўзлашувда юзага келган. Кейинчалик ёзма бадийий услубга, ундан ўтиб фикрни умумий ҳолда ифодаловчи бирикма сифатида расмий услубга ҳам кўчган.

“Минг йил” тушунчаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам ишлатилади: ўтган замонга нисбатан “узоқ муҳлат”, келажакка нисбатан эса “киши ҳаётининг охиригача бўлган давр”ни билдиради. Масалан, сўзлашувда *минг йил бўлди, кўринмайсан; минг йилгача дўст бўламиз* жумлаларидаги сингри.

Кўринадики, туркий расмий матнлардаги ушбу бирлик қадимги туркий муҳитда хужжат ёзилаётган тил хусусиятлари ва расмий услуб қонуниятлари асосида шаклланган бўлиб, XII–XIV юзйилликнинг ёзмалари унинг такомиллашган ва ихчам бир қолипни кўрамиз. Демак, туркий расмий матнчилиги тарихан узоқ такомил босқичини ўтган.

Муҳими шундаки, туркий хужжатлар тили, расмий услуб тизимининг юқори даражада сайқалланганлиги билан характерланади. Унда расмий матнда келган айрим лексик бирликларнинг график қиёфасидан тортиб, матн тугалламасигача, матн тугал тузилишигача ҳамма босқичлари меъёрга тушган. Ана шундай расмий услуб тизимини яратиш учун бир неча авлод битигчиларнинг ғоят синчковлик билан амалга оширган меҳнатлари керак

бўлади. Бу эса туркий расмий услуб катта тараккиёт йўлини босиб ўтганини кўрсатади.

Адабиёт:

[1] W.W. Radloff. Uigurische sprachdenkmäler. Leningrad, 1928. S. 87

[2] Қадимки уйғур тилидаки насихлар. Урумчи, 2000. 145-б. (Уйғур тилида).

[3] С.Е. Малов. Два уйгурских документа. – В.В. Бартольд Туркестанские друзья ученики и почитатели. Ташкент, 1927. С. 394.

[4] Қ. Содиқов. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. Тошкент, 2007. 58- б.

БАЛОҒАТ ИЛМИДА ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ТАЊЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

САЛИМА РУСТАМИЙ

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

Иштиқоқ - морфологик восита.

Балоғат санъатларидаги синтактик воситалар.

Балоғат илмига оид санъатлар адабиётшунослик нуқтаи назаридан маълум бадиий воситани бажарса, тилшунослик жиҳатидан тилнинг муайян қоидаларига асослангандир. Булар орасида иштиқоқ морфологик, илтифот, тансиқу-сифот, таъдил, иқтибос ва бошқалар синтактик воситалар орқали ҳосил қилинади.

Иштиқоқ бир ўзакдан ясалган сўзларни келтиришга асослангани учун морфологик восита ҳисобланади. Баъзи олимлар бу санъатни фонетикадаги товушдошликка асосланган тажнис турига кўшадилар. Бу ҳақда Атоуллоҳ Ҳусайний Ибнуласир, “Тибён” соҳиби ва Рашид-и Ватвот

кабилар иштиқокни тажнисга қўшмаганликлари, “Мифтоҳ” муаллифи абу Ёкуб Юсуф ас-Саккокий ва “Изоҳ” соҳиблари эса тажниснинг бир тури деб билишларини таъкидлайди [4,50].

Бу санъат “иқтизоб” деб ҳам юритилади [6,44–45].
Бухтурийдан мисол:

[8, 267]	و صَوَّبُ الْمُزْنِ فِي	نَسِيمُ الرِّوَضِ فِي
	راح شمول	ريح شمال

Бу байтдаги ”روح” ўзагидан ясалган “ريح” (“шамол”) ва “راح” (“вино”), “ش م ل” ўзагидан ясалган “شمال” (“шимол”) ва “شمول” (“салқин”) сўзлари ўзаро иштиқоқ ҳосил қилган.

Алишер Навоийдан мисол:

Тулуи субҳи саодат юзунг сабоҳатидин,

Зиҳи камоли сабоҳат, зиҳи жамоли сабиҳ [2,101].

Бу байтда “сбҳ” ўзагидан ҳосил бўлган “субҳ” (“тонг”), “сабоҳат” (“чирой”), “сабиҳ” (“чиройли”) сўзлари ўзаро иштиқоқ ҳосил қилган.

Сокийи гулчехра, гулгун бода беандоза тут,

Ким бу гулшан ичрадур хори малолат беҳисоб [3,41].

Бу байтда иштиқоқ “гул” ўзагидан ясалган “гулчехра”, “гулгун”, “гулшан” сўзлари орқали ҳосил қилинган.

Юқорида келтирилган дастлабки икки мисолдаги иштиқоқлар арабча сўзлардан иборат бўлгани учун сўз ясаш араб тили қонуниятларига, учинчи мисолда эса туркий тиллар қоидаларига асосланган.

Синтактик воситалардан бири илтифот бўлиб, унга замонавий олимлар қуйидагича таъриф берадилар: “илтифот... лирик ва лиро-эпик шеърятда сўзловчи шахснинг кўчиши (биринчи шахсдан иккинчи шахсга, иккинчидан биринчи ё учинчига, учинчидан биринчи ё иккинчига кўчиши)ни ифодалайди” [7,63] ёки “Бу санъатда шоир баён вақтида гап шахсини ўзгартириб туради” [6,48]. Атоуллоҳ Хусайний бу санъат борасида Саккокийнинг фикрини келтиради “Ани шужоъату-л-ъарабийя ҳам

дерлар. Шужоъ ундан ўзга қила олмаган ишга отланар, араб тили бу санъатга махсусдир ва ундан ўзгада бўлмас” деб унинг араб тилига хос экани ва бошқа тилларда у қадар машҳур эмаслигини таъкидлаган [4,182]. Шоир Яхёдан мисол:

[8, 263] إلى رد أمر الله وسميته يحبا
فيه سبيل ليحيا فلم يكن

Бу байтда гап шахси биринчи шахсдан учинчи шахсга кўчди.

Навоийдан мисол:

Чарх-и данийда бодаи ғам ўлмиш, эй рафиқ,
Жуз ҳажр заҳри қилма тама давр каъсидин.
Сабр ўлмаса, Навоий, ани назм зайлида,
Фаҳм айлар аҳли дард каломи адосидин [3, 468].

Бу ерда гап шахси иккинчи шахсдан учинчи шахсга кўчди.

Илтифот санъати нутқни бир хилликдан қутқаради, зерикарли бўлишдан асрайди.

Шарқда сўзларнинг уюшиб келиш ҳолатидан ҳам бадийий восита сифатида фойдаланилади. Сифатларнинг уюшиб келиши тансику-с-сифот ёки ҳусну-л-насақ, отларнинг уюшиб келиши таъдид ёки сиёқату-л-аъдад деб аталган. Мисол:

Ғамзанг ул сайёдким, гулшан аро ороми бор,
Ҳол бирла зулфдин ҳам донаси, ҳам доми бор [3,148].
Жисм уйи вайрон бўлуб, сабру қарору аклу ҳуш
Қолмади бир, эмди аҳли ишқ яғмоси недур! [3, 153]
Ҳам қаро, ҳам узуну, ҳам дилбанд,
Маҳвашим сочидин келиб монанд [6, 47].

Синтактик воситалардан яна бири иқтибосдир. Бу санъат Атоуллоҳ Ҳусайний таърифида шундай: “Иқтибос машҳур қавлға кўра қуръон ё ҳадисдин бир нимани анинг қуръон ёки ҳадисдин олинғанига ишора бўлмаган тарзда каломға киритмактин ибораттур” [4,242].

Бу санъат насрда ҳам, назмда ҳам қўлланади. Мисол:

Абдул Муъмин ал-Исфаҳоний айтади:

لا تُغَرِّكَ مِنَ الظَّالِمَةِ كَثْرَةُ الْجِيُوشِ وَ الْاَنْصَارِ "إِنَّمَا تُؤَخِّرُهُمْ لِيَوْمٍ تَشْخَصُ فِيهِ
الْأَبْصَارُ".

Ибн Сино ал-Мулк айтади:

رَحَلُوا فَلَسْتُ مُسَائِلًا أَنَا "بَاخِعُ نَفْسِي عَلَى
عَنْ دَارِهِمْ آثَارِهِمْ"

Бу мисолларнинг биринчисида Қуръоннинг “Иброҳим” сураси 42- оятидан, иккинчисида “Қаҳф” сураси 6- оятидан иқтибос келтирилган.

“Иқтибос санъати деб Қуръон оятлари ё ҳадисдан қисман ё тўлалигича ҳеч қандай ўзгаришсиз, айнан келтиришни тушуниш керак“ дейди айрим олимлар [5,28]. Лекин араб балоғатида Қуръон ва ҳадисдан бир оз ўзгариш билан киритилган матнлар ҳам иқтибос саналган.

Баъзи араб балоғатчилари иқтибос санъатини ҳам лафзий санъатлар қаторига қўшадилар. Иқтибосни лафзий санъатлардан деб билишларининг сабаби шуки, келтирилган парча, аввало, вазн ва қофия талабига мос бўлиши керак, лозим бўлса маънога зарар етказмаган ҳолда ўзгартирилади. Яъни бу санъатда товушлар мутаносиблигига эришиш бирламчи вазифадир. Юқоридаги мисолларда иқтибосдаги “ал-абсор” сўзи “ал-ансор”га, “а:са:риҳим” сўзи “да:риҳим”га лафздош бўлган. Лекин иқтибоснинг синтактик восита сифатида санъат ҳосил қилиши муҳимроқдир.

Иқтибос санъати мумтоз туркийгўй шоирлар ижодини ҳам безаб келган. Масалан: “Ул шаҳсувор васфидаким, қаронку тунда тийра хокдондин буроқи барқавш узра чикқони “Миназ-зулумоти илан-нур”дин мухбир эрди, балки ул рокибнинг пок зоти остидағи пок оти била “нуран ало нур”дин хабар берди ва бу нурлар малакут шабистонини мунаввар ва малак бўстонини рашки сипехри ахзар қилди” [1,10].

Бу мисолдаги иқтибослар: “Миназ-зулумоти илан-нур”, “нуран ало нур”.

Радду-л-ъажз ʔала-с-садр ҳам синтактик воситалардан ҳисобланади. Бу санъатда бир сўз жумла бошида, худди шу сўз шу маънода жумла охирида келади ёки ўзаро тажнис, иштиқоқ, шибҳу-л-иштиқоқ (иштиқоққа ўхшаш) ҳосил қилган сўзлар жумла боши ва охирида қўлланади. Масалан:

Қарор жондин олур кўзларинг, кўнгулдин сабр,

Нағу олур, чу йўқ эрмиш арода шарту қарор.

Балоғат илмида мавжуд бўлган санъатларни бадиий жиҳатдан ўрганиш билан бирга уларни тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш тил имкониятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиёт:

[1] *Алишер Навоий*. Ҳамса. Фарҳод ва Ширин. Илмий танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев. Тошкент, 1970.

[2] *Алишер Навоий*. Ҳазойинул маоний. I т. Тошкент, 1959.

[3] *Алишер Навоий*. Ҳазойинул маоний. III т. Тошкент, 1960.

[4] *Атоуллоҳ Ҳусайний*. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А. Рустамов таржимаси. Тошкент, 1981.

[5] *О. Давлаттур*. Иқтибос санъати. // “Шарқшунослик”. 2001. № 1. 27-32- б.

[6] *А. Рустамов*. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979.

[7] *А. Ҳожиаҳмедов*. Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия. Тошкент, 1998.

على جارم، مصطفى أمين. البلاغة الواضحة. البيان. المعاني. البديع. القاهرة. 1999.

ИККИНЧИ БЎЛИМ. АДАБИЁТШУНОСЛИК

ҲАЗРАТ-И НАВОЙИЙНИНГ НОМЛАРИ

АЛИЙБЕГ РУСТАМИЙ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Навойийнинг ўз исми қандай?

Навойийнинг лақаби, куняси, нисбаси.

Ёзма манбалар таҳлили.

Бу мақоланинг ёзилишига олий ўқув юртлари ва оммавий ахборот воситаларида нисба, тахаллус, куня, лақаб, мустаор ва бошқа номлар қориштириб ишлатилмоқда. Бу ҳол Ҳазрат-и Навойийнинг номларини зикр қилишда ҳам кузатилмоқда. Бинобарин бу мақола мазкур нуқсонга барҳам бериш мақсадида ёзилди.

Навойийнинг ўз исми, яъни туғилганда қўйилган оти “Алийшер”. Бу отнинг “Алий” қисмидаги “й” ўзак товуши бўлиб, уни тушириб, “Али” деб бўлмайди. “Алий”ни “Али”, “Ғаний”ни “Ғани”, “Солиҳ”ни “Соли”, “Муҳаммад”ни “Мамат” ва “Мат” шаклларида ишлатиш шеваларга хос бўлиб, адабий, хусусан ўзбек мумтоз тилида бунга йўл қўйилмайди.

“Алийшер”нинг “шер” қисмини хориж олимларининг кўпчилиги ҳозирги форсий эътибори билан “ши:р” шаклида берадилар, чўзиқ “э”ни чўзиқ “и”га айлантирадилар. Бу ҳозирги форс тилига хос бўлиб, олдин бундай бўлмаган. Масалан сут “шир”, деб, арслон “шер” деб аталган. Ҳозирги Эрон форсчасида “шер”даги “э”нинг торайиши натижасида “шер” ҳам “шир” шаклини олган. Аммо дарий, яъни Афғонистон форсийси ва тожик тилларида “э” ўз ҳолича сақланган. Бу тилларда сут “шир”, арслон “шер” деб аталади. Чўзиқ “и”ни билдирадиган ё харфи “маъруф ё”,

чўзиқ “и”ни билдирадигани “мажҳул ё” [1] деб аталади. “Муҳокамату-л-луғатайн”идан у даврнинг адабий форсийсида мажҳул ё, яъни “э”, маъруф ё, яъни “и” билан бирлашиб “и”га айланмаган [2]. Шунга кўра “Алийшер”ни Алишир ёки “Алий Шир” шаклида ишлатиш тўғри эмас.

Навойийнинг шахсий оти Алийшер унинг зотига мувофиқ сифатларни билдиради. Отнинг “Алий” қисми рошид, яъни ҳақ йўлида собитқадам бўлган халифаларнинг тўртинчиси Ҳазрат-и Алийга мансуб. Расулуллоҳнинг амакиваччаси ва куёви ҳамда унинг тарбиясини олган Алий ибн Абутолиб мусулмонларнинг мушриклар билан бўлган жангларида қаҳрамонлик кўрсатган ва унга Ҳайдар, яъни арслон лақаби берилган эди. Шижоат, ҳарбий маҳорат ва баҳодирона амаллар Алийшерга ҳам хос эди. Хусайн Бойқаронинг саркардалари Ёдгор Мирзо эгаллаб олган қасрга ҳамла қилишга ботинолмаган бир пайтда Алийшернинг бир навкар билан қаср деворидан ошиб Ёдгор Мирзони асир олиши унинг қаҳрамонона амалиётидан биргина ҳарбий амал эди.

Низомиддин Навойийнинг лақабидир. Лақаб кишининг фазилати ёки айбини билдиради. Айблов ноҳақ бўлиши ҳам мумкин. “Алқаб кўймоқ” деганда кишини ҳақиқатга тўғри келмайдиган айбни билдирувчи лақаб билан атамоқ тушунилади. Навойий кўпдан кўп фазилатлар соҳиби бўлгани учун унга “Низомиддин” деб қўйилган. Бу лақабдаги ибодат[3] амаллари билан бирга муомала амалларини, ҳозир машҳур бўлган таъбир билан айтганда дунёвий ишларни ҳам ўз ичига олади. “Низом” тартиб, тизим дегани. Жамиятнинг ҳамма ишларини тартибга солувчи кишиги “Низомиддин” [4] деган лақаб берилади.

Навойийнинг куняси “ибн Ғиёсиддин” ёки “Ғиёсиддин ўғли”дир. Кишини отасининг номи билан, масалан “ибн [5] фалон” ёки “Фалон ўғли”, “Бинт фалон” ёки “Фалон қизи” деб, фарзандининг оти билан “Абу фалон” ёки “Фалоннинг

отаси”, “Умму фалон” ёки “Фалоннинг онаси” деб атасалар, бу номлар “куня” деб аталади. Ота номидан “-ич” ва “-на” кўшимчалари билан ясалган от русча кунядир: “Владимирович” “Владимир ўғли”, “Владимировна” “Владимир кизи” дегани.

Навойийнинг нисбаси “Ҳиравий”, яъни Ҳиротлидир, “Ҳиравий” “Ҳирот”дан нисбий сифатдир. Нисба кишининг туғилган ёки турар жойини билдиради. Баъзан киши икки нисба билан аталиши мумкин. Масалан “Маснавий-и маънавий”нинг муаллифи Мавлавийнинг бир нисбаси “Балхий” унинг туғилган шаҳри Балхга мансуб, иккинчиси Румий унинг турғун бўлиб қолган ўлкаси Румга [6] мансубдир. Бу нисбалар баъзан бирга “Жалолиддин Балхий Румий” деб, баъзан алоҳида бири иккинчисини “Жалолиддин Румий” ёки “Жалолиддин Балхий” деб тилга олинади. Нисба нисбат кўшимчаси –ий, -вий билан ясалади. Масалан, Хоразмий, Самарқандий, Ганжавий деган нисбалар мавжуд. Нисба ясалганда баъзан товуш тушиши ёки орттирилиши ҳамда ўзгариши мумкин. Масалан, “Бухоро”дан “Бухорий”, “Ҳирот”дан [7] “Ҳиравий”, “Деҳли”дан “Деҳлавий”, “Хева”дан “Хевакий”, “Марв”дан “Марвазий” бўлади. Охирги икки нисбада тарихан мавжуд бўлиб, кейинчалик тушиб қолган “з” ва “қ” товушлари нисбада тикланган.

Алийшернинг тахаллуслари Фоний ва Навойий. “Тахаллус” кишининг шоирлик оти. Бу отни шоир ўзига ўзи ёки ўзгалар, кўпинча устозлар қўяди. Бу ҳолда “тахаллус” сўзининг ажралиш, алоҳида бўлиш деган маъносига асосланилган. Шоирлар бир-биридан тахаллуси билан ажралиб туради. “Тахаллус” сўзининг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш деган маъноси ҳам бор. Бу сўз мана шу маъноси билан қасиданинг бир қисмига истилоҳ бўлган. Бу қисм қасиданинг муқаддимасидан мадҳга ўтиш байти ёки байтларидан иборат.

Алийшер Фоний тахаллуси билан форсий асарларини имзолаган. “Фоний” “боқий”нинг зидди бўлиб, унинг луғавий маъноси фано бўлувчи, “фано” йўқ бўлишдир. Бу “бақо”нинг зидди.

Алийшернинг “Лисону-т-тайр”и туркийда бўлса ҳам “Навойий” эмас, “Фоний” тахаллуси билан тугатган. Бунинг сабабини у алоҳида фасл қилиб баён қилган. Шоир кушларнинг наво қилишини ва китобнинг туркийда ёзилганини эътиборга олинса, унда тахаллус “Навойий” бўлиши муносиброқ эди. Аммо асардан мурод фано мақомига эришиш йўли бўлгани учун тахаллус қилиб “Фоний” олинди, дейди.

Алийшернинг туркий тахаллуси Навойийдир. Аслида имло ва талаффузи “Навойий” бўлган бу сўз “Навойий” шаклида оммалашган. Бунга “Наво”нинг араб сўзи эмаслиги ва у ҳамза билан тугамаганлигига ҳамда унинг арабча имлосида “Наво”дан сўнг Ҳамзаю [8] ё эмас, икки ё ҳарфи ёзилганлигига эътибор бермаслик сабаб бўлган. Баъзи олимларимиз “Навойий”нинг асил имлосига хилоф равишда биринчи ё ҳарфи ҳамзага айлантирилган. Охирида ҳамза бўлган араб сўзларидан нисбий сифат ёки от ясалганда унга “-ий” эмас, “-ий” қўшилиши хато ҳисобланмайди, масалан “Санов”дан “Саной” бўлади. Унда суфий шоир “Ҳатиқату-л-хақиқа” [9] асарининг муаллифи Абулмажд Маждуд ибн Одимнинг тахаллусини “Саной” деб ёзиш хато эмас. Баъзилар бунда ҳам “и” билан “й” ўртасида яна бир “й” орттирадилар. Форсий ва туркийда араб ҳамзаси “о” билан “и” орасида “й”га айланиши ҳисобга олинса, бу имлони ҳам янглиш деб бўлмайди. Олимларимиз орасида “Навойий”даги охирги “й”ни тушириш тарафдорлари ҳам бор. Бу нотўғри амалнинг, яъни нисбат маъносини билдирувчи “й”ни йўқотилишининг “тўғрилигига” вазндан мисол келтирилади. Тахаллус “Навойий”нинг “ий” қисми вазнда

қиска ҳижо ўрнида келади. Масалан куйидаги мактаъ, яъни ғазалнинг охириги байтда шундай:

Навойий асра ниҳон ишқ нуктасин зинҳор

Ки ишқ пийри манга ёшурун бу нукта демиш [10].

Бунинг вазни мужтас-и махбур-и мактуъ-и, мусаббағ ва махзуф, мафъилун фаъилотун мафъилун фаълон (иккинчи мисра файлун [11]) мафоилун рукни қиска-чўзиқ-қиска-чўзиқ ҳижолардан иборат. Байтдаги биринчи рукн “Навойий ас” ана шу “мафоилун” вазнида ўқилиши керак. Вазнда учинчи ҳижо қиска бўлиши керак. Мана шунга асосланиб “й” сизчилар “Навойий” да “й” ортиқча дейдилар. Холбуки арузда сўз охиридаги ундошни ундан кейинги унли билан бошланган сўзга ўтказиш қоидаси бор. Бу қоидага кўра мазкур рукн “На-во-йи-йас” деб тақтиъ қилинади, яъни ҳижоларга ажратилади. Агар байтда “асра” сўзи ўрнида бошқа ундош билан бошланган сўз ишлатилиши зарур бўлганда эди, Навойий таҳаллусни “Э Навойий” тарзида иккинчи рукн “фаъилотун” да берган бўлар эди. Хориж олимлари таҳаллус ва нисбатлардаги “ий” ўрнида чўзиқ “и” ишлатадилар. Бу имло талаффуз жиҳатидан нотўғри бўлмаса ҳам [12], ҳақиқий аниқ талаффуз ва мазкур вазн қоидаси жиҳатларидан ноқисдир. Демак, Алийшернинг туркий таҳаллуси “Наво” сўзига “-ий” кўшимчасини қўшиш билан ясалган, бундай ҳолларда талаффуздаги бўшлиқни тўлдириш учун ўртада “й” товуши орттирилади. Натижада “Навойий” ҳосил бўлади.

“Наво” сўзининг бир неча маъноси бор. Улардан бизнинг мавзуимиз учун муҳим бўлгани иккита. Бу маъноларнинг бирига кўра, “наво” деганда ҳар қандай овоз, жумладан куй тушунилади. Иккинчиси тириклик, турмуш, мансаб ва фаолият лавозимини, яъни лозим бўлган нарсаларни билдиради. “Бенаво” ва “навосиз” деганда “наво”нинг мана шу маъноси назарга олинади. Наво кишининг мартабасига қараб оддий турмуш воситаларидан

тортиб подшолик фаолияти учун зарур бўлган омил ва амалларни ўз ичига олади. Оддий меҳнаткашнинг емиши, кийими ёки турар жойи бўлмаса бенаво бўлади. Бой бойлигидан, яъни мулки, сармоясидан, мансабдор мансаб фаолияти учун зарур бўлган нарсалардан, давлат бошлиғи сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий таъминот, муҳофаа ва тартибот фаолияти воситаларидан маҳрум бўлса, бенаво бўлади.

“Навойий” таҳаллусидаги “наво” мазкур куй маъносидир. Аммо Навойийнинг навобахшлик фаолиятини, унинг кўпдан кўп навосизларни наволиғ қилганини эътиборга олинса, “наво”нинг иккинчи маъносини ҳам “Навойий”га нисбат бериш вожиб бўлади.

Навойийни замондошлари “бег” [13], “амир” ва “мир” деб ҳам атаганлар. “Мир” амирнинг қисқаргани. “Амир” ва “бег” лашкарбоши ва ҳоким маъноси билан маънодошдир. Маҳмуд Кошғарий “бег”ни “амир” деб, “бег эли”ни амир фармони остида бўлган вилоят деб, “бег канд эгирди”ни “амир лашкарини тарқатди” деб таржима қилган (1 ж. 48-49 б.; 3 ж. 59 б.; 4 ж. 78 б.). “Бобурнома”да Амир Темур “Темур бег” деб аталган. Мамлакатнинг мутлақ ҳукмдори хон, ундан кейинги ва унга бўйсунган ҳукмдор бег ёки амирдир. Буларга белгиланган бошлиқ “беглар беги” ёки “амиру-л-умаро” деб аталади. “Амир” ва “бег” ҳам унвон, ҳам мансаб оти. Буларнинг унвонлиги шундаки, киши амирлик ёки беглик мансабига эга бўлмаганда ҳам насабига кўра “амир” ёки “бег” деб аталиши мумкин. Киши мазкур мансабда бўлганда, улар мансаб номини ҳам билдиради. Киши насабда бег ёки амир бўлмагани ҳолда ҳам мансабда бег ёки амир бўлиши мумкин.

Адабиёт:

[1] Чўзиқ “и” араб тилида бор бўлгани учун “маъруф”, яъни тайин, маълум деб, чўзиқ “э” арабчада йўқлиги учун мажҳул, яъни нотайин, номаълум деб аталган.

[2] Айрим шеваларда “э” билан “и” “и” шаклида бирлашган бўлиши мумкин. Лекин адабий тилда Навойийнинг мазкур асардаги маълумотига кўра “э” ўз шаклини ўзгартирмаган.

[3] “Ибодат” сўзи хос, махсус маънода исломнинг беш рукни – имон, намоз, рўза, закот, ҳажни билдиради. Мутлақ маънода бандаликни, яъни шаръан харом қилинмаган ҳамма амалларни билдиради.

[4] Баъзи отлар муболаға учун сифатдош ўрнида қўлланиши мумкин. Масалан “одил” ўрнида жуда одил деган маънода “адл” сўзи ишлатилиши мумкин. Шу тарзда мазкур лақабда “Низом” сўзи “Нозим” ўрнида истёмол қилинган. Навойийнинг отасининг исми “Ғиёсиддин”даги ёрдам, нажот маъносидаги “ғиёс” сўзи ёрдамчи, нажот бағишловчи маъносида “муғийс” сўзи ўрнида ишлатилган.

[5] “Ибн”ни “бин” шаклида ҳам ишлатадилар. БУ шакл унинг “бн” шаклидаги имлосини нотўғри ўқиш натижасидапайдо бўлган. Арабчада “ибн” сўзининг “и” деб ўқиладиган алифи бирор сўз ортидан келганда тушиб қолади. Бундай алиф “ҳамзату-л-васл” дейилади. Бу ҳолда “бн” ўрни билан “бну” ё “бни” ёки “бна” деб ўқилади. Масалан “Ҳасану-бну ʼалий”, “Ҳасани-бни ʼалий”, “Ҳасана-бна ʼалий” дейилади. Ўзбекчада ҳамма ҳолда бу сўз “ибн” шаклида “Ҳасан ибн Алий” деб ишлатиш тўғри бўлади.

[6] “Рум” Туркия жойлашган Кичик Осиёнинг шарқча оти. Кичик Осиё “Аназул”, русча “Анатолия” деб ҳам аталади. Мавлавий Румнинг Куня шаҳрида муқим бўлган. Куня Рум салжуқийлари даврида (1081-1302) пойтахт бўлган. Мавлавий 1273-2307 йилларда яшаган.

[7] Ҳирот Ҳирий шаклига ҳам эга.

[8] Ҳамза сирғалувчи “ҳ”нинг портловчи жуфти. Арабчада бу товуш сўзнинг бошида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам бўлади. Ўзбек тилида фақат ўртадагиси, масалан “таъсис” сўзидагиси талаффуз қилинади. Сўз боши ва охиридагиси эса талаффуздан тушиб қолади.

[9] Ҳақиқату-л-ҳақиқа – ҳақиқат боғи.

[10] БВ, 206-ғазал.

[11] Бир шеърнинг ўзида мисра охиридаги рукнда “фoъилун” “фoъилон”, “фаъилун” “фаъилон”, “фаълун” ва “фаълон” бири билан алмашиб келиши мумкин.

[12] “ий”ни чўзиқ “и” тарзида талаффуз қилганда, уларнинг орасидаги фарқ сезилмас даражада бўлади. Бу “и” билан “й”нинг махражи яқин бўлгани учун содир бўлади.

[13] Бу сўзнинг ҳозирги “бек” шакли араб ёзувининг илк, жумладан Навойий даврида ҳам коф ҳарфи билан ифодалангани сабаб бўлган. Бу сўзнинг охириги товуши “к” эмас, “г” бўлганига икки далил бор. Биринчиси, дулбарчин яъни урхун ёзувида унинг эг ҳарфи билан битилгандир. Эг “г” товушини билдиради. Иккинчи далил “бег” сўзининг ҳозирги турк тилларининг баъзисида “бей” ва “бий” шаклини олганлигидир. Чунки “г” товуши “й”га ўтади, “к” эса ўтмайди. Масалан, шеваларда “тегди” сўзи “тийди” шаклида ишлатилади, аммо “чекти”, “тикти” сўзлари “чегди”, “тигди” шакллари олимайди. Турк тилларида “бек” деган сўз ҳам бор. Бу сўз Маҳмуд Қошғарийнинг “Девон”ида шу шаклда қаттиқ маҳкам маъносида қайд этилган: МХБ. 1-ж. 333 б.; 3-ж. 11 б. Баъзи ҳозирги турк тилларида бу сўз “пек” ва “бик” шаклларида мазкур маънолардан ташқари яна жуда маъносида ҳам ишлатилади.

МАМЛУКЛАР ДАВРИДА АДАБИЙ МУҲИТ

РАЪНО ХОДЖАЕВА

Э ʼ т и б о р қ а р а т и л а ʼ т г а н м а с а л а л а р:

Мамлуклар давлатининг юзага келиши.

Мамлуклар даврида ёзма адабиёт.

Мамлуклар замонида ижод этган шоирлар ва уларнинг ёзма мероси.

Мамлуклар давлати XII–XV, айниқса, унинг биринчи даври (XII–XIV) Миср ва Сурия тарихида ўзига хос ёрқин бир даврни ташкил этади. Бу ўзига хослик, биринчидан, мамлук султонларининг насл-насаби куллар(мамлуклар)га

бориб тақалишидадир. Мамлуклар ёшлигида куллар бозорида сотиб олиниб, махсус ҳарбий тарбия олган, улардан кўплари ўзларининг шахсий фазилатлари, айниқса, жасорати ва содиқлиги учун юқори ҳарбий мансабларга кўтарилиб, ҳатто лашкарбоши ва амирлар даражасига етишган [1]. Яна бир ўзига хослиги, XII асрнинг иккинчи ярми – XIV асрларда Миср ва Сурияда (Шомда) ҳукм сурган мамлук султонлари Ойбек ат-Туркманий, Қутуз, Бейбарс, Қалаъун, Муҳаммад Носир ва бошқалар [2] араб қавмига эмас, балки туркий эллатларга, Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қипчоқ, ўғуз ва бошқа туркий қабилаларга ёки мўғул истелосидан қочган хоразмликларга тааллуқли эканини ўша даврнинг машхур тарихчилари ал-Мақризий, Ибн ал-Иййаслар кўрсатиб ўтган [3]. Султонлар саройида ва девонхоналарида қадимги туркий тилининг ўғуз-қипчоқ шеvasи кенг истеъмолда бўлган [4]. XV асрда эса Мисрда Кавказдан чиққан мамлуклар ҳукмдорлик қилган.

Мамлук султонлари даврида Миср кучли давлатга айланади. Айни улар Фаластинда салбчиларнинг қолган кучларини тор-мор қилиб, минтақадан бутунлай йўқотганлар ва, айниқса, бутун мусулмон дунёсини қақшатган мўғулларни салтанати чегарасида тўхтатиб Айн Жалун деган жойда уларга катта зарба етказиб, мағлубиятга учратиши халқлар хотирасида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Ал-Мақризий ва Ибн Иййас тарихий хроникаларида миср лашкарлари бошида турган амир бўлажак Миср султони Қутуз Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердини жияни деб тахмин қилинган [5].

Айн Жалун жангида хоразмликлар алоҳида жасорат кўрсатганлиги тўғрисида тарихий маълумотлар бор.

Боғдоддаги аббосийлар халифалиги мўғуллар зарбаси остида емирилганидан кейин (1260) Миср мусулмон дунёсининг маданий марказига айланади. Бу ерга ҳар

томондан адиблар ва олимлар тўпланиши адабий-маданий ҳаётнинг жонланишига олиб келди. Мамлук султонлари илм, адабиёт, динга катта ҳурмат ва эътибор билан қарашар эди. Уларнинг даврида Мисрда, айниқса, Қоҳирада катта қурилишлар олиб борилган, масжид, мадраса, хонақолар қурилган. Мамлуклар даврида қурилган ҳашаматли бинолар хануз Қоҳиранинг қадимги маҳалларида сақланиб келмоқда ва ёдгорликлар сифатида ҳимояга олинган. Мамлуклар султонлари очган мадрасаларда Қуръони карим, ҳадис, фикҳ исломнинг тўрт мазҳаби талқинида махсус тайинланган мударрислар томонидан ўргатиларди. Хонақолар ғариблар ва суфийлар учун бошпанагина бўлмай, балки бу ерда диний ва дунёвий китобларни қироат қилишар эди, жумладан, Абу Али ибн Синонинг “Аш-Шифо”сини ўқишарди [6].

Мамлуклар салтанати даврида кўп илмий китоблар ёзилди, биринчи мусулмон энциклопедиялари тузилди. Умуман олганда, бу даврдаги адабиёт умумийлик тушунчасига эга бўлиб, янги замон адабиётидан фарқли ўлароқ, ўзига бор ёзма маҳсулотни қамраб оларди ва бадиий ижод билан бир қаторда диний-фалсафий, табиий фанлар, филология, тарих, жуғрофия ва бошқа фанларга мансуб рисоалардан ташкил топган эди. Шеърят ҳам, умуман, бадиий ижод билим етказувчи омил ҳисобланарди.

Бу давр айниқса, ўзининг энциклопедик асарлари билан танилди. Уларнинг муаллифлари ўз ишларини девонхоналардаги котибларга фойдаланиши учун ёзган, замонавий ибора билан уларнинг касбий малакасини ва маҳоратини оширишга қаратилган эди. Шунинг билан бирга улар тор доирадан чиқиб, кенг ўқимишли доираларга ҳам мўлжалланган ва компиляция услубида тузилиб, турли соҳаларда мавжуд бўлган билимларни жамлаган асарлардир.

Биринчи мусулмон энциклопедиялардан энг машхурларидан куйидагиларни эслаб ўтсак бўлади:

1. Ниҳайат ал-араб фи фунун ал-адаб [Адаб илмларида мақсаднинг ниҳояси]. Муаллифи Шаҳобиддин Аҳмад ан-Нувайрий (1279-1332)]. Энциклопедия 30 томдан иборат, беш қисмга бўлинган. Биринчи қисм – самовий жисмлар ва ернинг тавсифи, иккинчи қисм инсонга бағишланган, учинчи қисм - ҳайвонот олами, тўртинчиси - ўсимликлар, бешинчиси эса, хўжалик масалалари бағишланган, девон ходимларига хужжатлар тузишда қимматли маслаҳат ва тавсиялар берилади.

2. Шихаб ад-Дин ал-Умарийнинг [1301-1348] “Масалик ал-абсар фи мамалик ал-амсар” [Йирик марказлардаги мамлакатларга нигоҳ ташлаш йўллари] номли энциклопедияси 20 қисмдан иборат бўлиб, ўзига адабиёт, тарих, жуғрофиялардан турли маълумотларни мужассамлаштирган асар эди.

3. Шихаб ад-Дин ал-Қалқашадийнинг (1355-1418) 12 томли энциклопедиясининг номи “Субҳ ал-ааша фи синаат ал-инша [Иншо ёзишда кўзи ожизга тонг нури]. Асар тузилишидан муаллифнинг мақсадини билиш мумкин. Асарда адабиёт, адабиётшунослик, илм ал-балағага, адибнинг маъсулиятига кўп ўрин берилган. Ишда хужжатлар тузиш, дипломатик ёзишмалар шакли, тарихий хроникалар яратиши борасида маслаҳатлар ва тавсиялар берилган, шунингдек, турли мамлакатлар ва минтақалар, жумладан, Марказий Осиё давлатлари тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Ал-Қалқашандий маълумотларни бошқалардан компеляция усулида жамлаш билан қаноатланмасдан, ўз даври тўғрисида кўп янги маълумотлар қолдирган. Жумладан, мамлук султонлари ва ўртаосиёлик ҳокимлар ўртасидаги ёзишмаларни келтирган, адабиётнинг назарий масалаларини кўтарган, умуман, илм-фан борасида ўзининг мунозарали фикру қарашларини

жасуруна ифодалаган. Унинг ушбу шоҳ асарининг 1913-1920 йилларда Қоҳирада нашр этилган бир нусхаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг кутубхонасида нодир китоблар бўлимида сақланмоқда.

Биз ўша даврда яратилган мусулмон энциклопедиялар ичидан фақат энг машҳур учтасига тўхтадик. Буларнинг ёнига Тунисдан чиққан ва Мисрга келиб ижод қилган Ибн Халдун (1332-1406) асарлари ҳам қўшилади. Ибн Халдуннинг “Муқаддима”сида фалсафий, тарихий ва ижтимоий масалалар инсон ва жамият муносабати нуқтаи назаридан кўтарилади, шунинг учун ҳам Ибн Халдун биринчи араб социологи деган ном олган. Шунинг билан у ҳақиқий мавсуий (энциклопедик) олим сифатида филологиянинг ҳам энг муҳим масалаларини кўриб чиққан ва бу борада бир нечта асарларни, жумладан, грамматикага оид “Муфассал” номли асарини яратган.

Яна бир мавсуий билимлар соҳиби - бу Абд ал-Раҳмон ас-Суйутий (1445-1505) 350 га яқин асарларни тарихдан, диндан, адабиётдан, тилдан яратди.

Мамлуклар салтанати даврида ёзилган илмий рисоалар сони юзлардан ошиб умумий мусулмон маданиятининг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Услуб жиҳатдан мусулмон энциклопедиялар IX асрдан ривожланиб кетган “адаб” номли адабий жанр услубига яқин туради ва ундан кенг қамровлилиги билан ажралиб туради.

“Адаб” адабиётнинг асосий қонунларидан бири – бу билимни, маърифат ва илмни ҳамда одоб тўғрисида насихатларни қизиқарли усулда китобхонга етказишдир. Илмий адабиёт услубига бундай қарашни боиси бу - турли билим соҳаларда (тарихга, жуғрофияга, табиий фанларда) ёзилган китобларга кенг доираларда қизиқиш кучайиб, уларнинг оммабопроқ ёзишга эҳтиёж пайдо бўлди. Шунинг учун илмий мавзудаги асарларга насихатгўйлик

оҳанглари билан кўнгил очар унсурлар кирганига ажабланмаса бўлади. Қизиқтирувчи унсурлар – бу бадий ижод бўлиб, уларнинг камровига афсоналашган тарихий мисоллар, шеър (шу жумладан муаллифни ўзиники), турли ривоятлар, ҳикоятлар, асотирлар кирар эди. Энциклопедияларда ҳам бадий ижодга илмий мавзулар билан боғланган ҳолда етарли ўрин ажратилган. Масалан ан-Нувайрий энциклопедиясида кўёшга илмий тавсиф бериб, унга шеърий тавсиф илова қилади.

Кўрдингми кўёшни, чиққанида
кўзни қамаштиради унинг нурлари
Қизил ва сариқ рангларда жилванади у
гўё шикоят қилгандек уйқусиз тундан
Чиройли келинчак у, ўша кечаси
кўлида ушлаган кўзгуси – тўлин ой эди [7].

Бу китъада бадий воситаларга –ўхшатиш, истеъора, мажозга кўп ўрин берилган. Худди шунингдек у ойга, тунга, Нил дарёсига Миср диёри тавсифига илмий ва бадий тавсиф беради ва турли ривоятлар, ҳикоялар, шеърларни жалб этади. Масалан, тўлин ойни инсон руҳига салбий таъсир этишини замонавий тиббиёт ҳам тан олган. Ан-Нувайрий бу тўғрисида ривоят келтиради: “Ҳикоя қилишадики, кўчманчи араб бир кишини ойга тикилганини кўриб – тикилмагин унга, унда нуқсонлар бор. Агар эшакда нуқсонлар бўлса, уни қайтариб бермас эдингми? – [деди]. У сўради: Улар [нуқсонлар] қандай? У жавоб берди: “У умрга завол бўлади, ажални яқинлаштиради, динни бузади, йўлни ёритади, ўғрига йўл кўрсатади”[8].

Мамлуклар давридаги шеърий ижодга келсак, бу соҳада кўринарли ўзгаришлар рўй берди. Бу таъсирли ўзгаришлар шаклий изланишларда ўз ифодасини топди: “таштир”, “тахлис” каби янги шакллар, арузнинг яхлит вазнда ва қофияда ёзилган байтлари ўрнига асосланган. Шеърнинг турли шакллари – мувашшах, зажал, маввал,

дубайт каби шакллар халқ шеърӣй ижодиётидан кириб келди. Мумтоз шеъриятидаги анъанавӣй вазнлар товил, комил, босит ўрнига енгил вазнлар - рамал, ҳафиф, ражазнинг қисқартирилган қофияли кўринишлари пайдо бўлди. Шеърнинг тили анча соддалашиб унга реал ҳаётда учрайдиган оддий кундалик иборалар, бошқа тиллардан сўзлар кириб келди, ҳазил-мутойибага майиллик сезилди. Бу чекинишлар янги даврнинг баъзи адабиётшунослари томонидан араб шеърияти мамлуклар даврида инқирозга учради, деб таъкидлашга имкон берди (Масалан, Ханна ал-Фахурий [9] ёки Маҳмуд Рибдавий) [10]. Тўғри, Аббосийлар давридаги гуллаб-яшнаган сарой мумтоз шеърияти ҳақиқатан инқирозга учради. Аммо мамлуклар давридаги шеърят ёрқин истеъдодлардан холи эмас эди, улар ҳам араб адабиёти тараққиётига ўз улушини қўшди. Биз энг аввало шоирлар ал-Бусирий (1212–1296), аш-Шаб аз-Зариф (1263–1289), Сафиддин ал-Хиллий (1278–1349), Ибн Нубаталарни (1287–1366) назарда тутамиз. Ал-Бусирийнинг машҳур “Қасидат ал-бурда” (“Плаш қасидаси”) бутун араб дунёсида тарқалиб шеърятда алмадх ал-набави (пайғамбар мадҳи) жанрини ривожлантириб берди. Муҳаммад пайғамбарга аталган 162 байтдан иборат бу қасида жаҳоннинг кўп тилларига – инглиз, француз, ҳинд, форс, турк, немис (олмон) ва ўзбек тилларига таржима қилинган. Қасиданинг машҳурлиги уни афсонавий яратилиши билан боғлиқ. Оғир касал ва ярим бадани шол бўлиб қолган шоир қасидани ёзганидан кейинги куни бутунлай соғайиб кетади. Бу ҳодиса “Қасидат ал-бурда”га одамлар нигоҳида “илоҳийлик” сифатини берди ва унинг оғиздан-оғизга ўтишига, унга ўнлаб шарҳлар ёзишга, унга тақлид қилишга олиб келди. Қасида шифобахш қудратга эгалиги тўғрисидаги афсона бизнинг асримизгача етиб келган.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Қасидат ал-бурда”нинг 30 тадан ортиқ қўлёзмаси сақланмоқда, улар ҳар хил манбаларда ва котиблар уларни хатосиз ёзган. Қасида ўзбек тилига таржима қилинганлигига қарамай, унинг мазмуни ва бадиий хусусиятлари ҳанузгача илмий жиҳатдан таҳлил қилинмаган. Ваҳоланки, қасида эътиборга лойиқдир. У анъанавий мумтоз қасида жанрига тўла амал қилиб ёзилган, ўзида унга хос унсурларни мужассамлаштирган ва ички жанрларга (яъни васф, мадҳ, фахр, ҳижоларга) бўлинган. Ўз мажмуасида улар пайғамбар ҳаётини ёрқин ва шоирона образларда тасвир этган. Анъана, айниқса, васф қисмида сезилади, шоирнинг асосий мақсади – мадҳга ўтишидан олдин, манзаралар васфида ҳаёл парвози баланд ва кенг тарқалади. Сахро бўйлаб саёҳат, йўлда кўрган-ўтганлар васфи, табиат манзаралари, ҳайвонот олами, ов қилиш маросими, сўнг пайғамбар иштирок этган жанглар васфи, боғ ва қасрлар кўриниши, чашмаларда сувларнинг жилваланиши, базмлар тавсифи жонли мазараларда берилган.

Қасиданинг сўнгги байтларида пайғамбар ҳаётида рўй берган ҳодисалар, унинг даъватлари, олиб борган курашлари, жанглари – ҳаммаси ўз ифодасини топган. Қасидада ишлатилган мажозий образлар, сўз санъатидаги чиройли ўхшатиш, истеъора, тазод, тажнис ва бошқа тасвирий-ифодавий воситалар ал-Бусирий шеърини маҳоратда қанчалик етук эканлигидан далолат беради. Ал-Бусирийнинг бошқа асарлари аҳамиятга молик бўлса ҳам, битта “Қасидат ал-бурда” асарининг ўзи унга сўнмас шуҳрат олиб келганини қайд қилиш лозим.

Мамлуқлар даврининг истеъдодли шоирларидан бири Сафиддин ал-Хиллий (1278–1349) ҳам ҳисобланади. Шоирлик маҳоратида уни ҳатто XI асрда яшаган машҳур араб шоири ал-Мутааббий билан тақослашади. Ал-

Хиллий ранглар тўғрисида ёзган байти ҳозирги Сурия байроғининг рангларига асос бўлди:

Оқ – хайрли ишларимиз, қора – қилмишимиз,

Яшил – ўтлоғимиз, қизилдир бизнинг умидимиз [11].

Табиат манзараларини васф этишда замонасида унга тенг келадиган шоир йўқ эди. Унинг шеърлари, дабдабалик, самарасиз сўз ўйинлари, мавҳумликдан ҳолидир. Шоир қасиданинг анъанавий шаклини ўзгартириб, журъат билан уларнинг мувозанатини бузди, янги шакллар – таштир, тахмис ҳамда халқ оғзаки ижоддан кенг фойдаланиб, мувашшах, қумо шакллари ижодиётга киргизди ва новатор шоир сифатида араб шеърияти саҳифаларида из қолдирди. У анъанавий қасида қоидаларига сунъий ёндашиш ўрнига, ҳақиқий лирик шеърлар яратди. Сафиддин ал-Хиллий қаторига Абу ан-Нубата, Шаб аз-Зарифлани ҳам қўйсак бўлади. Улар ҳам ўзига хос ижоди билан ханузгача араб китобхони кўнглига йўл топиб келмоқда. Шунинг учун барча эслаб ўтган шоирларимизнинг асарлари тўпламларда Миср, Сурия, Ливанда нашр этилиб келмоқда, янгидан тадқиққа тортилмоқда, таҳлил этилмоқда. Мамлуклар салтанати давридаги адабиёт тўғрисида сўз борар экан, унинг ҳар бир жиҳатини кичик мақолада қамраб олиш амри маҳол. Унинг бир қатламини насрнависликда ўз ифодасини топган ҳикоятлар, мақомалар, ривоятлар ташкил қилса, яна бир қатламини шу даврда ёзиб олинган халқ ижоди ташкил қилади. Ундан ташқари XIII асрда яратилган икки томли Зоҳир Бейбарс сираси (халқ романи) бир ўзи ҳам муҳим катта маданий-адабий ҳодиса сифатида баҳоланиб келмоқда. Миср халқининг қулдан чиққан, келиб чиқиши кўчманчи қипчоқ қабиласидан бўлган султон Бейбарс тўғрисида халқ романини яратиши, унинг ақлу заковатиға, жасорати ва давлат борасидаги олиб борган самарали

фаолиятига берган баҳосигина бўлиб қолмай, шарқ халқларнинг ўзаро муносабатларининг ёрқин далилидир.

Мамлуқлар давридаги адабиётнинг ёрқин намуналари билан таржималар ва тадқиқотлар орқали араб адабиётшуносларимиз ва таржимонларимиз томонидан таништириш ўзбек ўқувчиси олдида араб адабиётининг яхши танилмаган қирраларини очиб берар эди.

Адабиёт:

[1] *Аҳмад Мухтор ал-Ибодатий*. Қийам давлат ал-мамалик ал-ула фи Миср ва аш-Шам (Миср ва Шомда мамлуқларнинг биринчи давлатининг барпо бўлиши). Муассасату “Шабаб ал-жамиат, Искандарийа, 1994. 117-118-б.

[2] *К.Э. Босворт*. Мусульманские династии. М., 1971. С. 99–100.

[3] *Аҳмад Мухтор ал-Ибодатий*. Қийам давлат ал-мамалик ал-ула фи Миср ва аш-шам, 115-130- б.

[4] *Х. Дониёров*. Эски ўзбек адабий тили ва қипчоқ диалектлари. Тошкент, 1976. 29- б.

[5] *Нуриддин Халил*. Сайф ад-Дин Қутуз-қохир ал-муғул [Сайф ад-Дин Қутуз муғулларни енган ғолиб]. Қоҳира, 2005. 103–105- б.

[6] *Муҳаммад Абд ал-Муним Хафажжа*. Қиссату ал-адаб фи Миср (Миср адабиёти тарихи). Қоҳира, 1956. 91–96- б.

[7] *Муҳаммад Абд ал-Муним Хафажжа*. Қиссату ал-адаб фи Миср, 98- б.

[8] Ўша ерда.

[9] *Ханна ал-Фахури*. История арабской литературы. Т.2. М., 1961. С. 294.

[10] *Рибдавий Маҳмуд*. Ал-адаб ал-ҳадис. (Янги адабиёт) Дамашк, 1981. 34- б.

[11] Ўша китоб, 40- б.

ЛУТФИЙ ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ: КЛАССИКЛАРИМИЗ ИЖОДИДА АНЪАНА

СУЙИМА ҒАНИЕВА

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Алишер Навоийнинг Лутфийга берган улуғ баҳоси.

Навоийнинг Лутфийнинг уч ғазалига боғлаган мухаммаси.

Тошкентда чоп этирилган Лутфий шеърлари ва анқара нашрининг қиёси.

Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида XV асрда ўз она тилиси – туркийда ижод этган шоирлар Атоий, Гадоий, Саккокий, Амирий, Яқиний, Муқимий ва бошқалар ҳақида алоҳида маълумот беради. Мавлоно Лутфийни эса “Ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди. Аммо туркийда шуҳрати кўпрак эрди ва туркий девони ҳам машҳурдур ва мутааззир ул-жавоб матлалари бор...” [1] – дея таърифлайди.

Лутфий ҳақида “Ўзбек адабиёти тарихи”да Н. Маллаев, беш жилдлик “Ўзбек адабиёти тарихи”да С. Эркинов ёзганлар. Эргаш Рустамов “Узбекская поэзия в первой половине XV в.” китобида Лутфий шеъриятининг ғоявий-бадий жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилган. Айниқса, Лутфийнинг халқ оғзаки ижодидан ғоят унумли фойдаланганига эътибор берган. Лутфий ижодига қизиқиш ўз давридаёқ бошлангани маълум. Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Абдуллоҳ Кобулий ва бошқаларнинг асарларида таъриф қилинган. Алишер Навоийнинг Лутфий сиймосига, ижодига оид фикрлари “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Ҳолоти

Паҳлавон Муҳаммад”, “Насойим ул-муҳаббат” асарларида мавжуд.

“Насойим ул-муҳаббат”даги Навоий фикрлари бошқа асарлари каби кенг тарқалмагани учун келтириб ўтиш жоиз: “Таҳсил давомида Мавлоно Шаҳобиддин Хиёбоний хизматиға етар экандур ва одоби тариқат сулукини андин касб қилур эркандур ва агарчи шоирлик тариқида маъруф ва машҳур бўлди, аммо дарвешлик тариқини дағи иликдин бермади. Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўкур эрди. Ва доим волида мулозаматида ва ризойи хотириға тарғиб қилур эрди. Тўқсон ёшидин тажовуз қилғанда ҳазрати Махдуми (нувирра марқадиҳу) Нуран отиға радиф “сухан” қасида айтиб келтуруб эрдик, замоннинг хушгўйлари барча хублукқа мусаллам туттилар ва ул Ҳазрат дағи инсоф бердилар. Ва анинг матлаи будурким:

Зихи ҳадиси лабат қуввату руҳу жон аст,

Ғули руҳат чаманорой бўстон аст.

Ул Ҳазрат шукурғузорлик юзидин маъзарат изҳори қилиб: “муқобалада ҳам қасида сизин отингизға айтғайбиз”. Мавлоно дедиларким: Ани сизга осон қилурбиз, сизинг кийган эски тўнунгизни гадойлик қилурбизким, ҳулла бўлғай. Ул Ҳазрат узрхоҳликлар била қисватни Мавлоноға кийдурдилар. Мавлоно бағоят сўхта киши эрди. Тўқсон тўққуз ёшида ўтти. Қабри Деҳканордадурки, ўз маскани эрди. Бу матлаидин бу тойифа машрабининг чашниси зоҳирдур:

Улки, ҳусн этти баҳона элнинг шайдо қилғали,

Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали [2].

Мазкур фикрада Навоий Мавлоно Лутфийнинг Абдурахмон Жомийга бўлган ҳурмати ва ботиний эътиқоди ҳақида сўз юритади. Лутфий даврнинг таникли тариқат пешволаридан Шаҳобуддин Хиёбоний хидматларига етишиб, “Мажолис ун-нафоис”да Навоий

уни “азиз ва мутаборрак киши эрди”, деб таърифлайди. Тариқат йўллари касб қилгани баён этилади. Лутфий табиатида дарвешликка мойиллик устувор бўлганига урғу берилади. Бинобарин, Лутфий ижодида тасаввуфий ақидалар, суфиёна таъбирлар мавжуд бўлган. Шоир ижодининг бу жиҳатлари ёритилмагани изоҳ талаб қилмайди. Демак, “Нафаҳот ул-унс” таржимаси устида ишлаганда Навоий уни тўлдиришга аҳд қилар экан, туркий машойих, тасаввуфга дахлдорлиги бор туркийгўй шоирлар киритгани тасодифий эмас.

Навоийнинг “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида шундай бир нукта бор. Унга кўра, Лутфий шеърлятида дунёвийлик тушунчаси устунлиги англашилади: кунларнинг бирида Паҳлавон Муҳаммад Навоий туркийгўй шоирлардан қайси бири яхшироқ ёзган ва сен хуш кўрасан, мақбул кўрасан? – деб сўрабди. Навоий жавоб қилибди: Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устои ва малик ул-каломидур. Паҳлавон Муҳаммад: Нечук Насимий демадинг? – деганларида Навоий: Хотирға келмади ва бартақдир келмоқ, Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубтур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди”[3].

“Мажолис” охирида “хилват” деб берилган, Ҳусайн Бойқаронинг Навоий “Олий мажлис” дея таърифлаган адабий анжуманларнинг бирида Султоннинг “ғайри назм латойидан” дея Лутфий билан боғлиқ нақл келтирилади: Баҳор кунларининг бирида шиддатли ёмғир ёғаётган пайтда Лутфий Навоийни учратади ва унга Хусрав Деҳлавийнинг ҳиндуча шеърларидан бир маънони айтиб беради. Баҳор чоғида маҳбуб қайгадур кетаётган экан. Ёғиндан ер балчиқ бўлиб, у тойиб кетиб, йиқила ёзибди. У шундай нозик эканки, ёғин риштаси – торини тутиб,

ўнгланиб олибди. Навоий Хусравнинг жуда нозик хаёлидан хушҳол бўлиб, таб аҳлидан баъзиларга айтиб берганда улар ҳам қойил қоладилар. Навоий кўп хаяжон билан Ҳусайн Бойқарога айтиб берганида, у табассум қилиб, фикр билдирибди – эътироз этгандек туйилибди Навоийга. Навоий яна шу ҳақда сўз очганда, эътироз будурки, ёғин қатраси юқоридин қуйи иниб келадур, муқаррардурким, риштасига дағи ҳамул ҳолдур. Риштаским, майли қуйи бўлғай, анинг мадади биладу йиқиладурғон ўзин асрамоғи маҳолдур.” Мана бу байтдаги фикрга эътироз қилиш маҳолдур:

Заъфдин кулбамда қўпмоқ истасам айлар мадад,

Анкабути ришта оскон бўлса ҳар деворға [4].

Мазкур лавҳада Ҳусайн Бойқаро шеърда мантиққа риоя қилишга эътибор берган. Лутфий, Навоий ва бошқалар эса фикрнинг ноёблигига эътибор қилганлар.

Навоий Лутфийнинг уч ғазалига муҳаммас боғлаган.

Эй сочинг шайдо кўнгулларнинг саводи аъзами,

Ҳалқа-ҳалқа рухнинг сарманзили ҳар ҳами [5], –

матлали ғазалига муҳаммасида Навоий тўртинчи байтни учинчи қилиб олган ва мақтани:

Лутфийни боштин яна тиргузсанг, эй Исонафас,

Ким етибдур, ваҳ ани ўлтурғали ҳижрон ғами, –

тарзида берди.

Анқара нашри ва “Сенсан севарим”да иккинчи мисра шундай:

Ким таниндин бўлди кўп жон олғали ҳижрон ғами.

Иккинчи муҳаммас Лутфийнинг қуйидаги матлали ғазалига:

Кўктадур ҳар дам фиғоним кўргали сен моҳни,

Даъвин меҳрингга тонуқ тортадурмен яхни [6], –

бўлиб, етти байтдан беш байти олинган ва учинчи байт, тўртинчи ўринда келади. Бешинчи ва олтинчи байтлар туширилиб қолдирилган.

“Зулфу ой юзунг” “зулфунгу юзунг”, “қил надирким” – “рахм қилким”, “закоти ҳусн учун” – “закоти ҳусн анга” деб таҳрир қилинган.

Учинчи мухаммас Лутфийнинг:

Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур [7], –
матлаъли ғазалига боғланган. Навоий тўртинчи байтни иккинчи қилиб олган, учинчи ва тўртинчи тушириб қолдирган.

Шуниси диққатга сазоворки, булар Навоийнинг биринчи расмий девони “Бадое ул-бидоя”да келтирилган. Демак, улар 870–885/1465–1480 йиллар ўртасида ёзилган.

Навоийнинг ўн мухаммасидан учтаси Лутфий ғазалларига боғланган.

Навоий Лутфийнинг:

Эй жамолинг лоязолу бебадал ҳуснунг жамил,
Ой юзунгдур аҳсани тақвим учун равшан далил [8]
ва
Эй қадинг тўтию жаннойи ҳадди гумун устина,
Қўрмади даврон сенингдек ой гардун устина [9], –
етти байтли матлали ғазалларига мусаддас ҳам боғлаган – тасдис қилган. Булар ҳам “Бадое ул-бидоя”да келтирилган.

Бугина эмас, Навоийнинг Лутфий ғазалларига татаббу ва таврлари ҳам бор. Лекин буларни ўрганиш даркор.

Минг афсус, бизда Лутфий девони тўла нашр этилмаган.

Бинобарин, шоирнинг анқарада босилган девони ҳар жиҳатдан муҳим воқеадир. Алишер Навоийнинг Лутфийни таърифлаб, “Малик ул-калом” дегани беъжиз эмас, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро “Сўз мулкининг соҳибқирони” дея таърифи бежиз бўлмаганидек.

Айтиш керакки, Лутфий Гадоий, Атоий, Саккокийлар шеърятини Навоий ижодининг пойдевори бўлганлиги изох талаб қилмайди.

Навоийнинг Лутфий ғазалларига мухаммаслари, татаббу ва тавр йўлидаги, икки ғазалига боғлаган мусаддаслари ўрганилмаган.

Адабиёт:

[1] *Алишер Навоий*. Мажолис ун-нафоис. МАТ. 13- том. Тошкент, 1997. 61- б.

[2] *Алишер Навоий*. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. 17- том.

[3] *Алишер Навоий*. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ.

Насимий буюк озарбайжон шоири, файласуфи 1370 йилда Шамоҳида туғилган. Темурнинг истилочилик сиёсатига ва истибодларига қарши курашга даъват қилувчи ҳуруфийлик тариқатига (унга Фазлуллоҳ Астрободий асос солган) мансуб бўлган 1417 йил узоқ саргардонликдан сўнг Ҳалабга келган Насимийни Миср султони Муайиддин даҳрийликда айблаб, тириклайин терисини шилиб қатл қилган эди. Ўтар ҳолатида бир байт айтган ва уни Навоий “Насойим ...”да ўз таржимасида берган:

Эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,
Қўй терингни сўйса сўйсин бу палид қассоблар.

[4] *Алишер Навоий*. МАТ. 13- том. Тошкент, 1997. 207- б.
Алишер Навоий. Илк девон. Факсимиль нусха. Тошкент, 1968. 118- б.

[5] Lutfi Divanı. Giriş – Metin – Dizin – Tıpkıbasım. Günay Karaağaç. Ankara, 1997. 207- ғазал; “Сенсан севарим”. Тошкент, 1987. 252- б. *Алишер Навоий*. МАТ. 3- том, 503- б.

[6] Lutfi Divanı. 350- ғазал. “Сенсан севарим”, 279- б. *Алишер Навоий*. МАТ. 4- том, 474- б.

[7] Lutfi Divanı. 90- ғазал. “Сенсан севарим”, 64- б. *Алишер Навоий*. МАТ. 5- том, 457- б.

[8] Lutfi Divanı. 148- ғазал. “Сенсан севарим”да йўқ. *Алишер Навоий*. МАТ. 5- том, 463- б.

[9] Lutfi Divani. 240- ғазал. “Сенсан севарим”, 219- б. *Алишер Навоий*. МАТ. 6- том, 451- б.

ЎРТА АСРЛАР БРАЖ АДАБИЁТИДА “ВАРТА” ЖАНРИ: ҲИНД НАСРИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ТАКОМИЛИ МАСАЛАЛАРИ

УЛФАТХОН МУҲИБОВА

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

Браж адабиётида наср масаласи.

Насрнинг шаклланишида “варта” жанрининг тутган ўрни.

Ҳиндий тили насри шаклланишида браж насрининг аҳамияти.

Ҳар бир миллий адабиётда наср ва назмнинг шаклланиш масаласи адабиёт ривожланишининг муҳим масалаларидан бири сифатида ўрганилади. Умуман олганда, фанда назм аввал пайдо бўлган деган тахминлар мавжуд. Бу тахминларга аввал товуш кейин эса ҳарф пайдо бўлган, ибтидоий жамоа тузуми даврида одамлар товушлар орқали ўзаро мулоқотда бўлганликлари ҳақидаги фикрлар асос қилиб олинган. Бу маълумотлар эса, мантиқан, назм аввал пайдо бўлган деган тахминнинг ўринли эканлигини кўрсатади.

Бу масала санскрит тилидаги қадимий ҳинд адабиётида биринчи адабий ёдгорликлар бўлган ведаларга суянган ҳолда назм фойдасига ҳал қилиб бўлинган.

Тадқиқотимиз объекти бўлган браж ўрта аср тилларидан бўлиб, мана шу тил асосида бугунги ҳиндий тили шаклланган. Аслида, ҳиндий тилининг ривожланиш тарихи бир қанча тиллар билан боғлиқдир. Булар санскрит, пракрит, апабхаранша, шаурасени апабхаранша, браж ва кхари боли тилларидир. Бу тилларнинг ҳар бирида наср ва

назм масаласи алоҳида-алоҳида олинган ҳолда ҳал қилиниши лозим, чунки уларнинг ҳар бири маълум бир тарихий даврда маълум муддатда асосий адабий тил сифатида фаолият кўрсатган. Браз тилида эса, аниқ айтишимиз мумкинки, аввал назм, кейин эса наср шаклланган.

Браз тилининг адабий жараёнда бўлиш даври XIV-XVIII асрларга тўғри келади. Браз тили аслида оғзаки сўзлашув тили бўлган. Унда бадиий асарлар деярли яратилмаган. Лекин мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, жамиятда юз берган тафаккурнинг ўзгариши браз тилининг адабий жараёнга кириб келишига ва унинг етакчи адабий тилга айланишига сабабчи бўлган. Бу сабаблардан энг асосийси бхакти диний-ислоҳотчилик ҳаракатидир. Бхакти ҳаракати кеч ўрта асрларда Ҳиндистон ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий ҳаётида етакчи мафкура бўлган. Бхакти халқ манфаати йўлида шаклланди, шу боис у халқ томонидан тез қабул қилинди ва унинг ғоялари бадиий асарлар орқали тарғиб қилинди. Бхакти кенг тарқаган ҳудудларда браз тили асосий сўзлашув тили бўлган. Бу ҳолат браз тилининг оғзаки тилдан адабий тилга айланишида катта аҳамият касб этган.

Бхакти тарғиботчилари ўз ғояларини халқ онига сингдириш мақсадида маҳаллий халқларнинг сўзлашув тилида ижод қилганлар ва улар, даставвал, назмда бхакти ғоялари битилган шеър ва қўшиқлар яратиб, уларни халқ орасида ижро этиш орқали секин-аста ўз мақсадларини, яъни халқ эътиборини бхакти ғояларига қаратиш вазифасини амалга ошира бошлаганлар. Бу ҳаракатлар жуда катта ижобий натижалар берди ва бхакти нафақат халқ томонидан, балки маҳаллий салтанатларнинг одил шохлари томонидан ҳам ҳар томонлама қўллаб қувватланди. Натижада халқ орасидан етук бхакт шоирлар,

ёзувчи ва мусикашунослар, файласуф ва рассомлар етишиб чикди. Шоирларнинг назмдаги сермахсул ижоди браж тилини оғзаки сўзлашув тилидан юксак даражада сайқалланган бадий тил даражасида ривожланишига олиб келди.

Бхакти ҳинд халқи эътиқод қиладиган Рам ва Кришна маъбудлари ғояларини тарғиб қилиш билан боғлиқ бўлганлиги сабаб назмда яратилган барча шеър ва қўшиқлар Рамаёна ва Махабхарата эпослари мазмуни билан чамабарчас боғлиқ бўлган. Ўз даврида санскрит тилида яратилган бу эпослар ўрта асрларда бхакти таъсири остида халқ тилларида (Махабхарата браж тилида, Рамаёнга эса авадхи тилида) яна қайта яратилди.

Юқорида айтиб ўтилган фикрлар браж тилидаги назм билан боғлиқ мулоҳазалар эди. Наср масаласига келсак, унинг шаклланиши ҳам, албатта, бхакти ҳаракати билан боғлиқ, лекин у шоир, ёзувчи, мусикашунос, яъни ижод жараёни билан эмас, фалсафий мушоҳада, руҳиятни поклаш, бхакти ғояларининг таъсир жараёни каби масалалар билан боғлиқ бўлди. Чунки, динни ислоҳ қилиш мақсадида, унинг инсон онги таракқиётига тўсқинлик қилаётган салбий томонларини яқсон қилиш мақсадида бхакти жамият орасига *“Яратган олдида барча тенгдир”* ва *“Яратганга меҳрли ва садоқатли бўлиш”* каби шиорлар остида кириб келди ва бу шиорлар оммани бхакти ғояларига жалб этиш, Яратганга бўлган азалий ишончни қайта тиклаш, халқни дин пешволарининг салбий таъсиридан ҳимоялаш йўлидаги энг тўғри шиор бўлиб, бу шиорлар халқнинг бхакти йўлини танлашида, бхакти тарғиботчиларини ўз ҳалоскори сифатида тан олишларида катта аҳамият касб этди.

Бхактига асос солиш ва уни тарғиб қилиш ишлари билан шу даврнинг етук файласуфлари шуғулланган. Ҳар бир файласуф ўзи ташкил этган секта қошида шогирдлари

билан фаолият кўрсатган. Браз насрига асос бўлган “84 вишнуит ҳаёти” номли асар Валлабхачарья асос солган “Пушти” сектаси вакиллари томонидан яратилган.

Бхактида энг муҳим назария тил ва дил бирлигидир. Инсон нимани тилга олса, айнан шуни амалга ошириши, барчани ўзаро тенг кўриши, Яратганга доим меҳрли ва садоқатли бўлиш каби қарашлар бхактининг энг асосий талаби эди. Файласуфлар халқни ўз ғояларига эргаштириш учун бу ғояларга, аввалом бор, ўзлари амал қилганлар, аниқ бир натижага эришганлар, шундан сўнггина бошқаларни ҳам шу йўлдан боришга ундаганлар. Шу боис, ҳар бир назариянинг амалий натижасига ўзи гувоҳ бўлганларнинг бхакти йўлини танлаш, ўз иустозларга эргashiш жараёни осонлик билан амалга ошди. Шу давр файласуфларидан Валлабхачарья бхактини “пхалдаяк марг”, яъни “натижали йўл”, “мева берадиган йўл” деб баҳолаган эди [1].

Браз тилида наср масаласига келсак, бу ҳодиса бхакти йўлини танлаган шахслар ҳаёти, уларнинг бхакти ғояларига риоя қилган ҳолда рухий покликка, олий мақсадга эришиш жараёнлари билан боғлиқдир. Чунки, браз тилида биринчи наср деб тан олинган “84 вишнуит ҳаёти” номли асарнинг яратилиши ҳам бхакти тарғиботининг оқибатидир. Унинг мазмунида бхактида аниқ бир натижага эриша олган биринчи бхактлар ҳаёти тасвирланган. Бу бхактлар файласуф Валлабхачарьянинг шогирдлари бўлиб, улар ўз устозлари ўғитларига амал қилиб, бхактининг меваси ҳисобланган олий мақсадларига, яъни Яратганга [2] бу дунёда етишиш бахтига муяссар бўлган шахслардир. Бхактларнинг бу ютуқлари, аввалига, сир сақланган ва ҳар бир бхактнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар “Пушти” сектасида “*вачанамрит*”, яъни “*ўлмас сўзлар*” (ёки “адабий барҳаёт сўзлар”) номи билан сақланган. Валлабхачарьянинг бхакти ғояларини тарғиб

қилиш фаолиятини кейинчалик набиралари давом эттирган. Валлабхачарьянинг набираси Гокульнатх бхакти таъсирини яна ҳам кучайтириш, бхакти йўлига кирган инсон нималарга эришиши мумкинлигини тарғиб қилиш учун бобосининг шогирдлари ҳаётини мисол қилиб кўрсатади ва бунинг учун у сектада сақланиб келинаётган “вачанамрит”ларни ўрганиб чиқиб, уларни бир тўплам шаклига келтиради ва ибодатхоналарда бхактлар ҳаётини мутолаа қилиш анъанасини жорий қилади. Валлабхачарьянинг шогирдлари ҳақида узук-юлуқ маълумотларга эга бўлган халқ бу тарихий шахсларнинг ҳаёти, уларнинг эришган ютуқлари ҳақидаги қизиқарли ҳикояларни жон дили билан эшитишга одатланадилар. Ҳикоялар қисқа ва мазмунли, бир неча эпизодларда бхакт ҳаётини икки даврга ажратган ҳолда, яъни бхакт бўлишдан аввалги ва бхакт бўлгандан кейинги давр сифатида баён этилган. Китобга тўқсондан ортиқ бхакт ҳаёти киритилган. Улар турли ёшда ва турли жинсда, турли каста ва турли ҳудуд вакиллари, лекин уларнинг эришган ютуқлари битта, яъни бу дунёда юксак покликка эришиш ва натижада Кришнага етишишдан иборатдир. Бир хинду учун эса бундан ортиқ бахтнинг бўлиши мумкин эмас эди, албатта. Гокульнатх худди шундай асарнинг иккинчисини ҳам яратади. У отасининг шогирдлари ҳақидаги китоб бўлиб, уни *“До со баван вэйшнаван ки варта”*, яъни *“252 вишнуит ҳаёти”* деб номлайди.

Браж тилида мазкур асарлар дунёга келгунига қадар наср бутунлай бўлмаган дейиш нотўғри бўлган бўлур эди. Бу асарларга қадар, албатта, қандайдир наср бўлган, лекин улар диний китобларга берилган изохлар ва уларнинг таржималари доирасидаги наср бўлган, булардан ташқари браж тилида насрда ҳеч қандай асар ёки унлардан намуна бизгача етиб келмаган [3].

Ҳинд адабиётшуносларидан Шивнатх [4] бражда насрининг шаклланиш масаласини ўрганиб, уни тўрт даврга ажратади:

1. Қадимий давр, XVI асргача.
2. Шаклланиш даври, XVI аср – XVII аср бошлари.
3. Равнақ даври, XVII–XVIII асрлар.
4. Сусайиш даври, XVIII аср охири.

Муаллиф бражда наср масаласини ҳал қилишда бошқа маҳаллий тиллардаги наср ҳақида ҳам маълумот бериш билан бир қаторда браж насрининг ундан кейинги давр тили бўлган кхари болига ҳам браж насрининг таъсири масаласини кўтаради [5] ва кхари боли насри браж насри асосида шаклланган деган хулосага келади. Браж насри бўйича тадқиқот олиб борган кейинги давр изланувчилари ҳам Шивнатх фикрига қўшилган ҳолда бражнинг биринчи насри деб “84 вишнуит ҳаёти” асарини тан оладилар.

Мазкур асарда услуб ва бадиийлик масаласига келсак, уни муаллиф бадиий асар ёзиш мақсадида эмас, балки диний-фалсафий ғоялар тарғиботи йўлида яратган бўлиб, унда услуб ёки бадиийлик масаласи турмаган. Гокульнатх юқорида тилга олинган “вачанамрит”ларни тўплаб “варта” жанридаги биринчи насрий асарни яратган. Асар дастлаб қўлёзма шаклида бўлган, вақт ўтиши билан нашриётлар шаклланиши билан китоб бир неча бор изоҳлар билан қайта нашр этирилган. Лекин унинг аслияти ўзгартirilмаган. Асар матнида нуқта, вергул ва, умуман, грамматика ва услубиятга оид ҳеч қандай қоида йўқ. Матн ўқилганида мутахассис фақат мазмунга қараб нуқта, вергул ва бошқа тиниш белгиларини қўйиб ўқиши мумкин. Асарнинг ҳажми 300 бетдан ортиқ.

“Варта” сўзининг лексик маъноси “суҳбат”, “сўз” бўлса-да, мазкур асарга нисбатан “хаёт”, яъни маълум бир шахснинг ҳаёти сифатида таржима қилиниши мумкин, чунки асар ўз мазмунига кўра рус адабиётидаги “житие”

жанридаги асарларга тўғри келади. Кейинчалик “Пушти” сектаси вакиллари томонидан “варта” жанрида бир қанча бошқа асарлар яратилди ва секин-аста “варта” браж адабиётидаги авлиё-бхактлар ҳаёти, ва умуман, бхакти ғояларини ўзида акс эттирган насрий жанр сифатида ривожланиб кетган. Шу даврда “варта” жанрида яратилган 40 га яқин асар номини тилга олиш мумкин. Бу борада рус ҳиндшунос олими Н.М. Сазанова - “варта” жаридаги янги бир насрий жанрнинг шаклланиши бхактининг адабиётга олиб кирган янгиликларидан бири дейиш мумкин –деган фикрни билдирган эди [6].

Мазкур мавзу бўйича хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки,

Биринчидан, ўрта асрларда кхари болидаги насрдан аввал XVII асрларга қарашли браж тили насрининг бой мероси бўлган ва у “варта” жанридаги асарлардан ташкил топган. Демак, бугунги кундаги ҳиндий тили насри ўрта аср браж тили ва ундан кейин кхари болидаги наср асосида шаклланган дейиш мумкин.

Иккинчидан, браж насрининг шаклланишида, асосан, “Пушти” сектаси ва унинг аъзоларининг фаолияти алоҳида аҳамият касб этган.

Учинчидан, браж насрининг энг биринчи намуналари сифатида “варта” жанридаги “Пушти” сектаси вакили Гокульнатх қаламига мансуб иккита асар “84 вишнуит ҳаёти” ва “252 вишнуит ҳаёти” номли асарлар тан олинади.

Адабиёт:

[1] *Гокульнатх*. Чаураси вейшнаван ки варта (84 вишнуит ҳаёти), Ҳиндистон, Матхура, 1940.

[2] Ўша асар.

[3] *Прасад Джайкишан*. Бражбхаша гадья ка викас (Браджда насрининг шаклланиши), Ҳиндистон, Агра, 1964.

[4] *Шивнатх*. Бразбхаша гадъа (Бразда наср), Ҳиндистон, Дехли, 1991.

[5] Ўша асар.

[6] *Н.М. Сазанова*. Житие поэтов. – В кн.: Вопросы индийской филологии. М., 1974.

ЎРТА АСРЛАР ХИТОЙ НАСРИ: ЖАНР ТАКОМИЛИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

ЖАСУР ЗИЯМУҲАМЕДОВ

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

Хитой насрининг юзага келиши ва тарихий такомилли.

Илк хитой новеллалари.

Илк хитой новеллаларининг ўзига хос белгилари.

Новелла битувчилар ва уларнинг хитой адабиёти тарихидаги ўрни.

Мелоддан олдинги IV–V асрларда хитой ёзма адабиёти шаклланди. Дастлабки фалсафий ва тарихий ёдгорликлар айнан шу вақт билан белгиланади. Бора-бора шартли равишда “қадимги қиссалар” деб аташ мумкин бўлган асарлар пайдо бўлди. Сўнгра Хитойда ўрта асрлар даври бошланади. Олимлар унинг чегарасини мелодий III аср деб кўрсатадилар.

Қадимги қиссалар ўрнига инсоннинг руҳ билан учрашуви тўғрисидаги мифологик ҳикоялар, машҳур кишилар тўғрисидаги тарихий ривоятлар ва латифалар юзага келади. Натижада VII асрга келиб адабий новелла, ғаройиб ҳодисалар ҳақидаги ҳикоялар ва ҳаётий кечинмалар шаклидаги ҳикоялар юзага келади. Таъкидлаш керакки, адабий новелла деб, биз шу даврдаги сўзлашув тилидан кескин ажралиб турадиган *вэньянь* адабий тилида ёзилган новеллаларни тушунамиз.

Мелоднинг учинчи асрини олимлар Хитойнинг ўрта асрларга кириб бориш даври, мамлакатнинг IV–V асрларда турк-мўғул қабилаларининг ҳужумидан тортиб то XVIII аср ўртасига келиб Хитойни манжурлар буткул забт этгунига қадар узок ва жуда секин ривожланиши даври деб аташади. Босқинчилар мамлакатни гоҳ қисман, гоҳ бутунлай бостириб олар, талончилик қилиб, обод шаҳарларни барбод қилар, одамларни қулчиликка олиб кетар, итоат қилмаганларни қатл қилар эди. Улар ҳеч қачон хитойликларнинг маънавий маданияти ривожланишига тўсқинлик қила олмадилар. Кўпинча акси юз берарди – босқинчиларнинг ўзи ҳам шу маданият руҳига берилиб, секин-аста хитойлашиб борар ва бир-икки юз йилдан кейин унинг маданий муҳитида деярли изсиз сингиб кетади. Шу тариқа қидан, журжен, тангут қабилалари ва, ниҳоят, ҳозирги кунда Шимолий ва Ғарбий Хитойнинг энг узок бурчакларидагина сақланиб қолган манжурлар ҳам ёйилиб кетган.

III–VI асрларни шартли равишда Хитойнинг ўрта асрлар даври деб аташ мумкин. Бу давр ўзаро урушлар даври бўлиб, минг-минглаб одамлар қирилиб кетди. Узок урушлар давридаги инсоннинг ҳолати, сулолаларнинг барбод бўлиши ва қўшни халқларнинг бостириб кириши сабаб турли таълимотлар тарқалди. Жоҳиллик ва битмас ғалаёнлар дунёсидан қочиш орзулари маъбудларнинг осмонга юксалиши, даҳоларнинг боқий бўлиши, роҳиб ва тарки дунё қилганлар кароматлари ҳақидаги даосизм афсоналари, Хитойга мелодий биринчи асрларда Ҳиндистондан, Ўрта ва Марказий Осиё дин трағиботчилари томонидан келтирилган буддавийлик таъсирида хитойликларда айнан шу вақтда аниқ тасаввури шаклланган охиратдаги зимистон ҳақидаги ҳикояларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Буддавийликни тарғиб қилиш билан ўша вақтларда кенг тарқалган аввалги ҳаётдаги

билимлар ҳам боғлиқ бўлган. Осмон иродаси билан келтириладиган табиий офатлар тўғрисидаги қадимги хитой тасаввурлари шу вақтдаги фольклорда буддавий карма ғоялари билан қоришиб кетади. Одамлар диққатини барча ғайри оддий ва ғаройиб нарсалар ўзига торта бошлайди.

Милоднинг III асридан бошлаб мўъжизалар тўғрисидаги кўпгина тўпламлар бирин-кетин тузила бошлайди (ҳозирда уларнинг қирққа яқини маълум) [1]. Шундай қилиб, секин-аста ҳикоя жанрининг, минг йилдан кейин – XVI асрда “чжигуай сяошо” – “мўъжизалар ҳақидаги ҳикоялар” деб номланадиган махсус тури юзага келади. Бироқ у пайтларда бу тўпламларни тузувчи муаллифлар мутлақо адабий мақсадларни эмас, балки манфаатли мақсадларни: тўпланган мисоллар ёрдамида инсу жинсларга, вафот этганларнинг беором руҳи – гуйга, даосизм авлиёлари – шэньсянларга ёки Будда ва унинг сафдошлари таълимотининг куч-қудратига бўлган ишончни мустаҳкамлашни кўзлаганлар.

Биринчи тўпламларнинг муаллифлари асосан даосизм таълимоти издошлари бўлган, улар ўқувчида ўзида коҳинлар, афсунгар ва кимёгарларни мужассам қилган даосизм роҳибларининг куч-қудратига бўлган ишончини мустаҳкамлашга интилганлар. Бироқ вақт ўтиб, айниқса V аср ўрталаридан бошлаб мўъжизалар тўғрисидаги ҳикоялар тўпламларида буддавийлик ғояларининг таъсири кучайиб борди. Ўша вақтларда кенг тарқалган гуноҳлар жазоси ва қайта туғилиш ҳақидаги ғоялар ғаройиб ҳикоятларнинг асосий мавзуини шакллантирувчи ўзига хос омил бўлиб қолади. Бироқ барча муаллифлар ўз олдига ёрқин ва қизиқарли мисоллар тариқасида даосизм ёки буддавийлик ғояларининг тўғрилигини тасдиқлаш мақсадини қўйган деган фикрга бориш нотўғри, албатта. Улар орасида диний қарашларнинг нотўғрилигини

исботлаб берувчи ўз мисоллар тўпламларини тузувчи рационалист-конфуцианлар ҳам бўлган. VI асрда рассом Дай Куй ажр таълимотини рад этувчи бутун бир мисоллар китобини тузган. У кишилар қилган яхшиликлари учун ҳеч қандай мукофот олмаганлари, ёмонлик қилганлар эса ҳеч қандай жазога маҳкум қилинмаганлигини кўрсатувчи ҳикояларни тўплаган. Конфуцийнинг ҳақиқий издошлари руҳлар ва мўъжизалар тўғрисида гапиришдан бош тортган Конфуций сўзларини ҳар доим яхши ёдда тутганлар. Бироқ бу даврларда қадимги донишманднинг васияти очикдан-очик “бузилган”, чунки кунфуциан руҳда таълим олган (қадимги Хитойда бошқача таълимнинг ўзи бўлмаган) адабиётчиларнинг кўпчилиги бир-биридан қолишмай, руҳлар тўғрисидаги ҳикоятлар куруқ уйдирма эмаслигини исботлашга ҳаракат қилган.

VI аср бошида яшаган Цзинь салтанати тарихшуноси Гань Бао ўзи тузган “Руҳларни излаш тўғрисидаги хотиралар” деб номланган тўпламига ёзган сўзбошида “аввал ёзилганларнинг ўзигина руҳларнинг мавжудлиги ҳақиқат эканлигини исботлаш учун етарли далил” эканлигини айтади [2]. Аввал ёзилганлар тўғрисида у ўзининг мўъжизалар ҳақидаги китобида келтирилган ҳикояларнинг аксарияти аввалги адабиёт намуналаридан эканлигини айтиб ўтади.

Бундай ҳикояларнинг ўзига хос хусусияти бу муаллифларнинг бутун эътиборни қаҳрамон билан содир бўлган *битта* ғаройиб ҳодисага боғлашидир. Одатга кўра қаҳрамоннинг келиб чиқиши, унинг мавқеи ёки у билан аввал ёки кейин содир бўлган ҳодисалар тасвирланмайди. Бундай ҳикояларнинг ўша даврдаги адабиётда машҳур бўлган ва қаҳрамоннинг туғилишидан тортиб то ўлимигача бўлган кечинмалари тўғрисидаги ҳикоялардан ажралиб туриши айнан шундан иборат. III–VI асрларнинг қисқа ҳикояларида баён этиш элементлари секин-аста тўпланиб

боради ва ривожланади. Бу ҳикоялар бадиий ҳикоялашдан анча узоқ бўлса-да, улар ўзлари билан Хитойдаги ҳикоя насрининг бошланишига асос солди.

Бу насрий улуб Тан (618–910 йй.) сулоласи даврида бевосита ўз ривожини топган. Бу даврда ягона салтанат остида бирлашган Хитой маълум вақтга қудратли ва фаровон салтанатга айланган эди. Аввалги асрларга кўра кўпроқ расмий амалдорлик мансабига топшириш учун керак бўлган давлат имтиҳонларга интилиш кенг тарқалган. Имтиҳон топширувчилар сони қарийб олтмиш минг кишига етган. Айнан шу даврда (VIII а.) сарой қошида – Ханьлинъ академияси – “Мўйқалам ўрмони” номи билан аталувчи ўзига хос академия пайдо бўлади. Тарихшунослик ва кутубхона иши ривожланиб боради, император кутубхоналари қадимги қўлёзмалар билан тўлдирилади. Улар эвазига жуда катта мукофот бериларди. Пул мукофоти эмас, балки жуда қимматбаҳо шойи матолар берилган. Ибодатхоналарда ҳам катта кутубхоналар мавжуд бўлган. Улардан бири 1900 йилда шимоли-ғарбий вилоятнинг Дуньхуан шаҳрида топилган (у XI асрда суваб ташланган) бўлиб, унда қирқ мингдан ортиқ хитой, санскрит, тибет, туркий, суғдий ва бошқа Марказий Осиё халқларидан қолган қўлёзмалар сақланган. Дуньхуандаги кўп тиллик топилма тасодифий бўлмаган. Тан сулоласи давридаги Хитой Узоқ Шарқ, Марказий, Жанубий ва Ғарбий Осиёнинг кўпгина мамлакатлари билан фаол иқтисодий ва маданий алоқалар боғлаган. Тошкент, Самарқанд, Бухородан юзлаб санъаткорлар – хонанда ва раққосалар Чанъан – Тан сулоласи давридаги Хитой пойтахтида ўз маҳоратларини кўрсатган. Бу ҳақда биз ўша даврда яшаган кишилар хотираларидангина эмас, балки ўша вақтнинг кўпгина йирик хитой шоирларининг завқ тўла шеърларидан ҳам билишимиз мумкин.

X–XII асрларда ҳам адабий новелла ривожланди. Сарой хонимлари тўғрисидаги асарлар юзага келди – Тан императори Сюань-цзун маъшукаси машҳур соҳибжамол Ян Гуй-фэй ҳақида, хань шоҳи Чэн-дининг “Учар қалдирғоч” номи билан машҳур бўлган гўзалга бўлган муҳаббати тўғрисида новеллалар тўпламлари пайдо бўлади. Улардан бири – “Саройнинг яшил дарвозаси олдидаги чуқур мулоҳаза” (“Цинсо гаоин”) Лю-фу томонидан XI аср охири – XII аср бошларида тузилган. Тўпламга кирувчи асарларда тан новеллалар таъсири ва оғзаки бахшичилик таъсири кузатилади. Новеллаларнинг кўпи сарлавҳага ҳамда аввал кузатилмаган ва узундан узоқ сарлавҳага эга бўлган. Масалан, “Чэнь Шу-вэнь” ҳикояси: “Чэнь Шу-вэнь Лань-иньни туртиб юборади ва у сувга тушади” деган кичик сарлавҳага эга. Бундай турдаги кўшимча сарлавҳалар айнан нақллар (ёки драматик сахналар) номини эслатади. Матннинг қисқалиги эса Лю Фунинг ўзи халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзма асар шаклига ўгириб бермаганмикин, деган фикрни туғдиради.

Хитой мумтоз насрини фақатгина баёнчилик насри деб тасаввур қилиш нотўғри. Ундан ташқари сюжетсиз наср ҳам мавжуд бўлган [3]. Айтиш керакки, насрнинг айнан шу тури расмий эътиборга сазовор бўлган, унга танқидчилар кизикар, мактаб ва ўқув юртларида ўрганилар эди. Бу баланд ва нафис наср кўп жиҳатдан функционал аҳамиятга ҳам эга эди. У амалий аҳамиятга ёки урф-одатга тааллуқли бўлган. Булар тахт учун маълумотлар, қурбонлик маърузалари, подшоҳнинг халққа қилган мурожаатлари, айрим ҳодисалар тўғрисидаги ёзувлар, машҳур кишиларнинг ҳаётини кечинмалари ва ўрта асрдаги давлат маросимларини таъминлаб берувчи насрнинг ўнлаб бошқа турларидан иборат эди. Шунини айтиш лозимки, уларнинг ҳаммаси нафис ва ўта архаик усулда ёзилган. Бироқ шу билан бирга айнан шу турдаги жанрларда кўпинча янги

ижтимоий ғоялар ифодаланар, амалдорларга нисбатан танқидлар айтилар, зулмат ва тенгсизликка қарши эътирозлар билдирилар эди. Биз ушбу мақола учун энг машхур бўлган ёзувчилар: Тан даврида ижод қилган Хань Юй ва Лю Цзун-юань, Сун даврида яшаган Оуян Сю ва Су Ши ҳамда кейинги даврда ижод қилган бир неча муаллиф каламига мансуб бўлган наср намуналари устида сўз юритдик. Бу муаллифларнинг барчаси ўзининг жамиятдаги ўрни, амалдорнинг давлатпаноҳ ва халқ олдидаги бурчи ҳақида ёзган. Улар кўпинча бемаъни урф-одатлар ва манфаатпарастликни, разиллик ва ёлғонни қоралаган. Улар асарни уз тилидан ёзган, бироқ ҳеч қачон уй ичи, хотин-бола-чақаси, ўзигагина тегишли сирлар тўғрисида сўз очмаган. Хитой адабиётида деярли илк бор ўзи ҳақида содда ва муболағасиз XVIII асрнинг охирида яшаган рассом Шэнь Фу сўзлаб берган. У ўзининг “Тез оқар умр ҳақида олти ёзув”ида ўзининг эрта вафот этган рафиқасига бўлган меҳрга тўла муҳаббати ҳақида (“Мусибат ва ғам-ғуссалар” бобида), кўшиқчи аёлларга бўлган хушторлиги ҳақида (“Саёҳат қувончи” бобида) ва Хитойнинг энг гўзал жойлари бўйлаб қилган саёҳати тўғрисида ёзган. Унинг “Ёзувлари” 1877 йилда, вафот этганидан етмиш йилдан кейин эски китоблар орасида топилган бўлиб, адабиётшунос Ян Инъ-чуань томонидан чоп этирилган. Улар хитой насри тарихида инсоннинг ўта чуқур кечинмаларини янгича тасвирлашга ўтиш босқичидаги энг ноёб омил бўлиб қолади.

Адабиёт:

[1] Қаранг: *Н.Т. Федоренко*. Китайская литература. М., 1956; Современная китайская проза. М., 1988; *М.Е. Кравцова*. Поэзия вечного просветления. Санкт-Петербург, 2001; *И.А. Алимов, Е.А. Серебряков*. Вслед за кистью. Санкт-Петербург, 2004; *М.Е. Кравцова*. Хрестоматия по литературе Китая. Санкт-

Питербург. 2004; Классическая проза дальнего востока. М., 1975; В.М. Алексеев. Труды по китайской литературе. М., 2002; Zhongguo Wenxue (хитой тилида). Пекин, 2002.

[2] Гань Бао. Записки о поясах духов. 1994. С. 104–118.

[3] В.М. Алексеев. Труды по китайской литературе. М., 2002. С. 86.

“ДЕВОНИ ФОНИЙ”ДА ҚЎЛЛАНИЛГАН РИНД СЎЗИНИНГ МАЪНОЛАР ТИЗИМИ

САРВИНОЗ СОТИБОЛДИЕВА

Эътибор қаратилаётган масалалар:

“Девони Фоний”да тасаввуфий оҳанглар.

Фоний ижодида рамзлар кўлами.

Фоний наздида ринд ва унинг хислатлари.

“Девони Фоний” Мир Алишер Навоийнинг форсий лирикасининг мажмуидир. Девоннинг каттагина қисмини шоирнинг Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Шайх Саъдий, Камол Хўжандий, Мир Сухайлий, Мавлоно Шоҳобий, Соҳиби Балхий, Мавлоно Кўхий, Мир Вафой, Хожа Салмон каби Эроннинг буюк ғазалнависларига ёзган татаббуълари ва улар билан бир каторда шоирнинг оригинал форсий ғазаллари (мухтареълари) ўрин олган.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, Навоийнинг айнан форсий тилда ёзилган ғазалларида тасаввуфий оҳанглар нисбатан кучли намоён бўлади. Зеро, илм аҳлига Навоийнинг кичик ёшдалигидаёқ Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонини ёддан билгани, ғазал борасида уч киши (Амир Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Саъдий)ни ўзига устоз деб билиши яхши маълум. Бу улуғ шоирлар ижодида тасаввуф ғояларининг етакчи

ўрин эгаллаши, табиийки Навоий ғазалларида ҳам ушбу ғоянинг салмоқли ўрин олишига туртки бўлган.

Алишер Навоий аввал ўтган буюк шоирларга ҳурмат-эҳтиромини сақлаш билан бирга ўзига пир ва устоз бўлган Абдурахмон Жомийнинг форсий тилдаги шеъриятидан, ижод мактабидан энг кўп баҳра олган. Шарқ фалсафаси ва тасаввуфига оид энг гўзал, дурдона асарларни шоирга мана шу устози шарҳлаб, узлуксиз таълим берган эди. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида устози Жомийга буюк меҳр-муҳаббатини бундай ифодалайди: “Яна бу фақирнинг пири ва устози ва тариқат аҳлининг соҳиби иршоди, жамъи аҳлуллоҳнинг муктадо ва шайхул-исломи ҳазрати Маҳдумий Нурул-миллати вад-дин Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг руҳпарвар латойифи ва руҳ густар заройификим, андин ҳар ғазал “кал-вахйил-мунзал” ва ҳар рисола “кал-аҳодисин-набийи мурсал” олий шон ва рафъе (юксак) макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барқ кирдорроқ [1].

Устози Жомий ҳузурида тасаввуф илмидан қандай сабоқ олганлигини хотирлаб, Навоий бундай ёзади: “...ул шариф китобни (Фаҳриддин Ироқийнинг “Ламаот” (“Шуълалар”) китобини) фақирга сабақ айтурга муртакиб бўлдилар, ҳар кун ҳар сабақда хушхол бўлиб таъриф қилурлар эрди... Бир неча сабақдин сўнгра сўз мушкулроқ бўлиб, шуруҳга эҳтиёж изҳори қилдилар ва шайх Ёрали шарҳин ва яна баъзи шуруҳни муборак назарлариға кўюб, ул сабақни айтурлар эрди, то улким, кўп мавозияда шориҳларга таън қила бошладиларким, “бу сўзнинг ва ул сўзнинг ҳамоноки, маънисига етмай шарҳ битибтурлар [2]. Бундай ҳолатда Навоий устозига “Бундай нафис китобдин фақир баҳра топай деса, шарҳ бу шарҳлар бўлса, оё не чора қилғай? Магар ҳам Ҳазрати Маҳдум шавқат юзидин толибларға бу мушкулни осон қилғайлар”, деб илтимос

қилади. Шундан сўнг Жомий Фахриддин Ироқий китобини шарҳловчи “Ашиъат ул-ламаот” (“Шуълаларнинг ярқираши”) китобини ёзиб, тасаввуф илмини ўрганувчиларга ёрдам беради. Навоий “Ламаот” асарини ўқиш давомида Жомийнинг “Ашиъат ул-ламаот” асаридаги шарҳларга мурожаат қилади .

Бу воқеадан шу англашиладики, Навоий замонида форсий адабиётда тасаввуфий ғояларнинг ривожланиши жараёнида араб тилидаги илмий-назарий, фалсафий асарларнинг ўрганилиши ижобий таъсир кўрсатган. Навоий ва Жомий араб тилини яхши билганлар ва бу ўринда мушкуллик туғилиши тил сабабли эмас, балки қийин тасаввуфий тушунчаларнинг маъноларини очишда эди. Тасаввуф олимларига маълумки, бу соҳада қалам тебратган устозларнинг асарларининг сирли маъноларини фақат шу сирли оламга кирганларгина тушуна олганлар.

Тасаввуфий адабиётда рамзий образлар микдори деярли кўп эмас ва булар барча сўфий шоирлар учун муштаракдир. Е.Э. Бертельс таъкидлаганидек, бу “камчилик” ушбу шоирларнинг сўз бойлиги, образлар системаси “камбағал”, доираси тор деган маънони англатмайди. Сўфиёна шеъриятда образлар икки олам ва у ҳақидаги ғояларнинг тимсоллари, рамзларидир. Шоирнинг маҳорати бу образларни турли-туман муносабатда кўрсатиш орқали ўз дунёқарашининг моҳиятини чуқурроқ очиб бериш [3].

Фонийда уларнинг қўлами қуйидагича: кўз, шам, лаб, зуннор, зулф, тарсо, хатт, жом, пиёла, маъшуқа, ошиқ, пир, харобат, соқий, бут, ринд, хол, хонақоҳ, май, юз. Шулар орасида *ошиқ, маъшуқа, май, пир, ринд, соқий, жом* (пиёла, соғар) энг сермахсул қўлланилган.

Қуйида биз “ринд” ва “май” рамзларининг маъно қатламларига тўхталмоқчимиз. Бу иккала рамз аксарият ҳолларда бир контекстда қўлланилади.

Шаҳ ар дихад силаи шеър мулки Жамшидам,
Зи баҳри мажлиси риндон кунам баҳои шароб.

Яъни:

Шоҳ менинг шеърим учун Жамшид мулкини ҳадя қилса,

Мен уни риндлар мажлисида ичилган шароб учун тўлайман [4].

Ёки:

Арш парвозанд риндони ҳумоюнфар, зи ишқ,

Шайх дар хилват фуру рафте чу мурғи хонегист.

Яъни: Муборак қанотли риндлар ишқ туфайли аршга учадилар, хилватда ўтирган шайхлар эса уй товуғидир [5].

Фоний ғазалларини кўздан кечирар эканмиз, аксарият ғазалларда шоирнинг ринд ҳақида жўшқин, кўтаринки, унга нисбатан интилиш ва иштиёқ билан куйлаганининг гувоҳи бўламиз.

“Риндлик ва май” мотивлари билан йўғрилган ашъорлар битиш шеърият дунёсининг “Одам Ато”си Рудакий замонидан мерос бўлиб, Хожа Ҳофиз ижодида энг юқори чўққисига кўтарилган эди. Бежиз бу улуғ санъаткорни “Ринде Шероз” деб аташмаган. Фоний наздидаги *ринд* – аввало, ошиқ. Чунки дили хуноб, тани номуродликда куйган, кўз ёшлари қондек селоб, ғамгин дунёда хафсаласи пир бўлган ошиқ ўз машаққатларининг чорасини топишга уринади ва нажотни майдан, маърифатдан топади.

“Ринд” ва “май” ни турлича талқин этиш мавжуд. Маълумки, исломда “май” ва умуман маст қилувчи ичимликлар ичиш қатъиян тақиқланган. Фоний фалсафасини англаб етмаган киши, мўмин мусулмонликни ҳадди аълосида бажо келтирган бу улуғ шоир ғазалларидаги майни улуғловчи, риндликни тарғиб этувчи хитобларини умуман нотўғри тушуниши мумкин. Бу образларни биринчи марта Бобо Кўҳий риндлар деб атаган

эди ва “Ринд” ўзини тақводор деб атаган зоҳиду шайхларга карама-қарши ўлароқ ҳақиқий сўфий киёфасида гавдалантирилган эди [6]. М.Л. Рейснер таъкидлаганидек: “Ринд - завсегдатай квартала кабачков, возмутитель спокойствия и плут, обладает набором четко выраженных отрицательных характеристик, которые в суфийской газели трактуется как положительные” [7].

Ба жуз номи бутонам бар забон нояд гаҳи мастий,
Хуш он ринде ки, ў аз даври соғар хонд асморо (V. 1. 28)* [8].

Яъни: Мастлигимда тилимга гўзаллардан бошқани номи келмайди, риндга маза, чунки у исмларни пиёла теграсидан ўқийди.

Аз он риндон шумур моро, ке дар мастию шабгардий
Чу мастон аз асас бигризад ар бинад асас моро (V. 1.28.) [9].

Яъни: Бизларни мастлик ва кечаси кўча айланишда шундай риндлардан санагинки, мастлар миршабдан қочгандай, миршаблар бизни кўрса қочадилар.

Агар матндаги мазмун тўғридан-тўғри тушунилса, кўз олдимизга маст қилувчи ичимлик ичган инсон гавдаланади, бироқ тасаввуфий ғазалларда ошиқ ва майпарастларнинг образлари юзаки қарашда одатдаги майпарастлардай кўринади. Аммо ғазал сатрларининг иккинчи маъно қатламига қаралса, тариқат йўлидан бораётган сўфийларнинг киёфалари тушунилади. Қуйидаги ғазал фикримизни яна бир бор исботлайди:

Саҳарда дайр эшиги ғижирлаши “тонг майи вақти бўлди, киргину май ич”, - деган сўзни қулоғимга етказди.

Лекин аввал кўз ёшинг билан тариқат ғуслини қил, кейин садоқату сафо билан фано хирқасини кий.

Сўнгра жононга ҳожат саждасини қил, ундан кейин икки қулоғингни ушлаб, дайр пири олдида ер ўп.

Ҳамма шарт бажо келтирилгандан кейин дайрга бор, у ерда фиғону хурўш қилаётган дурдкашларни кўр.

Бири мохир созанда машқини эшитиб, енг ташлаб, бириси муғбача қўлидан май ичиб, ҳушдан кетмоқда.

Бири дурдкаш ринд жомидан баҳраманд бўлиб, хониш қилмоқда, Бири майхона пири қўлидан май олиб сипқармоқда.

Майпараст риндлар жазаваси бир қўли билан (бир жуфт қадах ичгач), бу дунё-ю охират ҳаёлини сендан олиб кетса, арзийди.

Сен ҳам ташна лабларни бир култум май билан сийла, чунки у қўшдан [10] димоғинг жўшга келди.

Фоний дурдкаш риндларга мункир бўлма, чунки улар ғайб хабарисиз ишқ жомини ичмайдилар (V.1.443).

Ҳазал матнини тушуниш учун аввало қуйидаги сўзларга изоҳ бериш керак бўлади. Ҳазал тематикасини очишда бир-бирига мутаносиб сўзларнинг шарҳи, изоҳи жуда зарурдир. “Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат”да сўзларнинг маъноси қуйидагича изоҳланади:

дайр – бутхона, майхона; дунё

дурдкаш – май қуйқасини (сиркиндисини) ичувчи, кўп ичувчи

пири дайр – майхона бошлиғи

хуруш – кичқириш, хайқириш, фиғон, шовқин, ғавғо

муғбача – май ташувчи

мункир – инкор этувчи, тонувчи; рад этувчи, қабул этмовчи

ринд – нозик табиат, олифта, бепарво, салт-сувой

зикр – сўзлаш, тилга олиш, эслаш, хотирлаш, баён этиш

ғайб – ғойиблик, кўзга кўринмаслик, сир; ҳозир эмаслик.

Аммо тасаввуфда сўз бошқа, маъно бошқа. Тасаввуфий адабиётнинг ўз тушунчалари, тимсоллари мавжуд. Сўфий шоирларнинг маҳоратларидан бири шуки, дунёвий ҳодиса

ва нарсаларни ифодаловчи терминларга ўзгача фалсафий маъно сингдира олганлар.

Келтирилган ғазалда сўфийларнинг “самовъ” йиғини тасвирлаб берилган. Дайр — бу пирнинг ҳузури, мажлиси бўлиб, унда “самовъ” (ар. эшитиш) мажлисларини уюштириш, шеърхонлик, рақс, мусиқа базмлари уюштириш одат бўлган. Бу базмларда ғайб (илоҳиёт) сирлари ҳақида бас-мунозаралар ташкил этилган. “Хусусан, сукура-беҳудлик концепциясини ёқлаган сўфийлар бунга ўч эдилар. Улар: сўфий учун асосий нарса вужуднинг борлигини унутиш, ҳол мақомини эгаллашдир, самовъ шу руҳий ижтиҳод қиёмини кучайтиради, деб ҳисоблайдилар” [11]. Фақат тариқатнинг барча шартларини бажо келтиргандан кейингина (4- байт) пир ҳузури (дайр)га, маърифат олиш учун бор деб шоир бежиз таъкидламаяпти.

Хўш, “дурдкаш ринд” ким? Алишер Навоийнинг ўзидан жавоб қидирамиз. Шоир “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Маҳбубул қулуб” асарларида “ринди бода парастларнинг” ахлоқини баён этиб, уларни Аллоҳ Таолонинг севган бандалари, Ҳақнинг ҳақиқий ошиқлари деб таърифлайди.

“Ринд”лар зоҳиран ўзларини беҳуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлган, дунёнинг тенгсизлигидан, адолатсизликдан зада кишилар алоҳида ажратиб турарди, улар бир-бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун йиғинлар уюштирардилар. Бундай йиғинларда илму-адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгинини қўйиб юбориб куй-қўшиқ, шеърхонлик “базми жамшид”ини тузиш расм бўлган” [12]. Навоий ўсмирлик, ёшлик чоғларидан азиз устози Сайид Ҳасан Ардашер

уйидаги риндларнинг мусика, шеърият базмларига фаол қатнашган.

Фоний ўз-ўзига мурожаат қилиб, ғайб асрорларидан бахраманд бўлишга, ташна лабларини бир қултум май билан сийлашга даъват этипти.

Бунда май – илоҳий файз, Қуръони каримда баён этилган ғайб илмлари, маърифати назарда тутилган.

Ёки яна бир ғазалида:

Соқий, доруи беҳушиям афкан дар май,
Ки набояд ба дилам ҳуш зи дилдор жудо.
Фоний, жоми фано нўш дар ин дайр агар
Беҳудй хоҳи аз он дилбари ҳўммор жудо.

Таржимаси:

Эй соқий, майга мени беҳуш қиладиган доридан сол,
дилдордан жудо бўлган дилимга ақлу ҳушнинг ҳожати
йўқ.

Эй Фоний, бу дунёда беҳудликни истасанг,
у майфуруш дилбар қўлидан фано жомини ич.

Шарқ фалсафасида дил ва ақл зид ҳам, мувофиқ ҳам бўлиши мумкин. Фоний дунёқараши, унга хос бўлган ирфоний оҳанглар унинг оригиналлигини рўёбга чиқаради: Эй Фоний, бу дунёда беҳудликни истасанг, у майфуриш дилбар қўлидан фано жомини ич. “Май”, “майфуруш дилбар”, “соқий”, “фано”, “беҳудлик” буларнинг барчаси ўз луғавий маъносидан ташқари тасаввуфий истилоҳлардир. Май – тасаввуфий талқинда “...маърифат нури, ҳақиқий ишқ шароби. Бу майдан ақл-ҳушини йўқотган одам дунёга энг ҳушёр ва теран нигоҳ билан қаровчи ҳақшуносдир. Навоий таъкидлаётган беҳудлик ақл имтиёзларидан баланд руҳий ҳолатдир”.

Демак, ринд ва май рамзлари луғавий маъноларидан ташқари, аввало фалсафий тимсол сифатида тушунилиши керак.

Татаббуи Хожа (Ҳофиз)дан:

Хубу зиштийи ту вобаста ба раддасту қабул,
Он чу махфист чи донийки, к-эй хубасту, к-эйзишт.
Неку бад нест чу дар касе, бода биёр,
Фоний ар зишт хисол омаду гар хуб сиришт.

Яъни: Сенинг яхши ва ёмонлигинг (Ҳақ даргоҳида) рад этишинг ва қабул қилинишингга боғлиқ. Ким яхши ва ким ёмонлиги махфийдур, уни қайдан биласан, Яхши ёки ёмон бўлиш одамнинг ўз қўлида бўлмаганидан кейин, Фоний ёмон бўлса ҳам, яхши бўлса ҳам, қўявер май келтир...

Мазкур фалсафий ғоя Абу Ханифа-Имоми Аъзам замонидан бери мусулмон ва насроний уламолари ўртасида бахс-мунозарага сабаб бўлиб келади. Муътазила оқими тарафдорлари ва илми калом аҳли Ҳақ таолонинг зотий ва феълий сифатларини кашф этиб, ҳар бир мўминга Ҳақ таоло ақл-идрок, ирода эркинлигини берган, мана шу Ақл ва Ирода (истак) билан яхшилар қаторида юриш ёки ёмонларга қўшилиш - Инсоннинг ўз ихтиёридадир. Ва бу Инсонга тонгла-махшарда сўраладиган жуда азим маъсулиятни юклайди.

Фоний лирик қаҳрамони эса – ошиқ, у ишқ туфайли ақл-идрокдан айрилган мажнундир, ва унинг келгусида Ҳақ даргоҳида қабул ёки рад этилишини ҳеч ким билмайди. Бинобарин, ошиқнинг умиди, унинг висолига интилиш, ҳажр ўтида ўртаниб, жабр-жафолар чекиш – Ҳақнинг карами ва раҳматига умид билан яшашдир.

Фоний ғазалларидаги ринд ва унинг хислатлари, рамзий образ сифатидаги маъно қатламлари ниҳоятда кенг ва хилма хилдир. Битта мақола доирасида булар ҳақида батафсил маълумот бериш имконияти йўқ. Шу сабабли қуйидаги хулосалар Фоний Девонидаги ғазалларда ифодаланган ринд рамзининг маъно хусусиятларига доирдир:

Ринд — қалби илоҳга интилган, ўз ҳатти-ҳаракатлари, оқибатини мушоҳада эта билувчи, яратганга сидқидилдан тавба қилувчи мўмин инсон;

Тили, қўли билан бировга озор бермайдиган, дунёвий ўткинчи ҳою-ҳавасларга берилмайдиган, бевафо даврон аҳлидан дили озор топган, дунёнинг ўткинчи ишларидан ўзини тиядиган тақво эгаси;

Аллоҳнинг улуғворлигига имон келтирган, ўзидан манманлик ва риёликни олиб ташлаган, барча оламу одамни Аллоҳнинг мулки, ижоди деб ҳисоблайдиган камтарин камол эгаси;

Ошиқ Аллоҳнинг сабр этувчи бандаси, фалақдан неки мушқилотлар, балою қазолар етмасин, барига сабр-бардошли бўлган матонат тимсоли;

Фоний дунёда азоб ва ўлимдан эмас, макр ва нафсдан шайтоний васвасалардан кўрқиб яшайдиган имони мустаҳкам солиқ;

Унинг дили васл, Аллоҳ ҳусни жамолига эришиш иштиёқи, умидворлик ҳис-туйғуси билан лиммо-лим тўлган;

Тақдири азалга ва барча яхши-ёмон ҳодисалар Аллоҳнинг иродасидан эканлигига ишонувчи, фақат унгагина суянади, ундангина мадад сўрайди. Инсон нимагаки эришса Аллоҳнинг қудрати билан эканлигига ишонади.

Қалбида Аллоҳнинг исми, ёдидан бошқа барча “қир”лардан тозаланиш ҳиссини туйган, унинг қудратига қалбан иқрор бўлган инсон;

Тўхтовсиз изланиш ва руҳий қийноқлар натижасида комил инсонлик мартабасига эришади.

Адабиёт:

[1] *Алишер Навоий*. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар, 14-том, 121–122- б.

[2] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутахаййирин. Асарлар, 14-том, 46–47- б.

[3] *Е.Э. Бертельс*. Суфизм и суфийская литература. М., 1965. С. 109.

[4] *Алишер Навоий*. Асарлар. 15 томлик. Девони Фоний. 5-том (1,2- китоб). Тошкент, 1965. 104–105- б.

[5] Девони Фоний. Техрон, 1339 (хижрий), 28- б.

[6] *М. Л.Рейснер*. Эволюция классической газели на фарси. С. 62.

[7] *М. Л.Рейснер*. Ўша асар, 62- б.

* Мисоллар Навоий асарлари 15 томлигининг 5- том, 1-2-китобларидан олинди. Қавсда ана шу китоблар саҳифасига ишора этилади.

[8] Ушбу байт девоннинг Техрон нусхаси (5- б.)да тушириб қолдирилган.

[9] Ушбу байтдаги *мастию* сўзи Девоннинг Техрон нусхасида *риндию* тарзида берилган.

[10] Девоннинг Техрон нусхасидаги форсий матнда (116- б.) *доғ* (қуйиш, қайнаш маъносини англатади) сўзи Ҳамид Сулаймон томонидан тайёрланган академик нашр нусхасида (5-том, 1- китоб, 443- б.) “қўш” (?) дея таржима қилинган. Бизнингча, *жўш* (қайнаш) тарзида берилса, аслиятдаги маънога яқин мазмун касб этади.

[11] *Н. Комилов*. Тасаввуф. Тошкент, 1996. 159- б.

[12] *Н. Комилов*. Ўша ерда.

УЧИНЧИ БЎЛИМ. АДАБИЙ МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ ДЕВОНИНING ЎЗР ФА ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

МАҲМУД ҲАСАНИЙ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Ҳофиз девони қўлёзмаларининг тавсифи.

Ҳофиз девонининг энг нодир қўлёзмалари Тошкентда сақланмоқда.

Ҳофиз меросини ўрганувчилар учун очқич.

Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий (вафоти – 792/1390 й.) ўзининг форсий тилда ёзган ажойиб ғазаллари билан асрлардан буён илм аҳлларини лол қолдириб келмоқда. Шарқнинг буюк шоирлари унинг ғазалларини ўқиб завқ олганлар, унга эргашиб ғазаллар битганлар, татаббулар қилганлар. Бунинг исботи учун Алишер Навоийнинг форсий девони, Жомийнинг девонларигагина қарашнинг ўзи кифоя.

Ҳофизнинг девони қайта-қайта кўчирилган ва қўлдан-қўлга ўтиб юрган. ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида Ҳофиз девонининг 91 та қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Улардан энг қадимийси Зайнуддин ибн Абдулло Ироқий томонидан 856/1452 йили кўчирилган ва 2286/II рақами остида сақланаётган нусхадир. Бу нусха шоир вафотидан 62 йил ўтгандан сўнг кўчирилган. Эҳимол, у ҳозирча дунёдаги энг қадимий нусха бўлиши мумкин. Бу нусхадаги Ҳофиз ғазаллари “Девони Қосим”нинг ҳошиясига ёзилган.

Кўчирилиши жиҳатидан бошқа қадимий нусхаларидан яна бири Муҳаммад Боқир ибн Ҳожи Муҳаммад томонидан 981/1573 йилда кўчирилган 10352 рақамли нусхадир. Халил ибн Дарвиш Муҳаммад ал-Жомий томонидан 985/1577 йилда кўчирилган 730 рақамли нусха ҳам диққатга сазовор бўлиб, чиройли лавҳалар билан безатилган [1]. 142/I ҳамда 232/IV рақамли қўлёзмаларни ҳам шундай қадимий нусхаларнинг қаторига киритиш мумкин [2]. Хазинадаги 9738/II нусхаси 1076/1665 йили, 9089 рақамлиси эса Ҳикматий номли котиб томонидан 1069/1659 йили кўчирилган ва лавҳалар билан зийнат берилган. Қолган нусхалар XVIII, XIX асрларда китобат қилинган.

Кўчирилиши жиҳатидан унчалик қадимий бўлмаса-да, бироқ бадиий безаклари билан диққатга сазовор бўлган қатор қўлёзма нусхаларни ҳам кўрсатиш мумкин. Масалан, 11667 рақамли нусхада 28 та миниатюра мавжуд. 350 рақамли қўлёзма эса 18 та миниатюра билан безатилган, унвон ишланган, муқоваси ҳам бадиий безакларга эга [3]. 1420 рақамли қўлёзмада 18 та, 10042 рақамлисида эса бир қатор миниатюралар мавжуд. Афсуски бу миниатюралар ким томонидан чизилгани номаълум.

Қўлёзмалардан 7078, 7263/III, 4651, 5086/I, 142/I, 730, 802, 8310, 1251, 1420, 6824, 2608/I, 9089 рақамлилари эса чиройли лавҳаларга ва ажойиб нақшларга эга.

Ўзбекистон ҳудудида Ҳофизнинг ғазалларидан ташқари унинг рубойларига ҳам қизиқиш катта бўлганини кўриш мумкин. Хоразмлик машҳур Худойберган девон томонидан Ҳофиз рубойлари уч марта кўчирилган бўлиб, 1135/X, 1136/III ва 7139 рақамли қўлёзмаларда сақланмоқда [4]. Муҳаммад Раҳимхони соний томонидан 1899 йилда кўчирилганлари эса 3869/III рақами остида сақланмоқда.

Ҳофизнинг ҳар хил номлар билан кўчирилган асарларини ҳам кўриш мумкин. Масалан, *соқийнома* (12439/IV), *қасоийд* (6208), *интиҳоб* (232/IV), *рубойийёт* (1136/III), *муҳаммасот*, *муғаннийнома* (237/V) кабилар. 1344/ XVII рақамли қўлёзмада Ҳофиз девонидаги биринчи ғазал шарҳи берилган. У “Шарҳи ғазали аввали девони Ҳофиз» деб аталади. Бу қўлёзма XIX асрга мансуб бўлиб, саккиз варақни ташкил этади [5]. Бундан ташқари, 176 рақам билан сақланаётган нусха “Тахмиси девони Ҳофиз” деб аталади. Унинг муаллифи Носир Али Сирҳиндий (вафоти - 1108/1697). Бу муҳаммаслар девони 1124/1712 йилда кўчирилган. Котиби – Раҳим Боқий Ёрқандий. 166 варақдан иборат [6].

Қўлёзмалар фондида фахрланиб тилга олса арзийдиган яна бир қўлёзма бўлиб, у Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Хамса”сидир. 2179 рақами остида сақланаётган бу “Хамса”нинг учта достони, яъни “Хусрав ва Ширин”, “Искандарнома”, “Ҳашт биҳишт” Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирилган [7]. “Хамса” 756/1355 йили, яъни Ҳофиз вафотидан 36 йил аввал кўчирилган. Ҳофиз дostonларнинг охирига ўз номини *Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-мулаққаб би-Шамс ал-Ҳофиз*, иккинчисида *би-Шамс ал- Ҳофиз аш-Шерозий* деб ёзади.

Биз бу мақолада қўлёзмалар хазинасининг асосий фондидаги нусхалар ҳақида фикр юритдик, холос. Хазинадаги “Дублет фонди”да, “С” ҳарфи билан белгиланган фондда, Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар мажмуасида Ҳофиз девонининг кўплаб нусхалари сақланмоқда. Агар улар каталог шаклида тавсиф қилинса, алоҳида китобни ташкил этади ва бу келажакда қилиниши зарур бўлган муҳим ишлардан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Ҳофиз асарларининг қўлёзма нусхаларининг

кўплиги ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Ҳофиз ижодига кизиқиш катта бўлганини кўрсатиб турибди.

Биз Шарқшунослик институтининг асосий фондида сақланаётган Ҳофиз асарларининг ашё рақамлари, кўчирилган йили, котиблари, варақлари сони, сақланиш ҳолати бўйича жадвалини тузиб чиқдик. Бу жадвал куйида келтирилмоқда. Жадвал келажакда тузиладиган Ҳофиз асарларининг тавсиф каталогига асос бўлади, деган умиддамиз.

№	Ашё рақами	Кўчирилган йили	Котиби	Варағи	Изоҳ
1	2	3	4	5	6
1	11343/2	-	Мулла Олим Хўқандий	283	
2	11625	-	-	81	Сув теккан
3	11667	-	-	151	28 та миниатюра
4	11177	1241/1825	Аваз Бокий	223	
5	10769	1302/1884	-	148	
6	10713	-	-	156	
7	10688	-	-	156	
8	12838	-	-	141	Охири йўқ
9	12807	-	-	167	Охири йўқ
10	12800	1214/1799	-	234	
11	12783	-	Мулла Рўзи Муаммад Окмасжидий	105	
12	12782	1300/1882	-	127	
13	12739/IV	-	-	3	Соқийнома
14	12752/У	-	-	29	

	1				
15	12721	-	-	114	
16	12721	1308/1890	-	132	
17	12614	-	-	203	
18	12577	1213/1798	-	83	
19	7072	1247/1831	-	169	
20	7024	-	-	234	
21	7078	1296/1879	-	141	Лавҳали
22	7101	1326/1908	-	195	
23	7139	1318/1900	Мулла Худойберган	216	
24	7233	1239/1824	-	134	Таржима и муродот и Девони Ҳофиз
25	7263/Ш	1262/1845	-	4 вар.	Лавҳа ли
26	2236/1У	-	Фаришта	43	
27	2286/П	856/1452	Зайниддин ибн Абдулло Ирокий	144	Девони Қосим хошияси да
28	4651	-	-	266	Лавҳа ли
29	6208	-	-	232	
30	6487	1256/1840	-	189	
31	9568	1303/1885	-	119	
32	9738/П	1076/1665	-	13	
33	9778	-	-	261	
34	5066	-	-	159	
35	5086/1	1194/1780	Муҳаммад Қосим	221	Лавҳа ли
36	232/1У	-	-	63	
37	237/У	-	-	26	Ғазалиёт

					и Ҳофиз
38	350	-	-	241	23 та миниатю ра бор, нақшли, муқовас и ҳам нақшли
39	802	752/1352	-	236	Боши- охири лавҳали. Умар Хайём рубойил ари бор.
40	8187	-	-	168	
41	1034	1320/1902	Эшжон	190	
42	142/1	-	-	220	Нақш ли, лавҳали
43	572/ХШ	-	-	16	Девон дан парча
44	730	980/1572	Халил ибн Дарвиш Муҳаммад Жомий	153	Лавҳа ли
45	683	-	-	48	
46	673	-	-	195	
47	8013	1192/1778	Поянда Боқий ибн Муҳаммад Раҳим	178	
48	8310	-	-	217	Лавҳа ли
49	1251	-	-	288	Лавҳа ли

50	1420	-	-	296	Лавҳа ли зийнатл и, 18 жойда расм бор.
51	1567/Ш	1255/1840	Охунд Бобо	194	
52	1688	-	-	192	Сукут ли
53	1695	-	-	185	
54	711/1	-	-	40	
55	1728	-	-	120	
56	1776	-	-	273	
57	179	-	-	151	
58	1781/1	-	-	176	
59	1972	1291/1874	Мулла Муҳаммад Карим	234	
60	3565	-	-	156	
61	3685	-	-	235	
62	3815	-	-	98	Боши йўк
63	3838	-	-	302	Сукут ли
64	3933	1296/1879	Одина Муҳаммад	249	
65	8962/Ш	-	-	31	Сукут ли
66	9305	1256/1840	Муҳаммад Мусо	121	
1	2	3	4	5	6
67	9308	-	-	219	
68	6858	1293/1876	-	114	
69	11434	1289/1872	Абдулвоҳид ибн Мулла	253	

			Абдулғаффор		
70	11381	1270/1853	-	203	
71	11511	1266/1849	-	189	
72	9988	-	-	174	
73	9929	1305/1887	-	204	
74	9904	-	-	160	
75	10352	981/1573	Муҳаммад Боқир ибн Ҳожи Муҳаммад	164	
76	10343	1234/1818	Муҳаммад Раҳим ибн Муҳаммад Бухорий	144	
77	6824	-	-	176	Лавҳа ли
78	6974	1225/1810	-	196	Мини атю- рали
79	10042	1194/1780	-	294	
80	9821	1248/1832	-	144	
81	6955	-	-	140	
82	7802	-	-	186	
83	8702	1213/1798	-	175	
84	1136/Ш	1317/1899	Худойберган Девон	20	Рубои йёти Ҳофиз
85	1135/Х	1318/1900	Худойберган Девон	19	Рубои йёти Ҳофиз хошияда
86	1137/Ш	1318/1900	Муҳаммад Расул Мирзо	72	
87	3869/Ш	1317/1899	Муҳаммад Раҳимхон	18	

			Соний		
88	1137/П	1318/1900	Мулла Хўжа Ниёз	74	Лавҳа ли
89	2608/1	-	-	57	
90	5860	-	-	22	Фарҳа нг дар баёни истилоҳ оти сўфия
91	9089	1069/1659	Ҳикматий	240	Лавҳа ли

Адабиёт:

[1] Собрание восточных рукописей АН РУз (СВР), т.9, №. 6115.

[2] СВР, т. 2, №.1086, 1090.

[3] СВР, т.2, №1088.

[4] СВР, т.2, №. 1011.

[5] СВР, т.2, № 1091.

[6] СВР, т.2, №. 1092.

[7] Қаранг: М. Ҳасаний. Ҳофиз кўли билан кўчирилган “Ҳамса”. // “Сино” журналы, 2001, №3. 17- б.

МАВЛОНО ЛУТФИЙНИНГ УЙҒУР ЁЗУВИДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАРИ

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Мавлоно Лутфий ўз асарларини қандай ёзувда битган?

Лутфий девонининг илк нусхаси уйғур хатида эди.

Лутфийнинг уйғур ёзувида битилган шеърлари девоннинг араб ёзуви эмас, балки уйғур ёзуви қўлёзмаларидан олинган.

Лутфий, Навоий тахаллуслари уйғур ёзувли матнларда қандай ёзилган ва биз уни қандай ўқисак тўғри бўлади.

Шоирнинг уйғур хатида етиб келган шеърятти.

Уйғур ёзувида битилган шеърларнинг девондаги шеърлар билан қиёсий таҳлили.

Манбалар очиқламаси

Мавлоно Лутфийнинг қадимги туркий-уйғур хатида битилган ўн учта ғазали маълум (уларнинг орасида бир шеър икки қўлёзмага киритилган, ўшани ҳам қўшсак, сони ўн тўртта бўлади). Ушбу шеърлар шоирнинг девонида ҳам бор. Бироқ, уйғур ёзувидагилари шуниси билан қадрлики, улар кунимизга қадар сақланган девон қўлёзмаларидан бурунроқ, ҳатто, айримлари шоирнинг тириклиги чоғида кўчирилган. Мансур бахши тузган мажмуага киритилган шеърларни бунга ўрнак қилиб келтирса бўлади. Мажмуа 1432 йили Язд шаҳрида битилган. Ушбу шеърларни Лутфийнинг ўзи кўриб ўқиб чиққан, улар шоирнинг розилиги билан тўпламга киритилган бўлуви мумкин. Етиб келган девон қўлёзмаларининг энг эскиси эса 15- аср охири – 16- асрнинг бошларига тегишли [1].

Яна бир белгиси, уйғур ёзувидаги шеърлар билан девонга киритилган шеърларнинг матний жиҳатдан фарқи катта; уйғур ёзувидагилари, ҳатто кейинги кезларда кўчирилганлари ҳам, эскироқ нусхадан олинганлиги билиниб туради.

Бизнингча, шоирнинг ўз қўли билан тузган девони уйғур хатида эди. Чунки Лутфий ва тенгқурларининг саводи ана шу ёзувда чиққан, улар ўз асарларини уйғур хатида битган. Бахшилар шунга таяниб, девоннинг илк қўлёзмаларини уйғур хатида кўчирганлар. Шоирнинг турли мажмуалар таркибида етиб келган уйғур ёзувли шеърлари ҳам ана ўшалардан олинган. Кейинчалик, замона зайли билан, котиблар уйғур ёзувли девонни араб хатига

ўгириб чиққанлар. Кейинги нусхалар оммалашиб кетгач, илкин – уйғур ёзувидаги қўлёзмалар унутила бошлаган. Илк нусхаларнинг йўқолиб кетишига шулар сабаб.

Лутфий девонининг биз уйғур ёзувида битилган дея чамалаётган илк ёки ундан кўчирилган уйғур ёзувли бошқа бир қўлёзмаси сақланган эмас, бор бўлса ҳам фанга номаълум. Лекин уйғур ёзувли девондан олинган шеърлари турли даврларда тузилган мажмуалар таркибида ва ёлғиз варақ кўринишида қолган. Эҳтимол бахшилар айрим шеърларни девон тузилмасдан бурун битилган қўлёзмалардан олган бўлуви ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам, Лутфийнинг уйғур ёзувида етиб келган шеърлари араб ёзувли эмас, балки уйғур ёзувли бошқа бир манбалардан кўчирилгани аниқ.

Матнларда яна бир муҳим белги кўзга ташланади: 15-асрнинг биринчи ярмигача кўчирилган матнлар ёлғиз уйғур хатида. 15-асрнинг иккинчи ярмидан кейин то аср охирларига қадар кўчирилган қўлёзмалар эса икки хил ёзувда: тепа қаторида уйғур хатида битилиб, остида тағма-тағ араб ёзувида ўқилиши берилган. Ушбу ҳодиса, бирламчи, ёзув тарихидаги кўчиш – бир ёзувдан бошқасига ўтиш жараёнини билдирса, иккиламчи, Лутфий асарларининг асли уйғур ёзувида бўлгани, замон талабига кўра котиб уларни араб хатида ўгириб бераётганини билдиради. Бу кезлар кекса ёшдагилар ва ўқимишли кишиларгина уйғур хатидан фойдалана олган, ёш-яланглар эса эски хатни унута бораётгани сабаб ёзув амалиётида котиблар шундай йўл тутган кўринади.

Лутфийнинг уйғур хатида қолган шеърлари қуйидаги манбаларда:

I–IV ғазаллар. Язд шахрида 1432 йили Мансур бахши кўчирган мажмуага бир қанча ўзбек классиклари қаторида Мавлоно Лутфийнинг ҳам тўртта ғазали киритилган [2].

Ушбу қўлёзма ҳозир Британия Музейида Ог. 8193 рақами остида сақланмоқда.

V ғазал. Лутфийнинг беш байтли ушбу ғазали Истанбулдаги Тўпқопи саройи архивида сақланаётган II Боязидга тегишли ҳужжатлар орасида 11980-С рақамли вараққа битилган [3]. Ғазалнинг матни икки хил ёзувда: уст қаторда уйғур ҳарфлари билан қорада, ўқилиши эса тагма-таг араб ҳарфлари билан қирмизи рангда ёзилган; кўчирилган даври ва котиби номаълум.

VI–XIV ғазаллар. 1480 йили Истанбулда Абдураззоқ бахши кўчирган қўлёзмага Мавлоно Лутфийнинг тўққиз ғазали киритилган. Қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Аёсофия бўлимида 4757 рақами остида сақланмоқда [4]. Ушбу қўлёзмада ҳам Лутфий шеърлари икки хил ёзувда: уйғур ҳарфларида ёзилиб, ўқилиши эса тагма-таг араб ҳарфларида берилган.

Ғазалларнинг бошланишига *Lutfi*; *Lutfi sözi*; *Lutfi aytur*; *Lutfi ğazali*; *Bu daġi Lutfiniñ ğazali*; *Bu daġi Lutfiniñ*; *Mavlānā Lutfiniñ ğazali* сингари сарлавҳалар қўйилган. Сарлавҳаларнинг бундай кўринишда қўйиб борилиши ҳам уйғур ёзувли матнларга хос; уларда қадимги турк матн тузиш анъаналарига амал қилинган.

Ҳозирги ўзбек имлосида Мавлононинг тахаллусини *Лутфий* (лотин ҳарфларида *Lutfiy*) кўринишида ёзамиз. Араб тилида нисбий сифат музаккарда *-iyu(un)* қўшимчаси орқали ҳосил қилиниши сабаб ҳозирги имломизда ҳам тахаллус шакллари ана шундай олинган. Бироқ уйғур ёзувли матнларда бу қўшимчани *-iu* эмас, *-i* деб беради. Шунга кўра, шоирнинг тахаллусини *Lutfiy* эмас, чўзиқ *-i* билан *Lutfi* деб ўқилгани тўғри. Унли билан тугаган сўзларда эса ушбу қўшимчани *-ui* деб беради. Жумладан, Алишер Навоийнинг тахаллуси уйғур хатида биз ҳозир ёзаётганимиздек эмас, балки *Navāyi* шаклида берилган. Араб ёзувли қўлёзмаларда бу сўзларнинг ёзилиши шундай:

نوايى، لطفي . Буларнинг ўқилиши ҳам уйғур ёзувидагининг айнан ўзидир: ундошдан кейин келаётгани *-î*, унлига кўшилаётгани эса *-uî* ўқилади. Демак, келтирилган мисоллар ўтмишда ушбу тахаллусларнинг *Lutfî, Navāyî* деб айтилгани ва ўшандай ёзилганлигига далилдир.

Ғазалларнинг нусхаларо чоғиштира таҳлили

Мавлоно Лутфий девонининг шу чоққача чоп эттирилган нашрлари ичида тўлиғи 1997 йили Анкарада чикқан нашридир (*Lutfî Divanı. Giriş–Metin–Dizin–Tıpkıbasım. Günay Karaağaç. Ankara, 1997*). Анкара нашрига девоннинг париж нусхаси (*Supp. Turc. 981: кўлёзма 16- асрда кўчирилган*) асос қилиб олинган. Унга лондон (*British Library, Add. 7914: 914/1509 йили Ҳиротда кўчирилган*), готха (*T 211*), Истанбул университетининг кутубхонасида сақланаётган нусха (*TY 5452: 16- асрда кўчирилган*), техрон (*Sipahsālār 174*) ва бурса (*Müze 113/156: 16–17- асрлар*) нусхалари қиёсланиб, фарқлари кўрсатилган [5].

Энди уйғур ёзувидаги матнларнинг айримларини ана шу девондаги вариантлари билан чоғиштириб кўрамиз.

Уйғур ёзувида битилган 4- ғазалнинг девондаги варианты қуйидаги байт билан тугайди:

Vazzuhā val-layl oqur-men zulf-u yüzüñni körüp,
Keçti Lutfî 'umrî-vu virdi erür bu subh-u šām.

Шеърнинг ушбу мақтасида шоирнинг тахаллуси ҳам кечган. Уйғур ёзувли матнда эса шеър бунинг билан тугамайди. Матнда фарқ бор: биринчи сатрдаги *zulf-u yüzüñni* бирикмаси *yüz-u zulfuñni* шаклида берилган; бу байт мақта бўлмагани учун шоирнинг тахаллуси ҳам учрамайди: иккинчи сатрда шоирнинг тахаллуси берилган *keçti Lutfî 'umrî-vu virdi* жумласи уйғур ёзувли вариантыда *keçti 'umrum barça-vu virdim* кўринишидадир:

Vazzuhā val-layl oqur-men yüz-u zulfuḡnī körüp,
Keçti 'umrum barča-vu virdim erür bu subh-u šām.

Уйғур ёзувли матнда бунга яна бир байт қўшилган.
Ғазалнинг ушбу мақтасида шоирнинг тахаллуси тилга
олинади. Мана ўша байт:

İtlarîñiz birlä boldi Lutfi yarim āšinā,
Jān qadamlarī fidāsī qilsalar işni tamām.

Бошқа бир мисол. Уйғур ёзувида битилган беш байтли
9- ғазал қуйидагича тугайди:

Körklüg üçün habib körünmäs jafāsī heç,
Dušnām neçä bersä, bu Lutfi du'ā qilur.

Девонда эса бу байт йўқ, унинг ўрнида қуйидаги байт
келган:

Yüzün sıfātī Lutfi sözün nāzük āylādi,
Gul sadqasī durur ne-ki bulbul navā qilur.

Бунинг сингари ўзгартишларни шоирдан бошқа бирор
кимасанинг киритиши мумкин эмас. Айниқса, 4- ғазал
Лутфийнинг ўз назаридан ўтганлиги кўзда тутилса, бунга
ҳеч иккиланмаса ҳам бўлади. Кўринадики, Лутфий девони
шоирнинг тириклиги чоғидаёқ икки хил вариантга эга эди:
шоир ўз девонини тузиб котибларга топширгандан кейин,
орадан вақт ўтиб, уни қайта кўриб, таҳрирдан ўтказган.
Иккинчи вариантида ҳам шеърларга жиддий ўзгартишлар
киритилган. Шундай қилиб, девоннинг икки хил варианти
юзага келган. Девоннинг бизгача етиб келган қўлёзмалари,
турли мажмуаларга киритилган шеърлари эса мавжуд
вариантларнинг у ёки бунисидан олинган. Шунинг учун
ҳам уларнинг фарқи катта.

Уйғур ёзувидаги шеърларни девондаги вариантлари
билан чоғиштирилганда айрим қусурларни ҳам тузатишга
имкон туғилади. Бунга ҳам бир-икки ўрнак.

Уйғур ёзувида битилган 9- ғазал қуйидаги байтлар
билан бошланади:

Boldi bahār-u jān quşī ul yan havā qilur,

Har nečā ul nigār-i sumanbar jafā qīlur.
Gar qīlmasa jafā meñā dilbar 'ajab degül,
'Umr-i 'aziz kingä jihānda vafā qīlur?

Шу ўринда илк байтнинг маъносига таянган ҳолда, учинчи сатрга эътибор қаратайлик: ундан “дилбар менга жафо қилмаса, ажабланмаса ҳам бўлади” деган маъно келиб чиқади. Классик адабиётда маҳбубанинг таърифида бундай дейилмайди. Демак, жумлада ғализлик бор. Девонда эса ғализлик йўқ: jafā ўрнида vafā берилган:

Gar qīlmasa vafā meñā dilbar 'ajab degül,
'Umr-i 'aziz kingä jihānda vafā qīlur?

Ана энди маъно ҳам ечимини топди: “Дилбар менга вафо қилмаса, ажабланмаса ҳам бўлади. Умри азиз жаҳонда кимга вафо қилибдики, менга қилсин?” – деган маъно келиб чиқади.

Уйғур ёзувида битилган 11- ғазалда шундай байт бор:

Boldī köñlüm quşı sayd(ī) özgä dām-u dānağa,
Garçi bir yoli 'ināyat közidin saldıñ meni.

Биринчи сатрга эътибор берилса, “кўнглим куши (сени ташлаб) ўзга тузоқ ва донга илинди, яъни кўнглим бошқа ёрга кетди” деган маъно келиб чиқади. Ушбу жумладаги boldī феъли девонда инкор шаклида (bolmadī) берилган. Энди маъно ҳам ойдинлашади: у “кўнглим куши сендан ўзга тузоғу донга илинмади, яъни сендан ўзгага боғланолмади” деган маънони беради:

Bolmadī köñlüm quşı sayd(ī) özgä dām-u dānağa,
Garçi bir yoli 'ināyat közidin saldıñ meni.

Ғазаллар матни

Энди Британия Музейида сақланаётган Ор. 8193 сонли мажмуа, Истанбулдаги Тўпқопи саройи архивида II Боязидга тегишли хужжатлар орасида сақланаётган 11980-С рақамли варақдаги ҳамда Сулаймония кутубхонасининг

Аёсофия бўлимида сақланаётган 4757 сонли мажмуага киритилган шеърларини келтирамиз. Ушбу шеърлар девондаги вариантлари билан чоғиштириб борилади.

I. Lutfi

*Ğamzanjiz xuni-vu hardam köñlüm ul yan tartadur,
Barmasam bolmas qaşına, çun meni qan tartadur.
Dād közüñdin-ki dingā neçā yüz ursam, meni
Kufr sarī zulm¹ ilā ul nāmusulmān tartadur.²
**Hāk-i pāyī-kim aṇa zulfi tegār köp istārām,
Ya meni tupraq, ya rizq-i parişān tartadur.
Alnīda³ jān tartadur-men tā magar tüşkāy qabul,
Heç⁴ nazar qılmas bu miskin sarī-kim, jān tartadur.
***Qaşlarī yasīn qulaqqa yetkürā⁵ tartar közi,
[.....]⁶.

И з о ҳ л а р:

Бу ғазал Лутфий девонининг анқара нашрида 86- рақам билан берилган.

*Ушбу байт девонда Körgäli la‘līñ ‘aqiqīñ[деб бошланади; кейинги мисраси Bu yaman andişaligni goyiyā[деб бошланади; ¹ девонда: sehr; ² Шундан кейин девонда қуйидаги байт келган:

Şakkar irnin bir körüp ikki közümnin tābasī,
Sormayīn bilmiş bahāsīn la‘l-u marjān tartadur.

** Девонда бу байт кейинги байтдан кейин келган; ³ девонда: allīda; ⁴ девонда: bir; *** Девонда бундан олдин қуйидаги икки байт бор:

Dunyaliktā mendā bir jān erdi, biryan āylādi,
Emdi üsrük közlāri har biri bir yan tartadur.
Mayl etār öz jinsīğa har jins özin lājaram,
Beli sari ul kamand-i ‘anbar-afşān tartadur.
⁵ девонда: tegürā; ⁶ Шеърнинг давоми девонда:
] ikki yanī mast-i lāya‘qıl ne āsān tartadur.
Yoq turur yalğuz bu Lutfi jānīğa javr-i raqib,

Qayda bir dānā durur ul çavr-i nādān tartadur.

II. Lutfî

Ey āyat-i rahmat, yüzünüz şānida nāzil,
Bolğay qaçarîñ birlä qaçan mehr muqābil.
Sizdin keräk ögrānsä perî ādamîliqnî,
Yusuf dağî ta'lim keräk alsa şamāyil.
*Yalğuz men emäs-men havasîñ birlä girigtār,
Husnuñğa erür¹ hur-u malak jān bilä māyil.
Hārut közüñ sehrini kördi, xajil oldî,
Andîn yaşunup ixtiyār etti çah-i Bābil.
Ul saç-mu turur² subha yaqîn yāhud uzun tün,
Ya ğāliyadîn dil-u köñüllärgä salāsıl.
Jān mushafî sî-pāra bolur qayğuda har dam,
Haykal iligi boynuma³ tā boldî⁴ hamāyil.
Hajrînda tilār⁵ Lutfî quluñ öz ajalîni,
Sensiz keçürān 'umurdîn, ey dost, ne hāsıl.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 143- рақам билан берилган.

*Девонда бу байт кейинги байтдан кейин келган; ¹ девонда: turur; ² девонда: -dur; девонда: boynına; ⁴ девонда: tüşdi; ⁵ Шундан кейин девонда: har dam ajal Lutfî-i miskin[.

III. Lutfî sözi*

Seniñ üsrük közüñgä ne xabar bar
Kim, andîn 'aql-u jāñğa köp xatar bar.
¹Munajjim qaş-u közüñ körgäç aytur
Kim², uşbu ay başında³ fitnalar bar.
Qaşım köz bahrî üzrā köprügündür,
Señä har neçä-kim, mundîn⁴ gudar bar.
QİRān qildi⁵ közüñ ay-teg yüzündä,

Qirāndur anda arī-kim⁶ nazar bar.
Qazā kelgāndā⁷ Lutfi⁸ öz halākīn
Tilār alnīnda kāmi⁹ bu qadar bar.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 66- рақам билан берилган.

*Ушбу ғазал Истанбулнинг Сулаймония кутубхонаси Аёсофия бўлимида сақланаётган 4757- сонли уйғур ёзувли мажмуада ҳам келтирилган. Бироқ у ерда ғазал бир оз фарк қилади. Фарқи куйидагича: ¹ Иккинчи байт навбатдаги байтдан кейин келган. ² ki; ³ başida; ⁴ andin; ⁵ qılğay; ⁶ arī anda-kim; ⁷ kelgān küni; ⁸ Шундан кейин: qaşıñda]; ⁹ [Tilār özin murādi].

Девондаги вариантдан фарқи: Иккинчи байт учинчи байтдан кейин келган; Учинчи байт шундай:

Yoluñda qaş erür köz bahrına pel,

Señä har neçä-kim andin gudar bar.

Тўртинчи байтдаги arī-kim ўрнида девонда -kim arī[, бешинчи байтдаги alnında ўрнида девонда qaşıñda].

IV. Lutfi

Ey latāfat bostānī iĉrā sarv-i xuşxirām,

Tapti ruxsārīñ gulindin husn bāğī ihtirām.

Ay yüzüñni küngä oxşatsam muvajjahdur dalil,

Āb-i hayvān desām irniñni¹ erür mālā kalām.

*Bolsa dozahta xayālīñ tanğa küymäklük halāl,

Bolmasa jannatta yādīñ jāñğa āsāyış harām.

Zarvaraq-teg bolmīşam simin saqaqīñ şavqıdın,

Kör-ki ne zard-u nizār etti² meni savdā-yi xām.³

Vazzuhā val-layl oqur-men yüz-u zulfuñni⁴ körüp,

Keçti⁵ ’umrum barça-vu virdim erür bu subh-u şām.

Garçi mahramdur raqibīñ Haqtin üzmās-men ’umid,

Berdi kāfirniñ murādin bermäğäy-mu bizgä kām.

**İtlarīñiz birlä boldi Lutfi yarim āşinā,

Jān qadamlarī fidāsī qılsalar işni tamām.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 159- рақам билан берилган.

¹ Девонда: aǧziḡni; * бу байт девонда бешинчи байтдир; кейинги байт ҳам бундан олдин келган; ² девонда: etmiš; ³ девонда бундан кейин қуйидаги байт бор:

Qāmatīḡ tubā nihālīdur, labīḡ - kavsar suwī,

Yüzüḡ ul hur-i behišṡi tuttī bu 'ālī maqām.

⁴ девонда: zulf-u yüzüḡni; ⁵ шундан кейин девонда: Lutfī 'umrī-vu virdi; **бу байт девонда йўқ.

V. (Lutfī)

Közüḡ-ki lāla-vu nasrin üzā magar¹ uzala yatur,
Xotan çečāklāridür-ki² magar ġizāla (ġazāla?) yatur.

Ne uyqusī aǧīr ermiš meniḡ bu baxṡimniḡ

Ki, munča-kim qīladur köḡlüm āh-u nāla yatur.

Köḡülni nār yaḡǧaǧī örtār özgā alī bilā,

Yoq ersā yazīda čandīn hazār nāla³ yatur.

Firāq sarhīnī irsāl qīlǧalī, hayhāt,

Rasul tapman-u jibimdā yüz risāla yatur.

Gah inčkā aǧrīq etār qasd Lutfī, gah savdā,

Qačan-ki belidā ul 'ambarīn⁴ kulāla yatur.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 79- рақам билан берилган.

¹ Бу сўз девонда йўқ; ² девонда: çečāklāri ičrā; ³ Бу сўз остидаги араб ёзувли сатрида lāla деб изоҳланган; девонда ҳам lāla; ⁴ девонда: 'anbarīn.

VI. Lutfī aytur

Malak yā hur bilmān yā parī-sen,

Bu raftār ilā yā kabgi darī sen.

Falaknîñ atlasî-teg kök ton içrâ
 Magar-kim âftâb-i xâvarî sen.*
 Bu sarv qadd-u şakl-u şeva birlâ,
 Ayîtqîn¹ râst, kimniñ dilbarî-sen?
 Közüñ sehr ögrâtür Kaşmir elinâ²,
 Özün dâstân-i fannîñ daftarî-sen.
 **Malâhat kişvariniñ dilrubâyî,
 Latâfat ma'danîniñ javharî-sen.
 Qiyâ baqmaq bilâ jânlar³ erittiñ,
 Karaşma san'atîniñ zargarî-sen.
 Bu Lutfîniñ jânîñ devâna qıldîñ,
 Nedür atîñ, qayu yerlik parî sen.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 224- рақам билан берилган.

* девонда шундан кейин қуйидаги байт ҳам бор:

Yüzüñgâ baqsa, îmân nurî zâhir,
 Közüñgâ baqsa, xaybar kâfirî-sen.

¹ девонда: ayîtqîl; ** бу байт девонда йўқ; ² девонда: eligâ; ³ девонда: jânnî.

VII. Bu dağî Lutfîniñ ğazalî

Nigārâ, sensizin mendin ne hâsil,
 Agar jân bolmasa, tandîn ne hâsil.
 Ću guldîn yoq turur¹ bulbulġa boyî,
 Bahâr-u bâġ-u gulşandîn ne hâsil.
 Jafâ-vu 'işvalarnî fan tutup-sen,
 Munuñ-teg 'işva-vu fandîn ne hâsil.
 Kişi-kim yoq turur mehr-u vafâsî,
 Agar hurşiddur, andîn ne hâsil.
 Bu türlüġ husn ilâ Lutfî quluñġa
 'Inâyat qılmasañ, sendin ne hâsil.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 155- рақам билан берилган.

¹yoq turur ўрнида девонда гаҗ емäs.

VIII. Bu dađi Lutfinïñ (ğazalï)

Zihî zuhur-i tajallî yüzün safāsında,
Savād-i kufr mu'ayyan közün qarasında.
Ne turfa nuqta-yi mavhumdur¹ seniñ ađzın
Ki, jānni qoydı vujud-u 'ādam arasında.
Agar barur-men eligtin mahall-i 'ayb degül
Ki, fıtalar bar oşul ġamza marhabāsında.
Raqib közičä sürsän meni köñül üzmän
Ki, maslahat köp erür husn eli jafāsında.
Ne dep bu hāl-i parišānni aytayın aña-kim,
Yüzi qaralar erür zulf-teg qarasında².
Ul ay közigä bu sargaştanï qačan ilsun
Ki, āftāb erür³ zarra-teg havāsında.⁴
Yüzünni körmäsä bir damda jān berür Lutfi,
Saburluq ne tilär 'ışq mubtalāsında.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 245- рақам билан берилган.

¹ Девонда: mavhum erür; ² девонда: qafāsında; ³ девонда: turur;

⁴ девонда шундан кейин қўйидаги икки байт ҳам бор:

Bašimni bergüsidür yelgä 'ışqınız, bildim,
Köñül tüşüngäli ul zulf-u yüz havāsında.
Tabassumındın erür bas 'ājab meniñ ölärim
Ki, ruh baqiyadur la'l-i jān fazāsında.

***IX. Mavlānā Lutfinïñ ġazalï**

Boldi bahār-u jān quşı ul yan havā qılır,
Har nečä ul nigār-i sumanbar jafā qılır.

Gar qılmasa jafā¹ meñä dilbar 'ajab degül,
 'Umr-i 'aziz kimgä jihānda vafā qılur?
 Başıñğa men safā beräyin der qılıç bilä,
 Javr etmäs özi², mehr üçün emdi safā qılur.
 Köz boynıda turur meni biçāranıñ qanı,
 Xublar bilä meni çu öşul mubtalā³ qılur.**
 ***Körklüg üçün habib körünmäs jafāsı heç,
 Dušnām neçä bersä, bu Lutfî du'ā qılur.

И з о х л а р:

* Kۆlөзмада бу ғазалдан олдин Seniñ üsrük közüñgä ne habar bar ... деб бошланувчи беш байтли ғазал ҳам бор. Мазкур ғазалнинг уйғур хатида битилган бошқа бир нусхаси Британия музейида сақланаётган Or. 8193 рақамли мажмуададир. Юқорида унинг матнини келтирганимиз учун (сирадаги III ғазалга қаранг) ушбу мажмуадаги нусхасини қайта келтиришга зарурат бўлмади.

Бу ғазал девон нашрида 45- рақам остида берилган.

Девондаги варианты қуйидагича фарқ қилади: ¹ девонда: vafā; ² девонда: erdi; ³ девонда: āšinā; ** девонда шундан кейин қуйидаги байт келган ва ғазал ҳам туғайди:

Yüzün sifātî Lutfî sözün nâzuk äylädi,
 Gul sadqasî durur ne-ki bulbul navâ qılur.

*** бу байт девонда йўқ.

X. Mavlānā Lutfîniñ ğazalî

Ey qadîr tubî-vu jannat xatt-i gulgun üstinä,
 Körmädi davrân seniñ-teg ay gardun üstinä.
 Boldî sözüüm nâzuk-u zehnim¹ xuş-u tab'im latif,
 Har neçä² saldım nazar ul šakli mavzun üstinä.
 Sarv anîñ-teg qāmatîñ hayrān[i]dur-kim dāyimā³,
 Qıldi quşlar āşiyān andağ-ki, Majnun üstinä.
 Har dam ey köz yaşı yüz körmäy meni fāş äylämä,
 Davlatımdın aġnadîñ yıllar çu altun üstinä.

’Āfarin⁴ qašīṅ ḡamīnda xāl-teg kōz mardumī,
Muški tardīn nuqta-yi sulsi turur nun üstinā.⁵
Gar vatan Lutfī kōzindā qīlmađīṅ⁶ yoqtur ’ajab,
Ew qoparmaḡlīq erūr dušvār Jayhun üstinā.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 240- рақам билан берилган.

¹ Девонда: kōḡlūm; ² остидаги араб ёзувли сатрида бу сўз ўрнида қачап ёзилган, девонда ҳам қачап; ³ девонда: bašīḡa; ⁴ девонда: ’anbarīn; ⁵ шундан кейин девонда қуйидаги байт бор:

Nečā čeksūn xublar ilḡindin balā miskin kōḡlū,

Munča-mu āfat qīlur bir qatra-i xun üstinā.

⁶ девонда: tutmađīṅ.

XI. Lutfī ḡazalī

Ey jamāl-u husn-u xulq-u¹ ševalar birlā ḡanī,
Qīl anīṅ üçün karam-kim, bay yaratmīš² Haq³ seni.
La’līḡīz fikri daqīqīndīn⁴ meṅā⁵, ey baḡrī taš,
Bir tegirmāndūr-ki, qan birlā yürütmišlār anī.
Kōḡlūmiz yoq boldī-vu⁶ aḡzīṅdadur bir badgumān,
Ne üçün penhān⁷ erūr, avval yašurmaydur anī?
Boldī⁸ kōḡlūm qušī sayd(ī) özgā dām-u dānaḡa,
Garči bir yolī ’ināyat kōzidin salđīṅ meni.
Zulfuṅuz⁹ xajrīnda¹⁰ söz boldī čü¹¹ muškul Lutfīḡa,
Ne navā¹² qīlsun xazār arī ču yoqtur gulšanī.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 284- рақам билан берилган.

¹ Девонда: nāz-u; ² девонда: yaratmīštur; ³ девонда бу сўз йўқ;
⁴ девонда: daqīqīdīn; ⁵ девонда: kōzūm; ⁶ шундан кейин девонда: aḡzīḡa eltūr bir gumān[; ⁷ шундан кейин девонда: bolur gar ul yašurmaydur qanī; ⁸ девонда: bolmađī; ⁹ девонда: yüzūḡüzñū; ¹⁰ девонда: hajrīda; ¹¹ девонда йўқ; ¹² девонда: benavā.

XII. Lutfî ğazalî

Haq burun andîn-ki x(i)l'at naqşın izhâr âylâdi,
Jân bilâ köñlümni 'işqîğğa giriftâr âylâdi.
Şakkar ağzîndîn¹ sücûglüg aldi²-vu tandî nabât,
Tüşmäyin³ iki yığaçqa âxir iqrâr âylâdi.
*Hâlîñ⁴ aytur-ki⁵, seni ul 'umr⁶ öldürgüsidür,
Har ne üsrük köñlidä erdi may izhâr âylâdi.
Ul meni kü(y)dürgüçi yüzün üzä zulfuñ üçün,
Gar xalil ermäs nedin haq, otnî bostân⁷ âylâdi.**
***Gar falakniñ qasdî yoqtur jânîmîzğa, ne üçün
Furqatîñ dâğı bilâ bağrîmnî⁸ afgâr âylâdi.
Nâtuvân közüñ magar hamdard istâr-ki⁹ meni,
Xajra (xajr?)¹⁰ ilâ bir turfatu-l-'ayn içrâ bimâr âylâdi.
Bu¹¹ köñülniñ başına tufraq-kim har yan barîp,
Lutfîni barça 'azizlar közidä xor âylâdi.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 325- рақам билан берилган.

¹ Девонда: irniñdin; ² девонда: eltti; ³ девонда: tüzmäyin; * бу байт кейинги байтдан кейин келган; ⁴ девонда: la'lîñ; ⁵ девонда: aytur-kim; ⁶ девонда: ğamza; ⁷ девонда: gulzâr; ** шундан кейин девонда қуйидаги бат келади:

Körmäsün yâ rab jihânda yaxşılıqnîñ yüzini,

Xâsidi kim, makr ilâ yârîmnî ağıyâr âylâdi.

*** бу байт кейинги байтдан кейин келган; ⁸ девонда: köñlümni; ⁹ девонда: istâr-kim; ¹⁰ девонда: sehr; ¹¹ шундан кейин девонда: [köñülnüñ başığa tupraq-kim].

XIII. Lutfî ğazalî

(Öltürür hijrân meni ul rāhat-i jāndīn yīraq,
Tüşmäsün gul mavsīmī heç kimsä jānāndīn yīraq)*.

Yaz faslî-kim erür 'ayş-u tarabnîñ mavsımı,
 Saldı bulbul-teg meni gardun gulistândın yıraq.
 Lâla-teg bağrımda dāğ ermäs 'ajab-kim qalmışam,
 Bir sumanbar, yüzi gul, sarv-i xirāmāndın yıraq.**
 Ey köñül, xasratla jān bergil dağı vasl istāmā,
 Kim erür mehr-u vafā ul šāh-i xubāndın yıraq.
 Körkiniñ bāğında yığmıš mahvašım gul xirmanı,
 Bir nafas ul vajh ilā ermäs-men afgāndın yıraq.
 Lutfî zulf-u yüzidin hayrat maqāmıda¹ tüşüp,
 Bir 'ayb² 'ālamda qalmıš kufr-u îmāndın yıraq.

И з о х л а р:

Бу ғазал девон нашрида 118- рақам билан берилган.

* Ғазалнинг ушбу байти фақат араб хатида ёзилган; ** шундан кейин девонда куйидаги байт келади:

Dostlarnîñ köñli gul-teg açılıp gul-gašt ara.

Men munuñ-teg yazıda ul 'ayş-u javlāndın yıraq.

¹ девонда: maqāmında; ² остидаги араб ёзувли сатрида бу сўз ўрнида 'ajab ёзилган, девонда ҳам 'ajab.

Адабиёт:

[1] Лутфий асарлари қўлёзмаларининг каталоги. Тузувчи Э. Аҳмадхўжаев. Тошкент, 1987. 13–53, 87–91- б.; Lutfî Divanı. Giriş–Metin–Dizin–Tıpkıbasım. Günay Karaağaç. Ankara, 1997. қаранг: Lutfî Divanı, S. XIX–XX.

[2] *А.М. Щербак*. Поэтические произведения предшественников Нава'и (по рукописи Or. 8193, хранящейся в Британском Музее). – Письменные памятники Востока, М., 1975. С. 172–184, 332–341; *O.F. Sertkaya*. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. II. İstanbul, 1975, S. 17–19, 21–22; Levha III–V, VIII–IX.

[3] *O.F. Sertkaya*. Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazi Manzum Parçalar. I. İstanbul, 1972. S. 13–15, Levha X.

[4] O.F. Sertkaya. Osmanlı Şâirlerinin Çağatayca Şiirleri. III. Uygur Harflariyle Yazılmış Bazı Manzum Parçalar. I. S. 19–22, 27–32; Levha XI–XIV, XVIII–XXV.

[5] Lutfi Divanı, S. XIX–XX; 1–335.

“АСВОҚУ-З-ЗАҲАБ” АСАРИНИНГ АСОСЛАРИ

ЗОҲИДЖОН ИСЛОМОВ

Эътибор қилинаётган масалалар:

Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоъиз вал-хутаб” асари.

“Атвоқу-з-заҳаб” силсиласидаги асарлар.

Мумтоз адабиётимизда қадимдан шаклланган бадий ижобий анъаналар мавжуд. У ёки бу муаллифларнинг илмий салоҳияти натижасида яратилган айрим асарлар маълум давр ўтиши билан бошқа минтақа ва бошқа давр олимларини ўзига жалб этган. Кейинги давр олимлари ўша асарнинг умумий ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда уни ижобий ўзлаштирган. Ушбу анъана натижасида бир туркум асарлар юзага келган. Буни буюк аллома Маҳмуд Замахшарий ижодида муҳим ўрин тутган “Атвоқу-з-заҳаб” асари мисолида кўриш мумкин.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг том маънодаги илмий тадқиқи мустақиллик йилларидагина амалга оша бошлади. Ислом маданиятига улкан ҳисса қўшган, хусусан, минтақа илмий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган олимнинг етмишдан ортиқ асарлар яратганлиги илмий тадқиқотлар натижасида аниқланди. Бу улкан илмий меросни ўрганиш борасида юртимизда маълум илмий салоҳиятга эга бўлган замахшарийшунослик мактаби ҳам шаклланди. Замахшарий асарлари юзасидан олиб борилаётган тадқиқотлар кейинги давр олимларининг

ижодий ҳамда маънавий ҳаётига унумли таъсир этганлиги намоён бўлмоқда.

Маҳмуд Замахшарийнинг мана шундай асарлари сирасига “Атвоку-з-заҳаб фи-л-мавоъиз ва-л-хутаб” (“Ўғит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асарини киритиш мумкин. Маълумки, Замахшарий 1130 йиллар атрофида Маккага сафар қилади, жисмоний камчилигига қарамай, Каъбани юз маротаба тавоф қилади ва ҳар бир тавофдан сўнг бир мақола ёзади. Шу тариқа юз мақоладан иборат панд-насиҳатга оид мазкур асар юзага келади. Араб насрининг қадимий илмий услуби ҳисобланмиш сажъда ёзилган ушбу асар тилининг ниҳоятда гўзаллиги, услубининг қисқа ва лўндалиги, таъбирининг аниқлиги билан ажралиб турган. Асар айрим манбаларда “Насоиху-с-сиғар” “Кичикларга насиҳатлар” деб ҳам кўрсатилган. Муаллиф араб адабий тилининг тенгсиз билимдони сифатида асарда бадиий тасвир воситалари ҳамда санъатларидан жуда кенг фойдаланган. Панднома, насиҳатнома сифатида юзага келган ушбу асарда ўз даврининг ижобий жиҳатлари улуғланиб, ижтимоий ҳаётидаги салбий иллатлар қораланади, уларнинг олдини олиш йўллари кўрсатилади, маслаҳатлар берилади. Асар ўз даврида қанчалар аҳамият касб этган бўлса, ҳозирда ҳам аҳамияти камайган эмас. У айниқса ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

“Атвоку-з-заҳаб”нинг илмий аҳамияти боис, кейинги давр олимлари асардан кенг истифода этганлар ва унинг замирида кўплаб асарлар яратганлар. Турли ҳудудларда яшаб, ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган олимлар, жумладан, Шарафиддин Исфаҳоний, Муҳаммад Амин ибн Иброҳим Ҳанафий Қодирий, Аҳмад Шавқий, Мирза Юсуфхон ибн Ўтисом Маликлар “Атвоку-з-заҳаб”дан таъсирланиб алоҳида нодир асарлар ёзиб қолдирдилар.

XIII асарда яшаб ижод этган олим Шарафиддин Исфаҳонийнинг “Атбоқу-з-заҳаб” ала ғирари “Атвоқу-з-заҳаб” (“Атвоқу-з-заҳаб”га ўхшаш олтин ликобчалар”) асари айнан юқоридаги асар таъсирида ёзилган. Олим “Атвоқу-з-заҳаб” мақолалари мавзулари доирасида ўз даври ижтимоий ҳаётидан келиб чиқиб асар мақолаларини шакллантирган. Эътиборли жиҳати шундаки, “Атбоқу-з-заҳаб”нинг ҳар бир мақоласи Қуръони каримнинг шу мавзуга оид оятлари билан яқунланган. Асар айни Маҳмуд Замахшарий услубида юксак савияда ёзилган. Лекин олим Замахшарий каби қисқа баён услубини танламаган. Мақолалар “Атвоқу-з-заҳаб”га қараганда кенгроқ ҳамда матни узунроқ берилган. Бу эса ўз навбатида асар матнининг “Атвоқу-з-заҳаб”га қараганда каттароқ бўлишига олиб келган.

Иккала асарнинг алоҳида мустақил асар бўлиш билан бирга уларнинг бир-бирини мазмунан тўлдиришини қуйидаги қиёсий таҳлилда ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, “Атвоқу-з-заҳаб”да:

“Эй инсон фарзанди, аслинг лой ва сополдан бўлишига қарамай, гоҳ ота-боболаринг, гоҳида бойлигу икболнинг билан фахрланиб такаббурланасан-а?! Аждодларингга қувониб, ўзгаларни менсимай юришинг сенга лойиқ сифатлардан эмас. Дўстим, ўзинг фикр қил. Охирги уловинг ёғоч от ва вужудинг тупроққа айланадиган бўлганидан кейин ҳовурингдан тушгин ва кибру ҳаводан узоқроқ юргин-да!” деб ёзади [1].

Айнан шу мазмундаги мақола “Атбоқу-з-заҳаб”да қуйидагича берилган:

“Эй сополдан ясалган, ҳомиладорлик ва туғилишлик хусусияти билан яралган инсон боласи! Сенга гўзал хулқлар ато этилган. Гўзал хислатлар Раҳмоннинг марҳамати эканлигини у қаердан билсин. У инсон касб қилган нарса эмас. Ҳар бир ҳаракат Аллоҳнинг инъомидир.

Ва ҳар бир нафс ҳам Аллоҳнинг инъоми. Агар Аллоҳ хоҳласа, инсоннинг нафсини ҳидоят югани билан жиловлайди. Агар хоҳласа, ўз ҳолига ташлаб қўяди, унда ким ўз нафсини сақлай билади. “Айтинг: Агар (Аллоҳ) сизларга бирор зарар (етказиш)ни истаса ёки У сизларга бирор манфаат (етказиш)ни истаса, бас, ким сизлар учун Аллоҳ (томони)дан бўлган бирор нарсани (даф қилиш)га эга бўла олур?!” [2]. Демак, Исфаҳоний Замахшарий фикрини маълум мазмунда давом эттиради ва мақола мазмунини Қуръони каримнинг Фатҳ сураси 11-ояти билан якунлайди.

“Атвоку-з-заҳаб” га бўлган қизиқиш XIX асрда янги бир асарнинг яратилишига сабаб бўлди. Юқоридаги ҳар иккала асар билан яқиндан танишган Муҳаммад Амин ибн Иброҳим ибн Юнус ибн Ёсин Мавлисий Ҳанафий Қодирий 1807 йили уларга тақлидий ёндашган ҳолда “Ахлоку-з-заҳаб” – “Олтин хулқлар” асарини яратади [3]. Ушбу асар усмонлилар сулоласининг вакили Султон Салим III нинг катта вазири Али Пошшага бағишланган. Асар жами 75 мақоладан иборат қилиб тузилган. Унинг ягона нусхаси Ҳиндистондаги Патна қўлёзмалар фондида 2683 сақланиш рақами остида сақланади.

Қўлёзманинг бошланиш қисмида асарнинг фихристи берилган, унда барча мақолаларнинг номи келтирилган. Юқоридаги икки асардан фарқли равишда “Ахлоку-з-заҳаб” нинг мақолалари муайян ном билан аталган. Асар муқаддима билан бошланган. Унда асарнинг моҳияти, ёзилиш тарихи, номланиши ҳақидаги батафсил маълумотлар берилган. Мақолаларнинг мавзулари барча даврлар учун муҳим бўлган долзарб масалаларга бағишланган. Жумладан, инсонларга раҳмдиллик қилиш ва кибрни йўқотиш, инсоннинг ожизлиги ва такаббурликни йўқотиш, қалбни тарбиялаш ва ислоҳ қилиш, солиҳ ва фосиқ олимлар, хирсдан сақланиш, саодатмандлик ва

бахтсизлик аломатлари, тилнинг офати, сукутнинг афзаллиги, ортиқча гапни эшитишнинг қораланиши, ризқдан ортиқча бўлган нарсанинг талабида қилинадиган саёҳатнинг қораланиши каби мавзулардан иборат.

“Атвоқу-з-заҳаб” силсиласидаги асарлар сирасида унга илмий тадқиқот сифатида ёндашилган, лекин илмий-адабий аҳамиятга эга бўлган асар “Қалоиду-л-адаб” – “Адаб дурдоналари” ҳисобланади [4]. Асар муаллифи Мирза Юсуфхон ибн Ёътисом ал-Аштиёний ўз даврининг етук адабиётшуноси, таржимони юқоридаги икки асарни ўрганиб, уларни илмий таҳлил қилган. Ҳар бир мақоланинг матнидан сўнг ундаги тушунилиши қийин бўлган сўзларнинг араб тилидаги изоҳи берилган. Асар Табризда 1319/1901 йили якунланган.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб” ҳамда Шарафиддин Исфаҳонийнинг “Атбоқу-з-заҳаб” асарлари араб мусулмон дунёсида ҳам шуҳрат топган. Бунинг натижаси ўлароқ, мисрлик олим Аҳмад Шавқий 1951 йили “Асвоқу-з-заҳаб” – “Олтин бозорлар” асарини ёзади.

Асар муқаддима билан бошланган, унда муаллиф Замахшарийнинг “Атвоқу-з-заҳаб”, сўнгра Исфаҳонийнинг “Атбоқу-з-заҳаб” асарларини ўрганлиги ва уларнинг илмий аҳамиятини ёътиборга олган ҳолда матнларини нашр эттирганлигини ёзади. Мана шу икки китобдан таъсирланган ҳолда муаллиф уларнинг услубида янги асар ёзганлиги ва уни “Асвоқу-з-заҳаб” деб номлаганини айтади [5]. Бу китобда XX аср ўрталаридаги араб дунёси хусусан, Миср ҳаётида муҳим саналган воқеа-ҳодисалар, тушунчалар жумладан, ватан, номаълум аскар, Сувайш канали, эсталик, қуёш, ўлим, ўсмирлар, яхшилик, зулм, қалб, ёлғон гувоҳлик, сабр, пирамидалар, озодлик, уммат, конституция каби жамият ишлари ва аҳволи, инсоннинг сифатлари, ишлари, унинг ўзи яшаган замон ва кишилари билан муносабати, ўзи яшаб ўтган кунларидан чиқарган

хулосалари, ҳаётда тўплаган тажрибалари, араб тилидаги сўзларнинг маънолари ҳамда услубларига хос сўзлар таҳлил қилинади. Ушбу сўзларни ўзлаштирган инсоннинг зеҳни ўткирлашади, ақл идроки ошади, деб таъкидлайди муаллиф. Асарнинг асосий қисми “ал-ҳақиқа ал-ваҳида” яъни “ягона ҳақиқат” номли фасл билан бошланади. Бу қисм ўқувчига мурожаат сифатида шакллантирилган. Жумладан, муаллиф ёзади:

“Эй инсон, осмонга назар сол. Сен фалакнинг гардишини кўряпсанми? Ундаги нурга назар солиб кўр! Ва мана бу осмонга ҳам нигоҳ ташла! Самода учиб юрган кушларга ҳам қара! Улардан ибрат ол!

Мана шуларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолонинг борлигига далолат қилади. Сен ўзинг турган ерга ҳам боқ. Булутларга ҳам қара, уларнинг сузиб юришини тафаккур қилиб кўр. Шамол ҳақида ҳам ўйлаяпсанми? Тоғларни ким бундай ҳолатда келтирган? Ким уни яратган? Чумолига ҳам бир қарагин. Уни ким чратган? Уни ким бундай мукамал қилган? Унга ким ризқу насиба беради? Асаларига ҳам қара! Уни ким гуллардан ризқлантиради? Ва асалини инсонга беришини қарагин. Буларнинг ҳаммасини ким яратган?

Авваламбор менга шуни айтчи: “Ким табиатни яратди? Ундаги тартиб ва қонуниятларни ким тартибга солиб қўйди? Ҳаётни ким яратди? Ким барча ҳаракатларни яратди?!”

Шундан сўнг муаллиф ватан ҳақидаги шеърини келтиради. Ватвни севиш ва унинг йўлида жон фидо қилиш ҳар бир кишининг бурчидир, деб ватан васф қилинади. Ватан туғилган, хотирлар жам бўладиган, ота-боболар ва аجدодларинг ўтган муқаддас жой, деб таъкидлайди муаллиф.

Демак, Маҳмуд Замахшарий ўзининг буюк илмий салоҳияти билан ислом маданияти ривожига салмоқли

хисса қўшди ва бунинг натижаси ўлароқ машҳур “Атвоку-з-заҳаб” асарини яратди. Бу асар ўзининг мукамаллиги, омма орасидаги шуҳрати, жамият ҳайтидаги аҳамияти боис кейинги давр олимларининг диққатини ўзига тортди ва улар томонидан айнан шу асарга ўхшаш ёки шу асар мавзулари доирасида асарларнинг яратилишига олиб келди. Бунинг натижаси ўлароқ, арабий-забон адабиётимиз тарихига ноёб дурдоналар сифатида қўшилган, лекин шу вақтга қадар махсус тадқиқ этилмаган Шарафиддин Исфаконийнинг “Атвоку-з-заҳаб”, Муҳаммад Амин ибн Иброҳим ибн Юнус ибн Ёсин Мавсилий Ҳанафий Қодирийнинг “Ахлоку-з-заҳаб”, Мирза Юсуфхон Аштиёнийнинг “Қалоиду-л-адаб”, Аҳмад Шавкийнинг “Асвоку-з-заҳаб” асарлари яратилди. Бу ноёб асарларнинг қўлёзма ва босма нашрлари юртимизга олиб келинган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Адабиёт:

[1] Маҳмуд Замахшарий. Атвоку-з-заҳаб. Қўлёзма. – ЎзРФАШИ №4877. – В. 68

[2] Шарафуддин Исфаконий. Атбоку-з-заҳаб. Қўлёзма. – ЎзРФАШИ № 4877. – В.5.

[3] Муҳаммад Амин Қодирий. Ахлоку-з-заҳаб. Қўлёзма. – Ҳиндистон. Патна фонди. №2683.

[4] Мирза Юсуфхон Аштиёний. Қалоиду-л-адаб фий шарҳ Атвоку-з-заҳаб. – Миср, 1321/1903

[5] Аҳмад Шавкий. Асвоку-з-заҳаб. – Қоҳира, 1951

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ ЎҚИШ ВА СЎЗ МАЪНОЛАРИНИ ТАЛҚИН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ҲОМИДХОН ИСЛОМИЙ

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

Қўлёзмалар Навоий меросини ўрганишда энг ишончли манбалардир.

Навоий асарларидаги сўзларнинг ҳаммасини ҳам тўғри талқин этишми?

Навоий шеъриясида қўлланган айрим сўзларнинг талқини.

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Амир Алишер Навоий асарларининг (тошбосма асарларидан ташқари) олти юз бешта қўлёзмаси сақланмоқда. Шу билан бирга, Истанбул, Париж ва Санкт-Петербург қўлёзма хазиналаридан олинган Навоий асарларининг микрофильмлари ҳам бор. Бу қўлёзмалар ичида Амир Навоийнинг ҳаётлиги чоғида тартиб этилган, ҳатто шоирнинг кўрсатмаси билан тузилган китоблар ҳам борки, улуғ ижодкор меросини ўрганишда уларнинг аҳамиятини бир сўз билан таърифлаб бўлмайди. Навоий асарларининг қўлёзмалари XV асрдан то XX аср бошигача китобат қилинган. Шу боис, тадқиқотчи Амир Алишер Навоий қўлёзма асарлари матнига, қоидага биноан, тарихий ва қиёсий усулда ёндашади.

Алишер Навоийнинг илк девони “Бадойиъ ул-бидоя”га киритилган машҳур “Қаро кўзум” ғазали ҳозирги замон ношрларида қуйидагича берилмоқда:

*Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилгил.*

*Юзинг гулига кўнгул равзасин яса гулишан,
Қадинг ниҳолига жон гулишанин чаман қилгил.*

*Таковарингга боғир қонидин ҳино боғла,
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилгил.*

*Фироқ тоғида топилса туфроғим, ай чарх.
Хамир этиб, яна ул тоғда кўҳан қилгил.*

*Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни баштин-аёғ чин ила шикан қилгил.*

*Хазон сипоҳига, эй боғбон эмас моний,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.*

*Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.*

*Навоий анджумани шавқ жон аро тузсанг,
Анинг бошоғлиг ўқин шамъи анджуман қилгил [1].*

Бу ғазалнинг бир қанча шарҳлари ҳам эълон қилинган. Шу ўринда ғазални қўлёзма матнига киёслаб ўтишни лозим топдик. 1465–1466 йиллари машҳур хаттот Султон-али Машҳадий кўчирган “Илк девон”да, кейинроқ “Бадойиъ ул-бидоя”да ушбу ғазалнинг қилгил радифи – қилқил, ҳино боғла бирикмаси эса ҳино боқла ёзилган. -қил кўшимчаси бир жойда -гил га ўзгарган. Иккинчи байтдаги қадинг ташдид билан ўқилишга мувофиқ қаддинг ўқилиши керак эди. Ачинарлиси шундаки, *эт* маъносини билдирувчи ибора ҳайвон маъносини билдирувчи *ит* деб табдил этилган [2]. Масалан, ғазалнинг учинчи байтидаги – *Этинг ғамзада жон риштасин расан қилгил* жумласининг

талқинига келсак: “Этинг (танинг) қайғули бўлса, кўнгул ипини арқон қилғил” – деган буйруқ ишорасини англатар эди.

Нашрларда шунинг сингари хатоларга йўл қўйилаётгани учун ҳофизларимиз ҳам ашулада уни *итинг* деб айтади. Борди-ю, бу ғазаллар рус ва бошқа тилларга таржима қилинган бўлса, улар “аттанг, итнинг ҳоли нечук бўлган экан?” деб тушунмайдими?

Энди Алишер Навоий асарларидаги *мен, сен* олмошларига жўналиш қўшимчалари қўшилиб турланганда *менга ёки менго, сенга ёки сенго* эмас, балки *манга, санга* шаклида ёзилгани ва ўқилгани дуруст. Чунки матнда “мим” ва “син” ҳарфларидан кейин “ёй” ёзилмаган. Шунингдек, бундай ҳолларда “нун” билан “коф” ҳарфлари икки товуш эмас, балки бир товуш – [нғ] шаклида талаффуз этилмаги керак.

Туркий тилимизда “хона”га от бормикан, деб юрар эдим. Мисоли бор экан: Навоий асарларида *эв* сўзи учрайди, унинг *уй* шаклидаги варианты ҳам бор. Булар *ўз эвига кирди, ўз уйида эди* бирикмаларида учрайди. Муҳими шундаки, Навоий туркий тил имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ва туркийнинг бойлигини ўз асарларида кўрсата билган. У *эв* (ёки *уй*) сўзини ўрни билан “хона” маъносида ҳам, “уй-жой” маъносида ҳам қўллайди. Шунингдек, Навоий *эшик* сўзини ҳам икки – ҳам “ҳовли”, ҳам “қопиқ” маъносида ишлатган.

Навоийда *уюқламоқ* сўзи ҳам бор. Бу сўзни “Бобирнома”да ҳам учратамиз. Муҳими шундаки, баъзилар *уюқламоқ* сўзини ҳозирги тилимизга *ухламоқ* деб ўгирадилар. Лекин *уюқламоқ*нинг маъноси *ухламоқ*дан фарқ қилади. Шунинг учун энг тўғри йўл, айрим атамаларни аслидай сақлангани маъқул.

Манбашунослик илмининг таркиби бўлмиш матншунослик ғоятда оғир ва мураккаб илмлардан. Навоий

ижодига беш юз йилдан ошибди. Навоий асарлари тилида араб, форс тилларидан ўзлашган сўз ва иборалар, ҳозирги ўзбек тилида маъноси унутилган сўзлар кенг қўлланилгани учун матнни луғатлар ёрдамида тўғри ўқиш ва маъно ўқумини тўғри ифода этиш керак бўлади. Тан олмоғимиз керак, Навоий асарлари бўйича тайёрланган нашрларда хатолар кўп учрайди. Биз ҳеч кимни айбламоқчи эмасмиз. Тилимиз тарихида ва ёзувда юз берган ўзгаришлар, ўша давр имлоси яхши эгалланмаганлиги буларнинг сабабчисидир. Бундай тадқиқотни фақат Шарқшунослик институтида мукамал таълим олган авлодгина уддалай олади. Бунинг учун уларга қўлёзмаларни чуқурроқ ўргатилмаги керак. Барча қўлёзмалардан фойдаланиш ҳозирча имконияти бўлмаганлиги учун қўлёзмаларни факсимиле шаклида тўла нашр этилишини истар эдим.

Адабиёт:

[1] *Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. Тошкент, 1987. 1- жилд, 329- б.

[2] *Алишер Навоий*. Илк девон. Тошкент, 1968. 88^а- varaқ.

БОБОЖОН САНОЙНИНГ ИЛМИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ

ШОҲИДА ШАКИРОВА

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ʔ т г а н м а с а л а л а р :

XIX асрда Хоразмда тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва унда Бобожон Санойининг ўрни.

XIX асрда Хоразм маънавий ҳаётида тасаввуф ва ирфоний илмлар.

Бобожон Саной ва унинг илмий-адабий мероси.

Халқимизни миллий маънавият ва миллий истиқлол ғояси озикларидан баҳраманд этишнинг энг самарали йўлларида бири қадимги ёзма меросимиздан ҳар бир замондошимизни, ёшларимизни баҳра олишларига қўмаклашишдир. Маънавий меросимизнинг таркибий қисми бўлмиш тасаввуф ва тасаввуф адабиёти манбаларини илмий тадқиқ этиш, улар мазмунидан бугунги ва келгуси наслларни бохабар қилиб юқорида таъкидланган залворли вазифани бажаришда муҳим аҳамият касб этади.

Тасаввуфий мероснинг бугунги маънавий ҳаётимиздаги амалий аҳамияти катта. Ўзбекистонда диний бағрикенглик тушунчасининг туб илдизлари тасаввуфга бориб уланади. Ҳозир биз ривожланган техника асрида яшамокдамиз. Инсон ақлли бўлгани сари у инсоний хислатларини йўқотмаслиги, яъни ёвузлик томон кетмаслиги керак. Бунинг учун унинг нафсини тарбиялаши лозим.

Тасаввуф ислом маънавиятининг таркибий қисмларидан бири бўлиб, бугунги кунда унинг ғоялари ва тасаввуфшуносликка оид билимлар жаҳоннинг ислом ёйилган барча ҳудудларида ўз ўрни ва таъсирига эга. Тасаввуф назарияси ва амалиётини ўрганиш қарийб ўн икки асрлик мерос ва тажрибасани ўз ичига олади [1].

Тасаввуф адабиёти манбаларини икки қисмга ажратиш мумкин. Чунончи: 1) бадий асарлар; 2) назарий-орифона асарлар. Ўзбекистонда ҳар икки йўналиш давом этиб келган. Чунончи, Абулвафо Хоразмий, Ҳусайн Хоразмий, Одина Махсум, Муҳаммад Порсо, Муҳаммад Мустамлий, Мавлавий Хароботий каби олим ва ижодкорлар меросини ўргансак, ҳам назарий, ҳам бадий асарларга дуч келамиз.

Бобожон ибн Худойберди Санойи ҳам шундай муаллифлардандир. У шоир, носир ва олим сифатида қалам тебратган.

Умуман, XIX аср Хоразм илмий-адабий муҳитида Санойининг алоҳида ўрни бор. У бир қанча асарларни таржима қилган (“Ҳафт манзар”, “Раъно ва Зебо”, “Маҳфилоро” каби) ва ўзи ҳам қатор асарлар ёзиб, ирфоний илмларни тадқиқ этган.

Мустақиллик йилларига келиб тасаввуф илмига кизиқиш жиддий тус олди. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хоразм илмий мактабларида кўпгина адабиётшунослар “Тасаввуф ва ўзбек адабиёти”, “Тасаввуф ва тариқатлар тарихи”, “Ислом ва тасаввуф”, “Нақшбандия, қодирия ва қаландария тариқатлари шоирлари ижодида тасаввуф” каби қатор мавзуларда тадқиқотлар олиб борди [2]. Жумладан Н. Комилов, М. Имомназаров, И. Ҳаққул, С. Олимов, Н. Жумаев каби йирик адабиётшунос олимлар, Шайх Абдулазиз Мансур, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф каби ислом уламолари, шунингдек, Н. Ҳасанов, О. Жўрабоев, С. Эшонова, Г. Холлиева, И. Усмонов, Ҳ. Йўлдошева каби бир қатор ёш олимлар тасаввуфшунослик ва тасаввуф адабиёти тўғрисида жиддий тадқиқот ва рисоалар яратди. Айниқса, Тошкент ислом университети ташкил этилгандан кейин (1999 йил) мазкур олий ўқув юрти қошида “Ислом илмий тадқиқот маркази” фаолияти тасаввуфни ўрганишда ўзига хос бурилиш ясади. Мазкур даврда ўрганилаётган мавзу бўйича кўплаб асарлар ёзилган бўлиб, у асарлар яссавиййа ва нақшбандиййа тариқатларига оид бўлган. Маълумки, Хоразмда яссавиййа ва хилватиййа тариқатлари мавжуд бўлган. Хоразмшоҳ Исфандиёрхон (биринчи) нақшбандиййа тариқатини қабул қилгандан сўнг, (XVII аср) мазкур тариқат ҳам Хоразмда кенг тарқала бошлайди. Ҳаттоки, Исфандиёрнинг ўзи муршид даражасига етади. XIX асрда Хоразмда илм-маърифат анча ривожланди. Айниқса, Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даврида таржима ва оригинал асарлар ёзишга эътибор

кучайди. Кўплаб олим ва адиблар ижод билан шуғулланганлар. Шулардан бири Бобожон Санойидир.

Нақшбандиййа тариқати намояндаси Мулла Бобожон Худойбердибек Манқит Санойи ҳам мазкур тариқатда анча муваффақиятларга эришди. У ўз асарларида инсоний ва ҳайвоний нафслар, инсоний ҳақиқат, ташқи ва ботиний нафслар, аъзоларнинг ҳикматлари, маъруфатуллоҳ ваҳий ва илҳом ва руҳи султониййа каби масалаларни баён қилди.

Ушбу соҳада яратилган мавжуд адабиётни жиддий ўрганиш шундай хулосага олиб келадики, эндиликда умумийликдан хусусийликка қараб бориш, яъни тасаввуф масаласини умумий тарзда кўриб чиқишгина эмас, балки жаҳонга номи таралган тариқатларни яхлит олиб ўрганиш билан ҳам чекланиб қолмай, у ёки бу тариқатнинг ҳар бир минтақадаги муайян тарихий даврларга оид ҳолатини у ёки бу нуқтаи назардан махсус ўрганиш талаб этилмоқда.

Ана шундан келиб чиқиб, биз фанга ҳали яхши маълум бўлмаган ва кам ўрганилган манбалар асосида XVIII–XIX асрлар Хоразм тасаввуфи ва ирфоний анъаналарнинг давр адабиётида акс этиши, бу даврда яратилган, ҳажм жиҳатдан ғоят салмоқли “Канз ал-маориф” ҳамда “Ҳақиқат ал-азҳар ва жавоҳир ал-асрор” асарларини адабий-фалсафий жиҳатдан тадқиқ этишни лозим топдик.

Бобожон Санойининг ҳаёти ва ижоди илмий таҳлил қилиб ўрганилмаган. Бу тасаввуф олими ҳақида маълумотлар ҳам оз. СВР (Собрание восточных рукописей) каталогида иккита таржима асари - “Девони Манзум” ва “Меҳр ва Моҳ” тавсифи келтирилган [3]. Н. Комилов ўзининг докторлик диссертациясида айрим таржималарни тадқиқ этган [4]. А. Носиров каталогида (ЎзР ФА ШИ да сақланади) Бобожон Санойи хоразмлик адиблар қаторида тилга олинади.

Мулла Бобожон ибн Худойбердибек Манқит Санойи XIX асрда Хоразмда яшаб ижод этган. У Хоразмдаги

“Богча” жомеъ масжидида хатиблик қилган. Санойининг ижодидан иккита ўзбекча асар ва тўртта форсий асарнинг таржимаси ўрин олган. Бу асарлар ЎЗР ФА ШИ да сақланмоқда. Ушбу асарлар муаллифи ҳаёти ва ижоди, у яшаган даврни ўрганиш мақсадида, масалага ойдинлик киритувчи далиллар ўрганилмоқда. Тадқиқот ушбу асарларни миллий маънавиятимиз такомилидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаб бериш, Бобожон Санойининг XIX асрда яшаб ижод этган забардаст ўзбек адиби эканлигини исботлаб, унинг адабиётимиздаги муносиб ўрнини кўрсатиб беришни ҳамда адиб яшаган давр Хоразм адабий муҳиtida тасаввуф адабиёти вакиллари ижодини ўрганишни кўзда тутади.

Миллий маънавиятимиз, ахлоқий тарбия эҳиёжларидан келиб чиқиб, адабий-эстетик ақидаларимиз тақозасига кўра азиз авлиёлар, сўфийлар ҳаёти ва фикрлари комил инсонни тарбиялаш жабҳасига тортилди

Тасавуфий адабиётларнинг бирин-кетин нашр этилиши, радио ва телевидениеда берилиши ёшу қари дунёқарашида тасаввуф моҳияти тўғрисида яхши қизиқиш уйғотмоқда. Буларнинг барчаси тарихий маънавий меросимиз ҳаёда ўз ўрнини бегона, сунъий қадриятларга бўшатиб бермаганлигини кўрсатади. Шубҳасиз, бу масалада тасавуфий ғазаллар, тасавуфий тазкиралар, ажойиб, қизиқарли маноқиблар, гап-гаштаклардаги оғзаки суҳбатлар ҳал қилувчи ўрин эгаллаган.

Хулоса қилиб айтганда, Мулла Бобожон Саной ўз замонасининг маърифатпарвар кишиси бўлган. Унинг асарлари орқали биз нафақат муаллифнинг, балки ўша даврдаги ижтимоий-фалсафий фикрлар ҳақида ҳам қизиқ маълумотлар олишимиз мумкин. Бу асарларни тадқиқ қилиш орқали, биз халқимиз тарихининг XIX асрдаги ижтимоий-фалсафий ғоялари, унинг ютуқ ва камчиликлари юзасидан муҳим хулосалар чиқаришимиз мумкин.

Б. Санойининг таржимонлик фаолияти Н. Комиловнинг докторлик диссертациясида бир қадар ўрганилган. Аммо оригинал асарлари, дostonлари, умуман ижодкор сифатидаги хизматлари тўлиқ илмий тадқиқ этилган эмас. Ушбу масалаларни ўрганиш адабиётшунослигимизнинг олдида турган вазифалардандир.

Адабиёт:

[1] Ислom дунёсида милодий IX–X асрлардан бошлаб асаввуф таълимоти бўйича ирфоний, тарихий ва назарий йўналишларда Ҳусайн ал-Ҳалложнинг “Китоб ут-тавосин”, Саррож ат-Тусийнинг “Китоб ал-лума фит тасаввуф”, Абу Толиб Калободийнинг “Ат-таарруф ли мазҳаби аҳли-т-тасаввуф”, Абу Толиб Маккийнинг “Қут ул-қулуб” (X аср охирилари), Абдурахмон ас-Суллабийнинг “Табақот ус суфия”, “Рисола ал-маломатия”, Абдулкарим Қушарийнинг “Рисола фит-тасаввуф”, Абулҳасан Ҳужвирийнинг “Кашф ул-мажҳуб”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ус-сойирин”, “Табақот ус-мажҳуб”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Манозил ус-сойирин”, “Табақот ус-суфия”, (XI аср) каби дунёга машҳур асарлари яратилди. XII–XIII асрларда тасаввуф фалсафасининг мумтоз намуналари – Яхъё ас-Сухравардий (1155–1191)нинг “Китоб хикмат ал-ишроқ”, Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165–1240)нинг “Футуҳоти Маккия” асарлари дунё юзини кўрди. Шу даврлардан эътиборан араб ва форс илларида буюк тасаввуф шеърляти вужудга келиб, инсонлар қалбини заб эта бошлади. Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг “Анис ут-толибин ва уддат ус-соликин” (XIII аср охири), Муҳаммад Порсонинг “Мақомоти Ҳазрати хожаи Нақшбанд”, “Рисолаи қудсия”, Яқуб Чархийнинг “Рисолаи унсия”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазорот-ил қудс” (XIV аср), Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, “Лисон ут-тайр”, Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний”, Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” (XV–XVI асрлар) тазкиралари ва рисоалари яратилди.

[2] Жумладан қаранг: Нақшбандия тариқатига оид кўлёзмалар фихрести. Тошкент, 1993; *М. Имомназаров.*

Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Тошкент, 1996; *Усмон Турар*. Туркий халқлар мафкураси. Тошкент, 1995; *Н. Камолов*. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Тошкент, 1997; Баҳоуддин Балогардон. Тошкент, 1993.; Ф. Равшанов ва бошқалар. Ҳофиз Рўзбой Машраб. Тошкент, 1996; *А. Ҳайитметов*. Навоийхонлик сабоқлари. Тошкент, 1993. *Фаридиддин Аттор*. Тазкират ул авлиё. (Туркчадан Мирзо Кенжабеков таржимаси). Тошкент, 1996. *Маҳмуд Асъад Жўшон*. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Тошкент, 1998; *Ҳожа Аҳрор Валий*. Рисолаи волидия. Тошкент, 1991; *Мавлоно Муҳаммад Қози*. Ҳукмдорга ўғитлар. Тошкент, 1999; *Жалолиддин Румий*. Ичиндаги ичиндадур (Фихий мо фихий). Тошкент, 2001; Ҳожа Абдуҳолиқ Гиждувоний (Манокӣб, мақомот, рисоалар). Тошкент, 2003; *А. Жузжоний*. Тасаввуф ва комил инсон. Тошкент, 2003.

[3] “Собрание восточных рукописей” каталоги, “Меҳр ва Моҳ” ва “Девони манзум” қиссалари, Бобожон Саной таржимасида. *Н. Камолов*. Хорезмская школа перевода. Докторская диссертация. Ташкент, 1987. С. 142–143.

[4] *Н. Камолов*. Хорезмская школа перевода. Докторская диссертация. Ташкент, 1987. С. 142–143.

ВОЗЕҲНИНГ “ТУҲФАТ УЛ-АҲБОБ” ТАЗКИРАСИДА БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

НОДИР РАҲМАТУЛЛАЕВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Возеҳнинг “Туҳфатул-аҳбоб” тазкираси XVIII аср охири – XIX асрнинг иккинчи ярми Бухоро адабий муҳитини ўрганишда муҳим манба.

Тазкирада Бухоро адабий муҳити намояндалари ижодига муносабат.

Тазкирага киритилган шоирлар ҳақидаги маълумот таснифи.

Ўз ичида қимматли маълумотларни қамраб олган, XVIII аср охири – XIX асрнинг иккинчи ярмида адабиёт тарихига оид илк тазкира мазкур давр адабиётининг кўзга кўринган вакили, шоир, ёзувчи ва машҳур олим Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ Бухорий қаламига мансуб. Муаллифнинг энг машҳур асари “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ил-асҳоб” (“Ёрлар зикрида дўстлар тухфаси”) ҳисобланади. У XIX аср ўзбек ва тожик адабиёти тарихи бўйича дастлабки қимматли манбадир. Унда Бухоро, Қўқон хонликлари ва Мовароуннаҳрда ижод қилган 140 дан зиёд шоирнинг таржимаи ҳоли ва ғазаллари тўпланган.

Возеҳ XIX аср ўзбек ва тожик адабиётидаги тазкиранависларининг биринчисидир. Ўз меҳнати билан у тазкира тузиш анъанасини тиклади. Буни замондошлари ҳам тасдиқлайдилар. Ҳашмат ўз тазкирасидаги Возеҳ ҳақидаги бобида қуйидагича ёзади:

“Соҳиби тазкиреи “Тухфат ул-аҳбоб”, ки тазкиренависиро тарз ва ихтирои у таъдид намуде” [1].

(Мазмуни: “Тухфат ул-аҳбоб” тазкирасининг муаллифи тазкира ёзиш анъанасининг услуби ва янгилигини киритди).

Кейинги тазкиралар муаллифлари ўз асарларини тузишда Возеҳ тазкирасидан фойдаланган, XIX аср бошидаги шоирлар ҳақидаги бобларни эса асосан “Тухфат ул-аҳбоб” тазкира материаллари асосида яратганлар.

Тазкиранинг сўзбошисида муаллиф узоқ давр мобайнида, яъни Мовароуннаҳр ҳокимияти Манғитлар сулоласига ўтганидан сўнг, бу ўлкада кўплаб йирик олим ва шоирлар пайдо бўлди, уларнинг номи тарихий йилнома ва тазкиралар йўқлиги сабаб авлодлар томонидан унутилди, деб ёзади.

Кейин баҳорнинг ажойиб васфидан сўнг муаллиф қуйидагича ёзади:

“Алқиссе дар ин айёми беҳжатанжом ва ҳангоми фарҳатинтизом бе таъиди муяммани корсоз ва эҳтирози шавқ ва таҳрики хавос мухтасари чанд дар зикри фузалои номдори ин диёр ва атроф ва акноф аз аҳди амири кабири марҳуми олимқдор то ин вақт мураббаъ сохт ва тартиби онро бе назми ҳуруфи таҳжи қарор дод ва ин рисолаҳо “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ил-асҳоб” ном ниҳод” [2].

(Мазмуни: Шундай қилиб, бу ҳурсандчилик кунлари ва қувонч соатларида қўллаб қувватловчи ва паноҳи бўлган (яъни Аллоҳ) ёрдами билан ва қизиқиш ҳамда ҳиссиётлар ёрдамида баъзи бир қисқа ёзувларни битдим, бунда шул ўлканинг машҳур олимларини айтиб ўтдим, буюк амиримизнинг ҳокимлиги даврдан бошлаб ҳозирги пайтгача уларни алифбо тартибида жойлаштириб рисолаи “Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират-ил-асҳоб” деб номладим).

Возеҳ тазкирасига киритган шоирлардан аксарият қисмини амир Шохмурод ҳукмронлиги даврдан бошлаб Бухоро хонлигида яшаб ижод қилган шоир ва олимлар ташкил этади. Аммо муаллиф ўз тазкирасини Мовароуннаҳр ташқарисида яшаган муаллиф ва шоирларни ҳам киритиб, кенгайтиради, бироқ бу шоирлар эса Мовароуннаҳр билан маълум даражада боғлиқ ёки ўша даврдаги Бухоронинг зиёлилари орасида ўз ижоди билан машҳур бўлганларидир.

Возеҳ тазкирасининг “Ғ” ҳарфи бобида шоир Ғавво ҳақидаги маълумотлар ва унинг шеърлари келтирилган. Бизнингча, бунга иккита сабаб бўлган: биринчидан, муаллиф Мовароуннаҳр чегарасида бу боб учун шоир топмаган ва ўз тамойилига кўра тазкирага Эрон шоҳининг Насриддин исмли шоирини (1848-1896) киритган; иккинчидан муаллифнинг сўзига кўра шоирнинг девони XIX асрнинг бошида Бухорода маълум бўлган ва муаллифнинг ўзи унинг ижоди билан шахсан таниш бўлган. Қаонийга келсак, унинг ижоди, айниқса,

“Паришон” китоби ўша даврда Ўрта Осиёда жуда машхур бўлган. Бу ҳақда Воех қуйидагича ёзади:

“Китоби мазкур (яъни “Паришон”) дар мавриди фитрати кожорийе аз дасти туркмон дар Бухоро уфтод. Мухаррири авроқ бе шарафи мутолеи он китоб мушарраф шуде” [3]. (Мазмуни: Мазкур китоб туркманлар Қожжорлар устидан ғалаба қозонганида Бухорога келиб қолди. Бу сатрларнинг муаллифи китобни ўқишга мушарраф бўлди).

Воех тазкирасига киритилган бошқа ўлкали шоир ва олимларнинг иккинчи гуруҳига Ўрта Осиё билан бевосита боғлиқ бўлган шоирлар киритилган. Улардан бири бошқа мамлакатларда туғилган бўлса-да, ўз ҳаётининг сўнгги йилларини Ўрта Осиёда ўтказган. Масалан, Ниёз Мавлоно шоҳ Аҳмад Ҳиндистонда туғилиб ўқиган. Кейин эса Пешовар ва Бадахшон орқали Марғилонга келиб, Қўқонда вафот этган [4]. Афтидан у йирик нуфузли дарвешлардан бўлган. У кўп сонли муридларга эга бўлиб, Ўрта Осиё шаҳарлари бўйича саёҳати пайтида ўз шеърларини кенг оммага ёйган.

Бошқа шоирлар ўзга шаҳарлик бўлса-да, маълум муддат Ўрта Осиёда бўлиб, ўз ватанига қайтган. Улар ҳаётининг охириги йиллари ҳақида ҳатто Воех ҳам ҳеч нарса билмаган. Масалан, таҳаллуси Ниёз бўлган Хўжа Шохниёз Кашмирий Кашмирда туғилган бўлиб, халифа Муҳаммадамин, яъни Дағбеддаги (Самарқанд атрофида) хонақонинг машхур дарवेशининг шогирди бўлган. Воехнинг маълумот беришича, у маълум муддат Дағбедда бўлиб, Кашмирга кетган ва Кобулда вафот этган [5].

Нажибий Ҳинду Шохжаҳон шаҳрида туғилган бўлиб, ўз динига кўра мусулмон бўлмаган, узоқ муддат Бухорода яшаб, ҳиндий, афғон (пушту), тожик тилларида шеърлар ёзиб, ҳаётининг охирида Ҳиндистонга қайтди [6].

Учинчи гуруҳга Бухоро хонлиги ортида, асосан Умархон ҳукмдорлиги пайтида Қўқон хонлигида яшаб ижод қилган шоир ва олимлар киритилган. Аммо бу ерда ҳам Возеҳ маълум тамойилга асосланади: у ўша даврдаги ўзбек ва тожик тилида ижод қилган машҳур шоирларни танлайди.

Хронологик тамойилга кўра Возеҳнинг тазкирасида шоирларнинг тўрт гуруҳини ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ – Возеҳ туғилгунга қадар яшаган ёки шоирнинг ёшлиги даврида вафот этган шоир ва олимлардир. Ҳозик ва Возеҳ ёшлигида вафот этган баъзи бир бошқа шоирлардан мустасно равишда бу шоирлар ҳақида муаллиф жуда кам маълумот беради. У ҳаттоки уларнинг туғилган ва ўлган йилларини кўрсатмайди. Бу шоирларнинг адабий мероси Возеҳгача етиб келмаган. Бунга сабаб уларни ўша даврдаги маданий марказ бўлган Бухородан узоқда яшаганликлари ёки оғир моддий шароитларда бўлиб, ўз асарлари қўзғемаларини кўпайтира олмаганлигидир. Возеҳ тазкирага улардан сақланиб қолган шеърӣ меросни кичик сондаги намуналарини киритишга муваффақ бўлди. Масалан, Ирсӣй Хисорӣй ҳақидаги бобда у қуйидагича ёзади:

“Аз вилояти Хисор, дар Бухоро таҳсили улум намуде. Табъаш бе мазок ва шуҳи моил, бо умаро ва ҳукамо махлут, бисёр лоубол ва қаландарвазъ буде, аксар ашъораш хазломиз, табъаш бар фунуни назм қодир” [7]. (Мазмунӣ: У Хисор ҳудудидан бўлиб, Бухорода ўқиган. Шеърӣй истеъдоди ҳажвияга яқин бўлган. У ҳоким ва амирлар билан яқин бўлиб, ғам-ташвишсиз дарвешларга ўхшаб ҳаёт кечиради. Шеърларининг аксарияти ҳажвийдир. Ўз табиатига кўра у шеърӣятда кучлидир).

Возеҳ ўша давр жамиятининг Адо (Бухоронинг шайх ул-исломи), Ҳозик ва бошқа баъзи бир нуфузли вакиллари

таржимаи ҳоли ҳақида, ижоди тавсифи бўйича батафсил маълумотлар беради.

Иккинчи гуруҳга “катта авлод” шоир ва олимлари мансубдир, яъни улар тазкира тузилгунга қадар бир оз олдинроқ вафот этган ёки ўша даврда кекса бўлган. Бу шоирларнинг аксарияти билан Возеҳ шахсий мулоқотда бўлиб, дўстона муносабатлар ўрнатган. Масалан, Хомил исмли шоир ҳақида у қуйидагича ёзади:

“Бо роқими мароқим аз роҳи таваддуд лофи педари ва фарзанди мезад” [8]. (Мазмуни: Яқин дўстлиги сабабли бу сатрни муаллифи уни ўз отаси деб, у эса ўғлидек кўрган).

Муаллиф бундай шоирларнинг аксарияти ижодини юқори баҳолаб, уларга ўз устози ва тарбиячиси сифатида катта ҳурмат билан қараган.

Учинчи гуруҳга Возеҳнинг замондошлари, яъни мадрасада ўқиши ва амир ҳузуридаги хизмат бўйича дўстлари, унинг танишлари, яъни Масиҳо Бойсунӣ, Шавқӣ, Котиб каби танишлари кирган.

Ва ниҳоят, тўртинчи гуруҳ – бу ёш шоирлар. Уларнинг аксарияти мадрасада ўқиган ёки хизмат қилиб, шу билан бирга шеър битган. Муаллиф улар ижоди ҳақида қисқа маълумотлар бериб, аксарият ҳолларда уларнинг истиқболига ишонч билдирган.

“Агар тарбият ёбад бе аъло даражеи камол хоҳад расид” [9]. (Мазмуни: Агар тарбия олса, баркамолликнинг юқори даражасига эришур).

Улардан баъзи бирларининг номини XX асрнинг бошидаги тазкираларда учратиш мумкин (масалан, Амлах, Фитрат, Анбар, Ҳиммат ва бошқалар).

Тазкирага киритилган шоирларнинг аксарияти ҳукмрон ва мулкдор синфларнинг вакили бўлиб, давлат мансабдорлари, маҳаллий ҳоким, қози, муфтий ва амир саройи билан боғлиқ шахслар бўлган. Улар орасида етарли даражада зиёли (ўша давр фани доирасида) ва мадрасада

дарс берувчилар ҳам учраб турган. Бу инсонларнинг аксарияти моддий таъминланган бўлиб, ўша даврнинг маданий маркази бўлган Бухорода яшаб, ўз ғазал ва поэмаларини кўлёзмаларда кўпайтириш имкониятига эга бўлган. Бу эса уларнинг ижод намуналари ва номларининг сақланиб қолишига ёрдам берган. Бошқа томондан Возеҳ ўз даврининг илғор зиёли инсони ва амир Музаффарнинг сарой аҳли доирасида бирмунча пайт бўлган шахс сифатида уларнинг аксариятини шахсан таниган ва бу тазкира ёзишда биографик ва ижодий маълумотларни етарли ҳажмига эга бўлган.

Тазкиранинг кичик қисмини майда савдогар, хунарманд, деҳқон (Возеҳнинг “Саҳрои” иборасига кўра - қишлоқи) ва зиёлиларнинг ўрта қатлами вакиллари ташкил қилган. Уларнинг баъзи бирлари ҳақида Возеҳ батафсил маълумот беради (Масалан, Афқар, Аъраж, Бебок), баъзилари ҳақида эса жуда ҳам кам маълумот беради (Пари, Котиб, Ирсий). Возеҳнинг тазкирасида қуйи қатламлардан чиққан барча шоирлар киритилмаганлигини ишонч билан айтиш мумкин. Уларнинг аксарияти албатта халқ орасида машҳур бўлган, аммо Бухородан узоқда яшаб, ўз асарлари кўлёзмасини кўпайтириш имкониятидан маҳрум бўлган (Масалан, Пари, Ирсий ва бошқалар). Шунинг учун ҳам зиёлиларга, жумладан Возеҳга номаълум бўлган.

Возеҳнинг тазкирасига моҳир ва етук шоирларгина эмас, у ёки бу даражада шеърят билан шуғулланган бошқа зиёлилар ҳам киритилган. Бу хусусият нафақат Возеҳнинг тазкирасига, балки ундан олдин ва ундан кейин тузилган тазкираларга хосдир. Муаллиф материални танлаганида етук шоир ва ҳаваскор шоир ўртасида фарқ ўтказмайди: масалан, тазкирасининг сўзбошисида у ўз асарига Бухоро хонлигида Манғитлар сулоласининг ҳукмронлик қила бошлаганидан сўнг пайдо бўлган барча

олим ёки зиёли инсонлар (фузалолар)ни киритиши ҳақида ёзади [10]. 225- бетда берилган изохда тазкиранинг тузиш мақсади шоирлар ҳаётини ва уларнинг шеърларини баён этиш эканлигини ёзади. Бироқ тазкирасини батафсил ўрганиб чиқиб бундай фарқни аниқлаш мумкин.

Етук шоирларни ҳам иккита гуруҳга бўлиш мумкин: уларнинг ярми фақат шоир сифатида машҳур бўлиб, фақатгина адабий фаолият билан шуғулланган. Баъзида муаллиф уларни ажратиб кўрсатади (Масалан, Афсах ҳақидаги бўлим):

“Баъд аз хатми улуми расми дар шеър гуфтан хавз намуде ва бедон машҳур гаште” [11]. (Мазмуни: Фанларнинг расмий дастурини якунлагандан сўнг шеърят билан шуғулланиб, шу орқали машҳур бўлди).

Етакчи шоирларнинг бошқа қисмини мударрислар (Бебок, Сарир, Афқар ва бошқалар), ҳаттотлар (Содиқ, Сарвий, Шарифий ва бошқалар), хунармандлар (Ширин), Бухоронинг саройи ва давлат аппаратидаги ўз машғулотларидан ташқари шоир сифатида машҳур бўлган юқори мансабли шахслар (Афғон, Журъат, Хоиф ва бошқалар) ва алоҳида шеърӣ ва насрий асарлар: Ширин – “Юсуф ва Зулайҳо” достонининг муаллифи, Масихо – “Раъно ва Зебо” достонининг муаллифи, Афқар – “Хамса ашара” достонининг муаллифи ва бошқалар ташкил қилади.

Бошқа гуруҳга ҳаваскор шоирлар мансуб бўлган. Муаллиф аксарият ҳолларда бу шоирларни етук шоирлардан ажратади. Масалан, амир Ҳайдарнинг устози ва Бухоронинг бош қозиси бўлган Рашид ҳақидаги бобда у куйидагича ёзади:

“Тоҳи бинобар инбисоти табъ ва имтиҳони хотир ратб ул-лисони шахди ашъор низ мегардиданд” [12]. (Мазмуни: Ўзининг хушчақчақ феъли сабаб ва фикрини синовдан

ўтказиш учун тилини шеърият ширинликлари билан хурсанд қилган.)

Возеҳнинг маълумотларига кўра, мазкур шоирлардан баъзилари сон жиҳатидан етук шоирларнинг ғазалидан кўпроқ бўлган шеърларни ёзишган. Худди ўша Рашид Возеҳнинг айтишича, 4000 сатрдан зиёд шеърларни ёзган. Аммо бу барча шоирлар шеъриятни ўзига хос бир ҳавас деб билишган. Уларнинг ғазаллари мавзуси шахсий кайфият ва мумтоз форс-тожик шеъриятига тақлид (улар ҳам бўлса муваффақиятсиз) доирасидан четга чиқмаган.

Возеҳнинг тазкирасида шоирлар ижодининг мазмуни ёки мавзусини чуқур таҳлили йўқ. Муаллифни алоҳида шоирларнинг услуби ва моҳирлиги ҳақидаги мулоҳазалари ҳам кам ифодали ва тўлиқ эмас. Аммо муаллифни шоирлар ғазалининг руҳи, шоир у ёки бу йўналишга мансублиги ҳақидаги кичик қайдларни учратиш мумкин. Бу қайдлардан келиб чиққан ҳолда биз барча шоирларни учта гуруҳга бўлишимиз мумкин.

Биринчи гуруҳга феодал адабиётнинг вакиллари, яъни амирга қасида бағишлаган, ҳаёсиз ғазаллар ёзган, мумтоз адабиёт трафарет шакллари бўйича шеърлар битган сарой ва сарой аҳлидан ташқари барча шоирлар ҳамда Умархон саройи аҳлига мансуб шоирлар киради.

Бошқа гуруҳга шеъриятда тасаввуф тарафдори бўлган шоирлар, дарвеш, эшонлар киради. Возеҳ деярли барча жойда бу шоирларни ҳамда уларнинг ғазалларидаги тасаввуф руҳини алоҳида таъкидлаб ўтади. У Сийрат ҳақида қуйидагича ёзади:

“Бе тариқеи аҳли тасаввуф ва таарруф дохил, жамеъи сулуки тариқеи нақшбандийеи алийеро тамом намуде” [13]. (Мазмуни: Тасаввуф ва таарруф руҳига мансуб бўлиб, Али нақшбандиясининг барча қоидаларини ўзлаштирган).

Жуйборий шайхлардан чиққан эшонлар ва шайхлар (Эшон, Азмий, Фозил ва бошқалар) ҳамда Қосимий, Ниёз

каби дарвешларнинг ғазал ва шеърлари ибодат (муножот) характериға эға бўлиб, муридлар, яъни издошлар доирасида куйлаш ёки ўқиш учун мўлжалланган эди. Воеҳ уларнинг ғазаллариға юкори баҳо беради. Бунда у бадий ютуқларини умуман таҳлил қилмайди.

Учинчи гуруҳға феодал-диний адабиётға мансуб бўлмаган шоирлар киритилган (булар Ҳасрат, Пари, Ирсий, Ширин, Савдо, Аъраж, Афқар ва бошқалар). Улардан аксарияти ўзларининг улкан билим ва маълумотиға қарамасдан, фақирликда ҳаёт кечириб, танҳо яшаган. Воеҳ келтирган шеърларининг аксарияти норозилик ва арзларға тўла бўлиб, ўз услуби бўйича биринчи икки гуруҳға мансуб шоирлар ғазалидан кескин фарқланади.

Ўз замондошлари ҳақида муаллиф батафсил маълумотлар келтиради (Масалан, Савдо, Аъраж, Афқар ҳақида). XVIII аср охирида ижод қилган шоирлар ҳақида жуда кам маълумотлар келтирган (Пари, Ҳасрат, Ирсий).

Шундай қилиб, Воеҳ тазкираси бизға Ўрта Осиё ва унга яқин бўлган жойларда туғилиб, Бухоро ва Қўқон хонликлари давридаги муҳитда ижод қилган бизға маълум ва номаълум шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва адабий меросидан хабар берувчи манба сифатида жуда катта аҳамиятға эға.

Адабиёт:

- [1] *Ҳашмат*. Тазкират уш-шуаро. Қ. № 2729. 97а- в.
- [2] *Воеҳ*. Тухфат ул-аҳбоб фи тазкират ул-асҳоб. Т. № 9411 / Салимий таҳрири остида. Тошкент, 1913–1914. 15–16- б.
- [3] Ўша китоб, 214- б.
- [4] Ўша китоб 254–255- б.
- [5] Ўша китоб, 253- б.
- [6] Ўша китоб, 267–268- б.
- [7] Ўша китоб, 28- б.
- [8] Ўша китоб, 91- б.
- [9] Ўша китоб, 48- б.

- [10] Ўша китоб, 16- б.
- [11] Ўша китоб, 26- б.
- [12] Ўша китоб, 124- б.
- [13] Ўша китоб, 138- б

МАҚОЛАЛАРНИНГ ЭГАЛАРИ

Алийбег Рустамий – 1931 йилда туғилган, ЎзР ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор.

Ансориiddин Иброҳимов – 1952 йилда туғилган, филология фанлари доктори, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг профессор в.б.

Аҳмаджон Қуронбеков – 1943 йилда туғилган, филология фанлари доктори, профессор, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Эрон-афғон филологияси кафедрасининг мудири.

Зокиржон Орипов – 1947 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат консерваториясининг доценти.

Зоҳиджон Исломов – 1956 йилда туғилган, филология фанлари доктори, Тошкент Ислон университетининг профессори.

Улфатхон Муҳибова – 1956 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Хорижий шарқ адабиёти кафедрасининг мудири.

Жасур Зиямухамедов – 1976 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Шарқ филологияси ва тарих факультетининг декани.

Махмуд Ҳасаний – 1943 йилда туғилган, тарих фанлари доктори, ЎзР ФА Шарқшунослик институти кўлёзмалар фонди мудири.

Нодир Раҳматуллаев – 1984 йилда туғилган, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг ўқитувчиси.

Раъно Ходжаева – 1941 йилда туғилган, филология фанлари доктори, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг профессори.

Салимахон Рустамий – 1962 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Мумтоз филология кафедрасининг доценти.

Сарвиноз Сотиболдиева – 1972 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг доценти.

Суйима Ғаниева – 1932 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг профессори.

Қосимжон Содиқов – 1954 йилда туғилган, филология фанлари доктори, профессор, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Мумтоз филология кафедрасининг мудири.

Қудратулла Омонов – 1972 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, доцент, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Туркиёт кафедраси мудири в.б.

Ҳомидхон Исломи – 1938 йилда туғилган, филология фанлари номзоди, ЎзР ФА Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими.

Шоҳида Шакирова – 1974 йилда туғилган, Тошкент ислом университети тадқиқотчиси.

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Биринчи бўлим. Тилшунослик	
<i>А. Куронбеков.</i> Классик форс тили ҳамда ҳозирги форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий таҳлили.....	11
<i>З. Орипов.</i> Қадимги ёзма манбаларда исломдан аввалги давр мусикаси билан боғлиқ атамалар.....	20
<i>А. Иброҳимов.</i> Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидаги арабча ўзлашмалар.....	27
<i>Қ. Омонов.</i> Ўрта асрларнинг олди-берди ва савдо-сотик битимларида кечган <i>miñ yil tūmān kūn</i> формуляри тўғрисида.....	32
<i>С. Рустамий.</i> Балобат илмида грамматик воситаларнинг танланиш йўллари.....	37
Иккинчи бўлим. Адабиётшунослик	
<i>А. Рустамий.</i> Ҳазрат-и Навоийнинг номлари.....	42
<i>Р. Ходжаева.</i> Мамлуклар даврида адабий муҳит.....	49
<i>С. Ғаниева.</i> Лутфий ва Навоий шеърояти: классикларимиз ижодида анъана.....	59
<i>У. Муҳибова.</i> Ўрта асрлар браж адабиётида “варта” жанри: ҳинд насрининг юзага келиши ва такомили масалалари.....	65
<i>Ж. Зиёмуҳамедов.</i> Ўрта асрлар хитой насри: жанр такомили ва ўзига хос хусусиятлари.....	72
<i>С. Сотиболдиева.</i> “Девони Фоний”да қўлланилган <i>ринд</i> сўзининг маънолар тизими.....	79
Учинчи бўлим. Адабий манбашунослик ва матншунослик	
<i>М. Ҳасаний.</i> Ҳофиз Шеъротий девонининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзмалари.....	90
<i>Қ. Содиқов.</i> Мавлоно Лутфийнинг уйғур ёзувида битилган шеърлари.....	98
<i>З. Исломов.</i> “Асвоку-з-заҳаб” асарининг асослари.....	115
<i>Ҳ. Ислохий.</i> Алишер Навоий асарлари қўлёзмаларини ўқиш ва сўз маъноларини талқин қилиш тўғрисида.....	122
<i>Ш. Шакирова.</i> Бобожон Санойининг илмий ва адабий мероси.....	125
<i>Н. Раҳматуллаев.</i> Возехнинг “Тухфат ул-аҳбоб” тазкирасида Бухоро адабий муҳити тўғрисидаги маълумотлар.....	131
<i>Мақолаларнинг эгалари.....</i>	142

ШАРҚ КЛАССИК ФИЛОЛОГИЯСИ

ИЛК ТЎПЛАМ

М а с ъ у л м у х а р р и р:
филология фанлари доктори, профессор **Қ. Содиқов**

Техник муҳаррир: **Н. Раҳматуллаев**

2009 йилнинг 8 октябрида босишга рухсат этилди. Бичими 60x84
¹/₁₆. Шартли 9 босма табок. Сони 100 та. Буюртма №



ШАРҚ КЛАССИК ФИЛОЛОГИЯСИ

ИЛК ТЎПЛАМ